



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

АХБОРОТНОМАСИ

№ 1–2 (34–35)

2015

Тошкент – 2015

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
АХБОРОТНОМАСИ**

2015 йил №1-2 (34-35)-сон

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги Оммавий ахборот
воситаси давлат рўйхатидан
ўтказилганлиги тўғрисида
гувоҳнома № 0838**

1999 йилдан чиқа бошлаган

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда
ўзбек ва рус тилларида
босилади**

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ

Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

**Абдуҷабар АБДУВАХИТОВ
Жавлон АБДУЛЛАЕВ
Олимжон АБДУНАЗАРОВ
Комилжон АДИЛОВ
Светлана АРТИКОВА
Отагалди БОБОЖОНОВ
Гайрат МАШКУРОВ
Эсон РАЖАБОВ
Жанабай САДИКОВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Темур ШИРИНОВ**

БОШ МУҲАРРИР

Низомиддин НУРМАТОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100078, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони, 6.
www.elections.uz
e-mail:saylov@umail.uz
Телефон: 239-43-91

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.
Босишга 2015 йил 13 майда рухсат этилди.
Бичими 60x84¹/₈. Офсет қоғози. «Times»
гарнитурасида офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 39,99. Нашр табоғи
27,93. Адади 500 нусха. Буюртма № 15-381.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

МУНДАРИЖА

**Ўзбекистон демократик давлат қуриш йўлидан ишонч
билан одимламоқда**

6

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзо-
ларини тайинлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Фармони**

16

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНING ҚАРОРЛАРИ**

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-
чилик палатаси биринчи мажлисининг муваққат котиби-
яти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг қарори**

18

**«Электрон овоз бериш тизимининг ишини назорат қилувчи
муваққат гуруҳ тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори**

19

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси биринчи мажлисининг кун тартиби тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палата-
сининг қарори**

20

**«Оқсоқоллар кенгашини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори**

21

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Спикерини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори**

23

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ**

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати би-
ринчи мажлисининг муваққат котибияти тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори**

24

**«Электрон овоз бериш тизимининг ишини назорат
қилувчи муваққат гуруҳ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-
каси Олий Мажлиси Сенатининг қарори**

25

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати би-
ринчи мажлисининг кун тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори**

26

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раисини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори

27

«С.Б. Артиковани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори

28

«М.Т. Ерняязовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори

29

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

30

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

31

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига доир плакатларнинг намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

38

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган плакатлар намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

39

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

40

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан иштирок этувчи кузатувчиларни рўйхатга олиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

45

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияси аъзолари учун минтақавий ўқув семинарлари ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

63

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Я. Душановнинг аризаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

72

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод С. Нормаматовнинг аризаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

73

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти мониторинги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

74

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш мақсадида сайлов округлари ва участкалари, ташкил этилган матбуот марказларини алоқа воситалари, оргтехника ва техник воситалар ҳамда телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ахбороти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

76

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари ва 21-Бухоро, 34-Навоий ҳамда 126-Темирйўлчилар округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

79

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод М. Асилованинг аризаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

82

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари билан ўтказилган семинар-тренинглار бўйича ахбороти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

83

«Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича Конференциясида иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссиясининг вакилларини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

84

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

86

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

105

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

109

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

112

«Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йилнинг иккинчи ярмида амалга оширган ишлари ва 2015 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

117

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

118

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

119

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

127

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари С. Артикова тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

128

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосарини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

129

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси С. Курбанкулов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

130

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан кузатувлар натижалари бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси Баёноти

131

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга (2014 йил 21 декабрь) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти кузатувчилари миссияси Баёноти

134

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси

144

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси

146

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

147

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИДА

157

САЙЛОВЧИ КУТУБХОНАСИ

171

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

2014 йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган та-мойилларига ва сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда ўтказилди. Буни сайловни кузатишда қатнашган 5 та халқаро ташкилот – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов ор-ганлари ассоциацияси, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти ва 52 та давлатдан 340 дан ортиқ кузатувчиларнинг матбуот анжуманларида, оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюларида баён қилинган ва ОАВда эълон қилинган фикрлари ҳам тасдиқлайди. Уларнинг айримлари қуйида эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Сергей ЛЕБЕДЕВ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси раҳбари:

– Ўзбекистонда сайлов жараёнларида фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқлари янада ёрқин тасдиғини топган. Шунингдек, Мар-казий сайлов комиссиясига конституциявий мақомнинг берилиши ушбу таш-килот аҳамияти ва нуфузини янада оширди. Давлат ҳокимияти тизимида қонунчилик органлари роли ўсган.

Сайлов пухта тайёргарлик самарасида юқори ташкилотчилик руҳида бўлиб ўтди. Кузатувчилар барча вилоятлардаги округ сайлов комиссияларида бўлдилар, 77 та сайлов участкасига бордилар. Барча номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситалари дан фойдаланиш учун тенг имкониятлар берилди. Сайловлар янада муқобиллик касб этаётир.

Биз сайловни ташкил этиш билан шуғулланган Марказий сайлов комиссия-сидан, давлат тузилмаларидан миннатдормиз. Бизни яхши кутиб олишди, иши-мизга кўмак беришди, барча зарур шарт-шароит билан таъминлашди. Фаоли-ятимиз учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмади. Барча участкалар, округларга ташриф буюриш, сайловга тайёргарлик кўриш ва 21 декабрь куни унинг ўтказилишини эркин кузатиш имконига эга бўлдик. Марказий сайлов комиссияси мажлис-ларида, сайлов комиссиялари аъзолари учун семинарларда қатнашдик. Юр-тингизда сайлов кампанияси, бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, сайлов жа-раёнининг барча иштирокчилари билимларини изчил ошириб бориш билан узвий боғлиқ ҳолда ўтказилди. Халқаро экспертлар, турли мамлакатлар пар-

ламентлари аъзолари, сайлов органлари аъзолари иштирокида сайлов жараёнларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро ва маҳаллий конференциялар ташкил қилинди. Эътироф этиш лозимки, халқаро тажриба Ўзбекистонда фаол татбиқ этилиб, ундан самарали фойдаланилмоқда.

Даан ЭВЕРТС, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси раҳбари:

– Сиёсий жараённи кузатишда сайловнинг ЕХХТ, бошқа халқаро ҳужжатлар ва стандартлар, шунингдек, миллий қонунчилик талабларига мувофиқ ўтказилиши ўрганилиб, шу нуқтаи назардан унга баҳо берилди. 2009 йилги сайлов яқунларида сайлов жараёнларини такомиллаштириш бўйича берилган бир қатор тавсиялар инобатга олинди, рўёбга чиқарилган. Кузатувчиларнинг чекланган миссияси аъзолари ўз фаолияти давомида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги сайлов участкаларига ташриф буюрдилар, Марказий сайлов комиссиясининг очиқ мажлисларида қатнашдилар, фуқаролик жамияти, давлат органлари вакиллари билан учрашдилар. Парламент сайлови сайлов комиссиялари томонидан очиқлик ва ошқоралик принципига асосланган ҳолда профессионал ташкил этилди. Сайлов комиссиялари аъзоларининг қонунчилик бўйича чуқур хабардорлик даражаси қайд этилди. Умуман, овоз бериш ва овозларни санаш самарали ҳамда шаффоф ўтказилди.

Ўзбекистоннинг ҳамкорликка тайёрлигига гувоҳ бўлдик. Ҳамма жойда бизни самимият билан кутиб олдилар, ҳар томонлама кўмак кўрсатилди. Ўз ишимизни тўлақонли олиб боришимизга яратиб берилган имконият учун сайлов ташкилотчиларига миннатдорлигимизни билдирамыз.

Маҳмадшариф ҲАҚДОДОВ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти кузатувчилари миссияси раҳбари:

– Сайлов кампанияси даврида барча тадбирлар очиқ ва ошқора, Ўзбекистон қонунчилигига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилди. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга ОАВ дан фойдаланиш учун тенг ва кенг шароитлар яратилди. Партиялар сайловчилар билан мустақил учрашувлар олиб бериш имконига эга бўлдилар. Овоз бериш ва сайлов яқунлари бўйича хулоса чиқариш жараёнларини холис баҳолаш мақсадида Тошкент ва Тошкент вилоятидаги сайлов комиссиялари фаолиятини бориб кўрдик. Сайлов куни 73 та сайлов участкасида бўлдик. Овоз бериш давомида фуқароларнинг фаол иштироки кузатилди. Участкаларда Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари қатнашди. Сайлов натижаларини шубҳа остида қолдирадиган қонунбузилиш ҳолатлари кузатилмади. Сайловлар шаффоф, транспарент ва демократик руҳда ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат муассасалари, шунинг-

дек, жамоатчилик ташкилотларига кўрсатган кўмаги учун катта миннатдорлик билдирамиз.

Бай Бюнг ИК, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссияси раҳбари:

– Сайловлар юксак савияда ўтди, сайловчилар фаоллик кўрсатди. Сайлов участкаларида овоз бериш учун барча шарт-шароит яратилган. Комиссия самарали фаолият юритиши учун замонавий техника, алоқа воситалари, зарур ҳуқуқий адабиётлар тақдим этилган. Комиссия аъзолари ва бошқа ходимлар сайлов қонунчилигидан тўлиқ бохабар. Кузатувчиларни илиқ кутиб олдилар, барча саволларимизга батафсил жавоблар берилди. Биз округ сайлов комиссиялари иши билан ҳам танишдик. Улар учун қулай бинолар ажратилиб, зарур шароитлар ҳозирланган.

Али Шохризо АБОЛҲАССАНИЙ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси раҳбари:

– Сайловчиларнинг фаол иштирокини алоҳида қайд этамиз. Буни жамиятнинг сиёсий етуклиги, одамларнинг юқори даражадаги фаоллиги ҳам тасдиқлаб турибди. Фуқаролар дахлдорлик ҳиссини намоён қилдилар. Ислом ҳамкорлик ташкилоти номидан Ўзбекистон халқини сайловлар муваффақиятли ўтказилгани билан табриклайман. Бу давлат ҳокимияти тизимида парламент ролини кучайтириш, Конституцияга марказий сайлов органини мустақамлаш бўйича тузатишлар киритилган бир шароитда бўлиб ўтган жуда муҳим воқеадир. Участкаларда халқингиз конституциявий ўзгаришларни тўғри англаб, қўллаб-қувватлаётганига шохид бўлдик. Фаолиятимиз якунига кўра, алоҳида таъкидламоқчимизки, сайловлар юқори профессионал даражада ташкил этилди, аҳоли юксак даражада фаоллик кўрсатди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Кузатувчилари миссияси томонидан ҳеч қандай эътироз йўқ.

Владимир ЧУРОВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Демократик сайловлар мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг муҳим омили. Ўзбекистоннинг мазкур соҳага оид қонунчилигида халқаро андозаларга мос барча зарур жиҳатлар ифодасини топган. Сайловлар кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланигани ва сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилгани эътиборга сазовор. Бу Марказий сайлов комиссиясининг бошқа ҳокимият органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказишини таъминлайди. Муддатидан олдин овоз берувчилар, саломатлиги ёки бошқа сабабларга кўра сайлов биносига кела олмай-

диганлар учун ҳам етарли шароитлар яратилган. Чет элдаги фуқаролар учун Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихоналарида, жумладан, Россияда ҳам сайлов участкалари ташкил этилган.

Масато ХИВАТАРИ, Хоккайдо университети профессори (Япония):

– Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бир қанча сайлов участкаларида бўлдим ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик ишлари билан танишдим. Тайёргарлик ишлари юқори даражада амалга оширилди. Бу жараёнга нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг жалб этилгани самарасидир. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик фуқаролик жамиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг роли янада ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотлардан яхши хабардорман. Айти пайтда сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда роли сезиларли равишда кучайтирилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Юқори даражада ўтказилган сайловолди кампаниялари ҳам бундан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар рўйхатида хотин-қизлар ва ёшларнинг кўплиги эътиборга лойиқдир. Бу Ўзбекистон хотин-қизлари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол жалб этилаётганини тасдиқлайди. Улар орасида ёш номзодларнинг кўплиги эса Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигининг ёрқин кўрсаткичидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг янги таркибида ёш депутатлар сафининг кенгайиши қонун ижодкорлиги фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишига ишонаман.

Ўзбекистонга биринчи марта ўн йил аввал келгандим. Шу вақт ичида мамлакатингиз қиёфаси тубдан ўзгарган. Янги биноларнинг бунёд этилаётгани, шаҳар ва қишлоқ инфратузилмаси ривожлантирилаётгани, замонавий меҳмонхоналар, ресторанлар ва бошқа объектлар тармоғининг янада кенгайтирилаётгани мамлакат ва халқ фаровонлиги тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ахим КОДДЕРМАНН, Нью-Йорк университети фалсафа факультети декани (АҚШ):

– Самарқанддаги бир нечта сайлов участкасида бўлиб, эрталабдан сайлов қутиларида анчагина бюллетенлар ташланганини кўрдим. Бу аҳолининг фаоллигидан далолат. Жараённи ташкил этиш, сайловчилар ва кузатувчилар учун муносиб шароит яратишда қонун талабларига қатъий амал қилинган. Муҳими, овоз беришда ҳар бир сайловчи эркин, бир-бирига хурмат билан му-

носабатда бўлмоқда. Участкаларда она ва бола, тиббиёт хоналарининг ташкил этилгани мамлакатингизда инсон саломатлиги энг катта бойлик сифатида қадрланишидан далолат беради.

Мустақил тараққиёт йўлини танлаб, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда қисқа вақтда турли соҳаларда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, замонавий сайлов тизимига ҳавас қилса арзийди.

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси, профессор (Германия):

– Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишман. Кейинги йиллардаги ўзгартиш ва қўшимчалар соҳага оид меъёрий ҳужжатларни демократик тамойиллар асосида янада такомиллаштирди. Бу кутилаётган сайловларнинг адолатли ўтишига, фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни кузатиб бораман. Мамлакатингизда иқтисодиёт, фан-таълим ва технологиялар соҳаси изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугун дунёда тинч яшашнинг ўзи катта бахт. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик халқингизнинг энг катта ютуғидир. Бундай мамлакатда тараққиёт, демократия бўлади. Одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Аҳолининг сайлов жараёнига қизиқиши, сиёсий билимдонлиги ва фаоллиги шундан бўлса керак.

Тьери МАРИАНИ, Франция миллий ассамблеяси депутати:

– Сайлов руҳи, унга одамларнинг қизиқиши ҳар қадамда намоён. Каттаю кичик сайлов тўғрисидаги қонунчиликдан, сиёсий партиялар фаолиятдан яхши хабардор. Сайловчилар депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури ҳақидаги маълумотлар билан танишган. Буларнинг барчаси парламент сайловининг демократик, очиқлик ҳамда ошкоралик тамойилларига мувофиқ ўтишига ва сайловчиларнинг номзодларни танлаш имкониятини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлардан хабардорман. Мисол учун, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди таклиф этилиши тамойили сиёсий партияларнинг ролини янада оширишга хизмат қилади.

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид концепция асосида қабул қилинган қонунлар Олий Мажлис-

нинг роли ва аҳамиятини янада кучайтирган. Ижро ҳокимияти органларининг парламент олдидаги масъулиятини оширган.

Юртингизга ҳар келганимда улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этган меъморий обидалар, маданий ёдгорликларни зиёрат қилиб, маънавий озиқа оламан. Гўзал табиат, боғу роғлар, кенг ва файзли кўчаларни кўриб завқланаман.

Пан ДАВЭЙ, Шанхай ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази директори (Хитой Халқ Республикаси):

– Ўзбекистоннинг сайловга оид қонунчилиги асослари билан танишиб чиқдим. Халқаро стандартларга тўла мос бу қонунлар барча фуқароларга сайлаш ва сайланиш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имконини беради.

Парламентнинг тўғридан-тўғри сайлов йўли билан шакллантирилиши, Олий Мажлис ваколатларининг кенгайтирилиши мамлакатда демократия жадал ривожланаётганини кўрсатади. Сайлов жараёнига кўплаб халқаро кузатувчилар таклиф этилгани унинг очиқ-ошкоралигидан далолатдир.

Ўзбекистонда сайлов кампанияси давлат томонидан молиялаштирилаётгани ва ушбу жараённинг очиқлиги таъминланаётгани алоҳида эътиборга молик. Парламент сайловининг юқори даражада ташкил этилгани, депутатликка номзодлар ўртасида кечаётган кучли рақобат Олий Мажлиснинг янги таркибига аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ифода этадиган қонун ижодкорлари сайланишига замин яратади.

Ўзбекистонга ҳар гал келганимда улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўламан. Бу мамлакатингизда иқтисодиёт ва бошқа соҳалар жадал ривожланаётганининг ёрқин тасдиғидир.

Қуандик ТУРГАНҚУЛОВ, Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Сайлов кунлари Бухорода бўлиб, сайловолди кампаниясини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлдик. Тайёргарлик жуда юқори даражада ташкил этилган. Бир нечта сайлов участкаларига бориб, парламент сайловини кузатдик. Сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этгани қувонарли. Сайловда кўплаб халқаро кузатувчиларнинг қатнашгани мамлакатингизда демократияни мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

Сайловчилар учун яратилган қулай шарт-шароит, сайлов участкаларидаги тартиб ва хушмуомалалик жуда маъқул бўлди. Барча овоз берувчилар номзодларнинг дастури, сайловга оид бошқа маълумотлардан етарлича хабардорлиги сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилганининг тасдиғидир.

Мамлакатингизда бўлиб ўтган сайловда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон экологик ҳаракати учун 15 депутатлик ўрни ажратилгани экологик муаммоларни бартараф этишда илгари сурилаётган улкан ташаббус деб ўйлайман. Улар келгусида соҳага тегишли ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга, иқтисодий механизмларни ривожлантиришга муносиб улуш кўшади.

Ли Жай ХОВА, Корея Республикаси Миллий сайлов комиссияси департаменти бош директори:

– Самарқанддаги қатор сайлов участкаларида бўлди. Сайловга тайёргарлик ишларини диққат билан кузатиб, бу жараён демократия тамойилларига тўлиқ мос келишига ишонч ҳосил қилдик. Сайловчилар учун барча шарт-шароит яратилди. Улар эрта тонгдан келиб, ўзлари танлаган номзодга овоз беришди.

Сайлов жараёнини кузатиш билан бирга, қадимий ва мафтункор Самарқанднинг дунёга машҳур обидалари ҳамда халқингизнинг маданий бойликлари билан танишиш бахтига мушарраф бўлдим. Маданияти ва тарихини сақлаган халқнинг келажаги порлоқ бўлади.

Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан тараққиётга эришди. Жамиятнинг барча жабҳаларида, хусусан, сайлов тизимида ҳам халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган тамойиллар жорий этилиб, у янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатингизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва ҳамжихатлик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Бу ислохотларнинг самараси 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда яна бир қарра намоён бўлди.

Сайловда кузатувчи сифатидаги иштироким халқингизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти ҳақидаги таассуротларимни янада бойитди. Ўнлаб сайлов участкаларига бориб, амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдим. Юртингизнинг барча ҳудудларида сайловга қизгин ҳозирлик кўрилгани ва тадбир юқори савияда ўтганига гувоҳ бўлдим. Халқингиз кўтаринки кайфиятда, ташаббускорлик руҳида сайловда иштирок этди. Овоз бериш жараёнида тенглик, адолатлилик, ҳаққонийлик принципларига тўла амал қилинди.

Мамлакатингиз парламентида ўтган ушбу сайлов Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг янада кучайишига хизмат қилади. Партияларнинг фаоллиги ва партиялараро рақобат даражаси ошади. Бу Ўзбекистонда демократиянинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тадеуш БОДИО, Варшава университети Сиёсий фанлар институти профессори (Польша):

– Ўзбекистон тарихан қисқа даврда – мустақилликнинг ўтган йигирма уч йилида қўлга киритган улкан ютуқларига ҳавас қилса арзийди. Мамлакатингиз эришаётган муваффақиятлар Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг «ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этишнинг амалдаги натижасидир. Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Сайлов жараёнини Тошкент ва Бухоро шаҳарларида кузатдим. Сайлов участкалари барча зарур моддий-техника ва ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлангани, яширин овоз бериш кабиналари билан жиҳозлангани, сайлов қутилари ўрнатилгани ҳамда участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг тўлиқ рўйхати тузилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон – кўп партияли мамлакат. Сайлов жараёнларида иштирок этган партияларнинг ҳар бири ўзига хос ўринга эга эканига амин бўлдим. Сайлов барча халқаро нормалар – ошкоралик, ҳаққонийлик ва очиқлик каби тамойилларга тўлиқ риоя этилган ҳолда, юксак савияда ўтди. Сайлов байрамона муҳитда ўтгани, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва кўтаринки кайфият менга жуда ёқди. Демократик тараққиёт йўли Ўзбекистонни буюк келажак сари етакламоқда.

Ирнерио СЕМИНАТОРЕ, Европа халқаро муносабатлар институти директори:

– Мен Тошкентдаги бир нечта сайлов участкаларига бордим. Амин бўлдимки, Ўзбекистонда сайловлар барча халқаро қоидаларга мувофиқ, юқори даражада ташкил этилган. Бу йўлда Марказий сайлов комиссияси томонидан катта ташкилий-услубий ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилибди. Алоҳида қайд этиш жоизки, юртингизда сиёсий партиялар янги даражага чиқиб, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ошмоқда. Ўзбекистонга уч кунлик ташрифим давомида Фарғона вилоятини бориб кўрдим. У ердаги сайлов участкалари билан танишдим, вилоят комиссиясида бўлдим. Мамлакатингиз барча йўналишларда барқарор ўсиш суръатларини намоён қиляпти. Демократик давлат куриш йўлидан ишонч билан одимламоқда. Барча янгиланиш ва ислохотлар аҳоли турли қатламлари манфаатларини назарда тутган ҳолда халқ фаровонлигига йўналтирилган. Ўзбекистонликларни улар ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа билан табриклайман.

Борис МАНЕЕВ, «БЛОК» Бутунисроил ҳаракати раиси (Исроил):

– Юртингизда ўтказилган парламент сайловларини кузатар эканман, улар демократия ва транспарентлик тамойилларига мос ўтганига ишонч ҳосил

қилдим. Тошкентдаги қатор (28, 75, 83, 158, 173, 160, 437, 479, 540-) сайлов участкаларига бордим. Ушбу сиёсий воқеага пухта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим. Сиёсий партиялар томонидан сайловчиларга босим ўтказиш ҳолатлари кузатилмади. Республикангизда жаҳон стандартларига муштарак сайловларни муносиб даражада ўтказиш имконини берадиган демократик сайлов тизими тўлиқ шакллантирилган.

Сайлов жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини қайд этмоқчиман. Аниқ мақсадни олдига қўйиб вояга етаётган авлод мамлакат тақдири ва келажагига бефарқ эмас. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари эришаётган натижалардан ҳайратга тушаман. Улар таълим, спорт, фан, иқтисодиёт, санъат ва маданият соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Датук Сери Муҳаммад ХАШИМ, Малайзия сайлов комиссияси раиси ўринбосари:

– Сайлов куни сайлов участкалари сайловчиларни қабул қилишга тўлатўқис тайёр ҳолга келтирилди. Жараёнлар қонунчиликка мувофиқ пухта ташкиллаштирилди. Барча сайлов участкаларида она ва бола ҳамда тиббиёт хоналарининг мавжудлиги, хавфсизлик таъминлангани катта таассурот қолдирди. Бу ҳам одамларга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунасидир. Сайловчиларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча шарт-шароит яратилган. Фуқаролар бундан фаол фойдаландилар.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигини, кўппартиявийлик тизимини чуқур ўргандим. Айтиш жоизки, юртингизда сиёсий кураш маданияти ва соғлом рақобат юқори даражада ривожланмоқда.

Ўзбекистонга нафақат сайловларни кузатиш, балки бу борадаги ижобий тажрибани ўрганиб, уни мамлакатимизда ҳам жорий этиш мақсадида келганмиз. Юртимизда ёшларга катта эътибор қаратилади. Биламизки, Ўзбекистонда ҳам улар сони аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. Сайловга тайёргарлик ишларига ёш авлод вакиллари ҳам жалб қилингани диққатга сазовор. Зеро, ёшлар – ҳар қандай давлатнинг келажагидир.

Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН, Атроф-муҳитни ўрганиш бўйича институт директори, Ромапо коллежи профессори (АҚШ):

– Қайси сайлов участкасига борган бўлсам, ҳаммасида ишлар юқори савияда ташкиллаштирилганини кўрдим. Сайлов комиссиялари аъзоларининг профессионалиги, ҳуқуқий билими юксаклигини алоҳида қайд этиш жоиз. Мен юртингиз сайлов қонунчилигини ўрганиб чиқдим. Назаримда, унда ушбу соҳадаги халқаро стандартлар, сайлов кампаниясининг барча янгиликлари ўз инъикосини топган. Участкаларда сайловчилар кўп келиши кузатилгани баробарида, сайловлар тартибли, дўстона муҳитда ўтди.

Вижай ЖОЛЛИ, «Бхаратия жаната парти» бошқарувдаги партиясининг ташқи алоқалар шуъбаси мувофиқлаштирувчиси (Ҳиндистон):

– Ўзбекистондаги муҳим сиёсий воқеа – парламент сайлови демократик андозаларга мувофиқ ташкил этилди. Сиёсий партиялардан номзодлар халқ манфаатларига хизмат қилувчи аниқ мақсадли дастурларини таклиф этди. Бу эса аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга туртки берди. Маҳаллий ОАВ да сиёсий партиялар томонидан олиб борилган кенг кўламли ташвиқот ишлари кўмагида сайловчилар уларнинг фаолиятдан яхши хабардор бўлдилар. Шу асосда жойларда ташкил қилинган сайлов участкаларида ўз танловларини амалга оширдилар.

Бу галги парламент сайловида сиёсий партиялар ўртасидаги ҳалол курашга гувоҳ бўлдим. Сайловчиларга муқобил номзодни танлаш имконияти берилди. Ҳуқуқшунос сифатида айтишим жоизки, бунда сиёсий партиялар ролини оширишга оид ҳуқуқий асос яратилгани муҳим омил бўлди. Масалан, парламентда энг кўп депутатлик ўрнини олган партия Бош вазир номзодини таклиф этади. Бу демократиянинг ёрқин ифодасидир.

Аккан СУВЕР, «Мармара групп» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар Фонди бош директори (Туркия):

– Сайлов куни Фарғонадаги сайлов участкаларида бўлдик. Фуқаролар сайловда фаол иштирок этишди. Улар орасида участкага фарзандлари билан келган аёллар кўпчилиқни ташкил қилди. Улардан бири ёш гўдагини кўтариб келганини кўрганимда, тўғриси, жуда ҳайратландим. Аслида у ўз фарзанди ва оиласининг келажагини ўйлаб овоз берди. Ўз навбатида, ҳар бир сайлов участкасида она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари ташкил этилгани диққатга сазовордир.

Фадли ЗОН, Индонезия Халқ вакиллари палатаси спикери ўринбосари:

– Сайлов куни Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатдим. Мен кўпгина мамлакатларда бўлганман. Аммо сайловга шу қадар пухта ҳозирлик кўрилгани ҳамда фуқароларнинг юқори даражадаги фаоллигини камдан-кам кузатганман. Сайлов участкаларида халқаро кузатувчилар, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, журналистлар иштирок этгани сайлов жараёнларининг чинакам очиқлигини таъминлади. Ўз миссиямизни бажаришга сайлов комиссиялари яқиндан кўмаклашди. Қонунчиликда парламент қўйи палатасида Экоҳаракат вакиллари учун 15 депутатлик ўрнининг квоталаниши назарда тутилгани эътиборлидир. Бу атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси йўлида кенг жамоатчилиқни бирлаштирган ушбу ташкилотнинг нуфузини, давлат ҳокимияти унинг фикрларини инобатга олишга тайёрлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар озоишта, демократия тамойиллари асосида ўтказилди. Шубҳасиз, бунда сайлов қонунчилигининг шакллантирилгани муҳим омил бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ
АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ:

Фарманов Александр Касимович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси – бош директори

Санакулов Кувандик – «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори

Тян Валерий Николаевич – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори

Салихов Шавкат Исмаилович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Усманов Мираброр Зуфарович – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси

Сафоев Содиқ Солихович – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

Раҳманкулов Мир-Ақбар Ходжи-Ақбарович – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари

Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович – Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси

Артикова Светлана Баймирзаевна – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари

Камилов Халиджан Махамаджанович – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Офтальмология» кафедраси профессори

Зуфаров Махамаджан Заирович – «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси

Аллиярова Айсанем Жолдасбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси

Йўлдошев Ниғматилла Тўлқинович – Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

Раматов Ачилбай Жуманиязович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Алимова Гавхар Зайировна – «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 20 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНING
МУВАҚҚАТ КОТИБИЯТИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун қуйидаги таркибда муваққат котибият тузилсин:

- | | |
|--|---|
| Тўхтабаев Абдурашид
Турсунович | – 17-Қўрғонтепа сайлов округидан сайланган депутат («Миллий тикланиш» ДП)
(котибият раҳбари) |
| Карамова Комила
Зайдуллаевна | – 122-Ғузор сайлов округидан сайланган депутат (ЎзХДП) |
| Исмоилов Сохибжон
Ибрагимович | – 94-Бағдод сайлов округидан сайланган депутат (ЎзЛиДеП) |
| Матқурбанов Рашид
Жолдасбаевич | – 6-Чимбой сайлов округидан сайланган депутат («Адолат» СДП) |
| Куватов Фарходжон
Мурадуллаевич | – Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутат, Навоий вилояти |

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 12 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Қ А Р О Р И**

**ЭЛЕКТРОН ОВОЗ БЕРИШ ТИЗИМИНИНГ ИШИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛУВЧИ МУВАҚҚАТ ГУРУХ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисларида электрон овоз бериш тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳамда унинг иши назорат қилинишини таъминлаш учун қуйидаги таркибда муваққат гуруҳ тузилсин:

Каримов Рахматилла Хамидиллаевич	–	132-Тўқимачи сайлов округидан сайланган депутат (ЎзЛиДеП) (гуруҳ раҳбари)
Рахматов Саттор Неъматович	–	119-Чироқчи сайлов округидан сайланган депутат (ЎзХДП)
Атодждонов Джумонозор Азодович	–	110-Хива сайлов округидан сайланган депутат («Миллий тикланиш» ДП)
Джураев Қодир Асадович	–	21-Бухоро сайлов округидан сайланган депутат («Адолат» СДП)
Абдуғаниев Отабек Абдухамидович	–	Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутат, Сирдарё вилояти

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 12 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИНГ КУН ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи мажлисининг куйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахбороти.
2. Оқсоқоллар кенгашини тузиш тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикерини сайлаш тўғрисида.
4. Сиёсий партиялар фракцияларини ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тўғрисида.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўмиталари рўйхатини тасдиқлаш, кўмиталар раислари лавозимларини сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ўртасида тақсимлаш тўғрисида (яхлит қарор).
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раисларини сайлаш тўғрисида.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 12 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Қ А Р О Р И**

**ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИ ТУЗИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун қуйидаги таркибда Оқсоқоллар кенгаши тузилсин:

Абдусаломов Мирза-Улуғбек Элчиевич	–	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси (Оқсоқоллар кенгашининг раиси)
Турдиев Содиқжон	–	12-Шаҳрихон сайлов округидан сайланган депутат (ЎзЛиДеП)
Шадманов Адхам Хурсанбаевич	–	51-Сўғдиёна сайлов округидан сайланган депутат (ЎзЛиДеП)
Отамуратов Сарвар Садуллаевич	–	108-Ҳазорасп сайлов округидан сайланган депутат («Миллий тикланиш» ДП)
Мухаммадиев Улуғбек Насриддинович	–	121-Яккабоғ сайлов округидан сайланган депутат («Миллий тикланиш» ДП)
Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович	–	11-Бўз сайлов округидан сайланган депутат (ЎзХДП)
Камилов Рустам Туйчиевич	–	128-Саноат сайлов округидан сайланган депутат (ЎзХДП)
Умаров Нариман Маджитович	–	76-Узун сайлов округидан сайланган депутат («Адолат» СДП)
Абдусаттаров Тўлқин Сайфуллаевич	–	32-Ғаллаорол сайлов округидан сайланган депутат («Адолат» СДП)

- Алиханов Борий Батирович** – Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутат, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгашининг ижроия қўмитаси
- Қурбонов Абдурахим Эшонқулович** – Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутат, Сурхондарё вилояти

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 12 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING СПИКЕРИНИ
САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 12 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ
БИРИНЧИ МАЖЛИСИНING МУВАҚҚАТ КОТИБИЯТИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун куйидаги таркибда муваққат котибият тузилсин:

- Бабабеков Абдусаттар Рахманович** – Жиззах вилояти Дўстлик тумани ҳокими
- Бердиева Зайнаб Файзиллаевна** – Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори
- Каратаев Икрам Ташпулатович** – Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги «Қоратой Мирзаев» фермер хўжалиги раҳбари, Сайхунобод туман Фермерлар кенгаши раиси
- Ортиков Бахтияр Бегимкулович** – Сурхондарё вилояти Ангор тумани ҳокими
- Пирматов Рашид Хусанович** – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти муҳандислик маркази раҳбари – бош муҳандис ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 22 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И**

**ЭЛЕКТРОН ОВОЗ БЕРИШ ТИЗИМИНИНГ ИШИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ МУВАҚҚАТ ГУРУҲ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисида электрон овоз бериш тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳамда унинг иши назорат қилинишини таъминлаш учун қуйидаги таркибда муваққат гуруҳ тузилсин:

- | | | |
|--|---|--|
| Кудратов Арипжан
Нормаматович | – | Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиоревматология бўлими мудир |
| Эрманов Фарход
Уразбоевич | – | Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳокими |
| Маткаримов
Пахридин Жураевич | – | Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори |
| Тажиев Баҳадир
Садуллаевич | – | Хоразм вилоят Фермерлар кенгаши раиси |
| Шин Агрепина
Васильевна | – | Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи директори |

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 22 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНING КУН ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биринчи мажлисининг куйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш яқунлари тўғрисидаги ахбороти ҳақида.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раисини сайлаш тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосарларини сайлаш тўғрисида.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталарининг (комиссиясининг) рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталарининг (комиссиясининг) раисларини сайлаш тўғрисида.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталари (комиссияси) раисларининг ўринбосарлари ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 22 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 22 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И**

**С.Б. АРТИКОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ
САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Светлана Баймирзаевна Артикова** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Светлана Баймирзаевна Артикованинг ваколати унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан тугатилган деб ҳисоблансин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 22 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И**

**М.Т. ЕРНИЯЗОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ
ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Муса Тажетдинович Ерниязов** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 22 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11, 26-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар иловага¹ мувофиқ рўйхатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адиллов тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда қонунда белгиланган муддатда эълон қилинишини таъминласин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 ноябрь.*

¹ Илова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайтида жойлаштирилган: www.elections.uz.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ
КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР,
ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ
ТАШВИҚОТИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-27³-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этувчи сиёсий партияларнинг вакиллари, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш, сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолияти дастури билан чиқишлари учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг каналларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакиллари текин асосда эфирда чиқишларининг ҳафталик жадвали 1-иловага мувофиқ;

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида текин асосда босма майдони ажратиш ва депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакиллариининг чиқишларини чоп этиш ҳафталик жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг барча оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари қуйидаги (ўзбек тили бўйича) алифбо тартибида амалга оширилсин:

а) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси;

б) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси;

в) Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси;

г) Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини ҳудудий оммавий ахборот воситаларида ўтказиш учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш округ сайлов комиссиялари зиммасига юклатилади.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталари таҳририятлари, шунингдек ҳудудий оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти доирасида чиқишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминласин.

5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27²-моддасига мувофиқ давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга қонун ҳужжатларига биноан ҳақ тўлаш асосида эфир вақти ёки босма майдони ажратилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, сиёсий партияга ёки депутатликка номзодга ҳақ тўлаш асосида эфир вақти ёки босма майдони берилган тақдирда оммавий ахборот воситалари (партия босма нашрлари бундан мустасно) бу ҳақда бошқа сиёсий партиялар ва тегишли сайлов округидан кўрсатилган депутатликка номзодларни тенг ва бир хил шартларда эфир вақти ёки босма майдони ажратишга тайёрлигини ифода этган ҳолда хабардор қилишга мажбурдирлар.

6. Оммавий ахборот воситалари:

барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун эфир вақти, босма майдони учун ҳақ тўлашнинг тенг ва бир хил шартларини ва бошқа талабларини таъминласин;

янгиликлар дастурларида, бошқа ахборот материалларида сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди тадбирларини, шу жумладан ёритиш давомийлиги ва ҳажми бўйича тенг ва бир хил шароитларни таъминлаган ҳолда ёритсин, кўпроқ бир ахборот блоки материалларидан эфирга уза-тиш ва эълон қилишда фойдалансин;

сайловолди ташвиқоти боришини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги 618-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги Низомга амал қилсин.

7. Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги:

сайловолди ташвиқоти мобайнида умумий фойдаланадиган телекоммуникация тармоқларида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан веб-сайтлар томонидан қонунчилик ва мазкур қарор талабларига риоя қилишнинг узлуксиз мониторинги ўтказилишини таъминласин;

оммавий ахборот воситаларининг сайловолди ташвиқоти мобайнидаги фаолияти мониторинги натижаларини ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

сиёсий партияларга туман ва шаҳарлардаги ташқи реклама воситаларига (махсус конструкциялар, шитлар, йўл бўйидаги экранлар ва ҳ.к.да) сайловолди ташвиқоти материаллари жойлаштириш учун тенг шарт-шароитлар яратилишини;

ташқи реклама воситаларига илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида олиб қўйилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида сайловолди ташвиқоти шартлари ва тартибини бузиш, номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотлар тарқатиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида ахборот, ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш учун тегишли жавобгарлик чоралари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тегишли округ ҳудудида сайловолди ташвиқоти мобайнида сайлов тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан самарали назоратни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги 618-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандидаги «40 дақиқани» деган сўзлар «камида 40 дақиқани» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Артикова зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 ноябрь.*

1-илова

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг каналларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайловодди ташвиқоти даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакиллари чиқишларининг эфирга узатиш

Х А Ф Т А Л И К Ж А Д В А Л И

Т/р	Хафта кунлари	Сиёсий партиялар	Эфирга чиқиш вақти			
			Телеканаллар		Радиоканаллар	
			«Ўзбекистон»	«Ёшлар»	«Ўзбекистон»	«Ёшлар»
1.	Сешанба Чоршанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№1)	Сешанба 20.05–20.10	Сешанба 20.45–20.50	Сешанба 20.05–20.10	Сешанба 20.45–20.50
			Сешанба 21.35–21.50	Сешанба 22.35–22.50	Сешанба 21.35–21.50	Сешанба 22.35–22.50
			Чоршанба 07.05–07.20	Чоршанба 07.40–07.55	Чоршанба 07.05–07.20	Чоршанба 07.40–07.55
2.	Чоршанба Пайшанба	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№2)	Чоршанба 20.05–20.10	Чоршанба 20.45–20.50	Чоршанба 20.05–20.10	Чоршанба 20.45–20.50
			Чоршанба 21.35–21.50	Чоршанба 22.35–22.50	Чоршанба 21.35–21.50	Чоршанба 22.35–22.50
			Пайшанба 07.05–07.20	Пайшанба 07.40–07.55	Пайшанба 07.05–07.20	Пайшанба 07.40–07.55
3.	Пайшанба Жума	Ўзбекистон «Миллий тикла-ниш» демократик партияси (№3)	Пайшанба 20.05–20.10	Пайшанба 20.45–20.50	Пайшанба 20.05–20.10	Пайшанба 20.45–20.50
			Пайшанба 21.35–21.50	Пайшанба 22.35–22.50	Пайшанба 21.35–21.50	Пайшанба 22.35–22.50
			Жума 07.05–07.20	Жума 07.40–07.55	Жума 07.05–07.20	Жума 07.40–07.55
4.	Жума Шанба	Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4)	Жума 20.05–20.10	Жума 20.45–20.50	Жума 20.05–20.10	Жума 20.45–20.50
			Жума 21.35–21.50	Жума 22.35–22.50	Жума 21.35–21.50	Жума 22.35–22.50
			Шанба 07.05–07.20	Шанба 07.40–07.55	Шанба 07.05–07.20	Шанба 07.40–07.55

Изоҳ: Ҳар бир сиёсий партияга бир хил эфир вақти, яъни ҳафтасига теле- ва радиозэфирда 238 дақиқадан, шу жумладан, 2 марта 15 дақиқадан теле- ва радиодастурга, 5 дақиқа сиёсий партиялар етакчиларига ажратилади.

Барча сиёсий партияларнинг теле- ва радиороликлари эфирга ягона 5 дақиқали блолда (ҳар бир партия учун 75 сониядан) ва 2 дақиқали блолда (ҳар бир партия учун 30 сониядан) узатилади. Партия роликлари теле- ва радиозэфирга ягона ахборот блокида ҳар кун ҳар бири кунга 2 мартаба узатилади.

Сайловодди ташвиқотининг сўнги ҳафтасида (15–19 декабрь кунлари) эфирга узатиш вақти сайлов кун ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин сайловодди ташвиқотига йўл қўйилмаслигини ва барча сиёсий партияларга тенг шарт-шароитлар яратиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ўзгарари.

Теле- ёки радиоканалларнинг дастурида ўзгартирилган бўлган тақдирда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сиёсий партиялар учун тенг шароитлар сақлаган ҳолда сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодларнинг чиқишларини эфирга узатиш вақтини бошқа вақтга (кунга) ўтказиши мумкин.

«Халқ сўзи» газетасида босма майдони ажратиш ва депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг чиқишларини чоп этиш

Ҳ А Ф Т А Л И К Ж А Д В А Л И

Т/р	Ҳафта кунлари	Сиёсий партиялар	Биринчи саҳифа	Иккинчи саҳифа
			Анонс учун	Материал учун
1.	Сешанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№1) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№2)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
2.	Чоршанба	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (№3) Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
3.	Пайшанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№1) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№2)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
4.	Жума	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (№3) Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан

Изоҳ: Газетанинг ҳар бир сонида сайловолди ташивиқоти материалларини чоп этиши учун газетанинг иккинчи саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс ҳам бериб турилади. Агар сешанба ва чоршанба кунлари расмий хабарлар кўпайса, сайловолди ташивиқоти материаллари чоп этилишининг жадвалда белгиланган муддати кейинги кунга кўчирилиши мумкин.

**«Народное слово» газетасида босма майдони ажратиш ва депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг чиқишларини чоп этиш
ҲАФТАЛИК ЖАДВАЛИ**

Т/р	Ҳафта кунлари	Сиёсий партиялар	Биринчи саҳифа	Иккинчи саҳифа
			Анонс учун	Материал учун
1.	Сешанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№1) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№2)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
2.	Чоршанба	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (№3) Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
3.	Пайшанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№1) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№2)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
4.	Жума	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (№3) Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан

Изоҳ: Газетанинг ҳар бир сонида сайловолди ташивиқоти материалларини чоп этиш учун газетанинг иккинчи саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс ҳам бериб турилади. Агар сешанба ва чоршанба кунлари расмий хабарлар кўпайса, сайловолди ташивиқоти материаллари чоп этилишининг жадвалда белгиланган муддати кейинги кунга кўчирилиши мумкин.

**«Правда Востока» газетасида босма майдони ажратиш ва депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг чиқишларини чоп этиш
ХАФТАЛИК ЖАДВАЛИ**

Т/р	Хафта кунлари	Сиёсий партиялар	Биринчи саҳифа	Иккинчи саҳифа
			Анонс учун	Материал учун
1.	Сешанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№1) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№2)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
2.	Чоршанба	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (№3) Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
3.	Пайшанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№1) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№2)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан
4.	Жума	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (№3) Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4)	Юқори қисми ўнг томонида	Ёнма-ён ҳар бирига ½ саҳифадан

Изоҳ: Газетанинг ҳар бир сониди сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун газетанинг иккинчи саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс ҳам бериб турилади. Агар сешанба ва чоршанба кунлари расмий хабарлар кўпайса, сайловолди ташвиқоти материаллари чоп этилишининг жадвалда белгиланган муддати кейинги кунга кўчирилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР ПЛАКАТЛАРНИНГ
НАМУНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови тўғрисида сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига доир плакатлар белгиланган намуна асосида – А1, А2 ва А3 форматларида тасдиқлансин.

2. Плакатлар иловада¹ кўрсатилган миқдорда чоп этилиши таъминлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сайлов куни санаси, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ҳақидаги ахборот материаллари тегишли ҳудудлар жойлашган реклама (шу жумладан, электрон) шитларида бепул жойлаштирилишини таъминласин. Бунда сиёсий партияларга реклама майдонини тенг ажратиш тамойилига қатъий риоя қилинсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси котиби К.Адилов зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 ноябрь.*

¹ Илова чоп этилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ
ҲОЛИ АКС ЭТГАН ПЛАКАТЛАР НАМУНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга тенг имкониятлар яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 27-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган плакатлар намуналари А3 форматда тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган плакатлар ҳар бир рўйхатдан ўтган номзодга 1000 нусхада чоп этилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган плакатлар қоида тариқасида сайлов округлари ва участкаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар биноларида ва бошқа аҳоли гавжум тўпланадиган жамоат жойларида алифбо тартибида жойлаштирилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида ташқи сиёсий реклама воситалари (билборд, баннер, электрон мониторинг ва ҳ.к.)дан фойдаланиши учун тенг шарт-шароитлар яратсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адилов зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 ноябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ВА САЙЛОВ ВАРАҚАСИ НАМУНАЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11-моддаси 10-банди, 35, 36, 41-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси қалинлиги 70 гр/м², сув белгили, оппоқлиги камида 85 фоиз бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент қоғоз фабрикаси томонидан тайёрланган матбаа офсет қоғозидан босилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг ўлчами А4 (297×210 мм) дан иборат бўлиши лозим;

в) сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг матни сайлов бюллетени ҳамда сайлов варақасининг фақат бир томонига бир хил (қора) рангда жойлаштирилади, бунда қуйидагилар тўқ қора ҳарфларда ажратиб кўрсатилади:

- сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг номланиши;
- сайлов округининг номи;
- сайлов ўтказиш санаси;
- депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партиянинг номи;
- сайлов бюллетени, сайлов варақасининг пастки қисмида катта ҳарфлар билан жойлаштирилган уларни тўлдириш тартиби бўйича тушунтириш;

г) ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чизик билан ажратилган бўлиши керак;

д) сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари фақат округ сайлов комиссияларининг қарори бўйича ҳамда кузатуви остида сайлов ҳужжатларини тайёрлаш учун техник жиҳатдан жиҳозланган матбаа ташкилотларида тайёрланади;

е) матбаа ташкилоти сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг яроқли ёки яроқсизлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини олиш ваколатига эга бўлган, уларни тайёрлаш учун буюртма берган округ сайлов комиссияси аъзоларига далолатнома асосида топширади, далолатномада унинг тузилган санаси ва вақти, шунингдек топширилаётган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларининг сони кўрсатилади. Буюртмага мувофиқ миқдордаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари яроқсиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларини дарҳол йўқ қиладилар ва бу ҳақда далолатнома тузадилар, далолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

3. Таъкидлансинки, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ:

– участка сайлов комиссияси сайлов варақаларини сайлов ўтказилишидан ўн беш кун олдин, сайлов бюллетенларини сайловга камида уч кун қолганида округ сайлов комиссиясидан оладилар;

– участка сайлов комиссияси оладиган сайлов варақаларининг сони ва сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

– сайлов варақаси ва сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

– сайлов бюллетенида ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонига бўш катакчалар жойлаштирилади;

– овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади;

– овоз бериш тугагач фойдаланилмаган барча сайлов варақалари, сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2014 йилнинг 16 ноябридан кечиктирмасдан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни рўйхатга олиш бўйича қарорига биноан Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг матнларини тасдиқласинлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг чоп этилиши лозим бўлган миқдорини белгиласинлар.

5. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайло-

вига доир сайлов варақалари билан 2014 йилнинг 6 декабрига қадар, сайлов бюллетенлари билан 2014 йилнинг 18 декабрига қадар таъминлашни ташкил этсинлар.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адиллов зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 ноябрь.*

1-илова
Намуна

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутаты сайловига доир
САЙЛОВ БЮЛЕТЕНИ



(ИМЗО)

(ИМЗО)

125-Дархон сайлов округи

2014 йил 21 декабрь

№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи	Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасидаги бўш квадратга белги-крестик (+) қўйинг
1.	ДАДАДЖАНОВ Юсуф Атабекович , 1963 йилда туғилган «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Telekom Invest» филиали директори Ўзбекистон Халқ демократик партияси	<input type="checkbox"/>
2.	ДАДАШЕВА Акида Абдужаббаровна , 1976 йилда туғилган Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультети доценти Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>
3.	МУХИТДИНОВ Зикрулла Шукуруллаевич , 1977 йилда туғилган «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳар филиали бошқарувчиси Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	<input type="checkbox"/>
4.	УМАРОВ Закир Сабирджанович , 1980 йилда туғилган Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (+) қўйинг. Овоз бериш вақтида биттадан ортик бўш квадратга белги-крестик (+) қўйилган ёки битта хам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.

2-илова
Намуна

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутаты сайловига доир
САЙЛОВ ВАРАҚАСИ

Участка
сайлов
комиссияси-
нинг
муҳри

(ИМЗО)

(ИМЗО)

125-Дархон сайлов округи

2014 йил 21 декабрь

№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи	Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасидаги бўш квадратга белги-крестик (+) қўйинг
---	---	---

1.	ДАДАДЖАНОВ Юсуф Атабекович, 1963 йилда туғилган «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Telekom Invest» филиали директори Ўзбекистон Халқ демократик партияси	<input type="checkbox"/>
----	--	--------------------------

2.	ДАДАШЕВА Асида Абдужаббаровна, 1976 йилда туғилган Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети кафедраси доценти Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>
----	---	--------------------------

3.	МУХИТДИНОВ Зикрулла Шукуруллаевич, 1977 йилда туғилган «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳар филиали бошқарувчиси Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	<input type="checkbox"/>
----	---	--------------------------

4.	УМАРОВ Закир Сабирджанович, 1980 йилда туғилган Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>
----	--	--------------------------

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (+) қўйинг. Овоз бериш вақтида биттадан ортик бўш квадратга белги-крестик (+) қўйилган ёки битта хам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов varaқаси хақиқий эмас деб топилади.

Тўлдирилган сайлов varaқаси ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдирилади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ САЙЛОВИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО
ТАШКИЛОТЛАРДАН ИШТИРОК ЭТУВЧИ КУЗАТУВЧИЛАРНИ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан иштирок этадиган кузатувчилар иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.

2. Марказий сайлов комиссияси Котибияти (К. Адилов) рўйхатга олинган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларга белгиланган намунадаги мандатлар тайёрлаш ҳамда топширишни ташкил этсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Артикова зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 2 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси сайловида хорижий давлатлар ва халқаро
ташкilotлардан иштирок этувчи кузатувчиларнинг
Р Ў Й Х А Т И**

Т/р	Халқаро кузатувчиларнинг Ф.И.Ш.	Лавозими
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси		
1.	Лебедев Сергей Николаевич	Миссия раҳбари
2.	Гаркун Владимир Гилярович	Миссия раҳбари ўринбосари
3.	Бурутин Сергей Германович	Миссия аъзоси
4.	Каменецкий Сергей Владимирович	Миссия аъзоси
5.	Киларь Ефим Ефимович	Миссия аъзоси
6.	Лизуро Анатолий Валентинович	Миссия аъзоси
7.	Третьяков Алексей Семенович	Миссия аъзоси
8.	Шевченко Александр Владимирович	Миссия аъзоси
9.	Мирзатуллаева Марина Валерьевна	Миссия аъзоси
10.	Астрейко Василий Викторович	Миссия аъзоси
11.	Слобода Евгений Александрович	Миссия аъзоси
12.	Юшкевич Лариса Анатолевна	Миссия аъзоси
13.	Янкович Евгений Леонидович	Миссия аъзоси
14.	Филипович Владимир Петрович	Миссия аъзоси
15.	Росляков Станислав Викторович	Миссия аъзоси
16.	Белогуров Анатолий Иванович	Миссия аъзоси
17.	Афони́на Марина Владимировна	Миссия аъзоси

18.	Козьяк Евгений Винцентьевич	Миссия аъзоси
19.	Римашевский Николай Антонович	Миссия аъзоси
20.	Евстратовская Людмила Васильевна	Миссия аъзоси
Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси		
21.	Даан Уильям Эвертс (Нидерландия)	Миссия раҳбари
22.	Ярослав Марчин Домански (Польша)	Миссия раҳбари ўринбосари
23.	Вадим Жданович (Россия)	аналитик
24.	Мария Бабич (Сербия)	аналитик
25.	Энира Броницкая (Беларусь)	аналитик
26.	Эльма Сехалик (Германия)	аналитик
27.	Карло Паппалардо Фишер (Италия)	аналитик
28.	Александр Шлык (Беларусь)	аналитик
29.	Дамир Малбашич (Босния ва Герцеговина)	аналитик
30.	Томаш Давид Янши (Польша)	аналитик
31.	Валерий Мия (Молдова)	аналитик
32.	Пшемслав Петр Лсковски (Польша)	аналитик
33.	Роман Масарик (Чехия)	узоқ муддатли кузатувчи
34.	Хане Банг (Дания)	узоқ муддатли кузатувчи
35.	Марьям Гауме (Франция)	узоқ муддатли кузатувчи
36.	Натали Кригер (Германия)	узоқ муддатли кузатувчи
37.	Эльдрид Ройне (Норвегия)	узоқ муддатли кузатувчи
38.	Ларс Торе Эльверт Толлемарк (Швеция)	узоқ муддатли кузатувчи

39.	Мария Кристелле Милли (Швейцария)	узоқ муддатли кузатувчи
40.	Эндрю Мак Энти (Буюк Британия)	узоқ муддатли кузатувчи
Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти кузатувчилари миссияси		
41.	Ҳақдолов Махмадшариф Махмудович	Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби ўринбосари, Миссия раҳбари
42.	Асейинов Медер Мукунович	Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти сиёсий бўлимлар котибияти катта эксперти
43.	Абдуллаев Улугбек Адхамович	ШХТ котибиятининг Иқтисод ва гуманитар бўлими референти
44.	Мамбетов Канат Рабатович	Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Бош эксперти
45.	Телмухамедова Назия Мархабаевна	Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Бош эксперти
46.	Алиева Кунсулу Бекболатовна	Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси эксперти
47.	Балтабек Алия Балтабеккызы	Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси эксперти
48.	Бейбит Куралая	Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг МДХ департаменти атташеси
49.	Фэн Лянхао	ХХР Ташқи ишлар вазирлиги Европа ва Марказий Осиё департаментининг ШХТ бўлими учинчи котиби
50.	Тюльпанов Вадим Альбертович	Россия Федерацияси Федерация Кенгаши Регламент ва парламент фаолиятини ташкил этиш қўмитаси раиси
51.	Пичугов Виктор Александрович	Россия Федерацияси Федерация Кенгаши Регламент ва парламент фаолиятини ташкил этиш қўмитаси аъзоси
52.	Одинаев Баходур Одинаевич	Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси иккинчи котиби
53.	Роднина Ирина Константиновна	Россия Федерацияси Давлат Думаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ишлари бўйича қўмитаси аъзоси
54.	Демьянченко Людмила Федоровна	Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аппарати раҳбари ўринбосари
Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти кузатувчилари миссияси		
55.	Али Аболхассани	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти сиёсий департаменти бошлиғи, Миссия раҳбари
56.	Шакер Махмуд Банदार аль-Машхадани	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котибиятининг сиёсий масалалар бўйича департаменти ишчи ходими
57.	Хасан Басри Арслан	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби маҳкамаси вакили
58.	Гуламхоссейн Дарзи	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котибиятининг Иқтисодий масалалар бўйича департаменти директори

59.	Сиддиг Ибрахим Адам	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котибиятининг сиёсий масалалар бўйича департаменти вакили
60.	Абдулла Кебе	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котибияти вакили
61.	Осман Садд аль-Амри	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари ёрдамчиси
62.	Адель Хамдан Салама	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Фаластин ва аль-Қудс (Шарқий Иерусалим) масалалари бўйича департаменти вакили
63.	Али Карагул	Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Федерал бошқаруви молиявий ишлар бўйича департаменти бошлиғи ўринбосари
Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссияси		
64.	Бай Бюнг Ик	Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси Котибияти раҳбари, Миссия раҳбари
65.	Джанг Джунг-Ай	Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси тизимли бошқарувчиси
МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИ		
Озарбайжон Республикаси		
66.	Аббасов Айдин Аббас оглы	Миллий Мажлис депутати
67.	Ибрагимов Эльдар Рза оглы	Миллий Мажлис депутати
68.	Гусейнов Этибар Али оглы	Миллий Мажлис депутати
69.	Нуралиев Рамин Адил оглы	Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг халқаро алоқалар бўлими мудир
70.	Алиева Сона Мамед кызы	Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг халқаро алоқалар бўлими катта маслаҳатчиси
71.	Салимова Фарид Рагим кызы	Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг халқаро алоқалар бўлими бош маслаҳатчиси
Арманистон		
72.	Георгий Мартиросян	Марказий сайлов комиссияси аъзоси
73.	Нуне Карапетян	Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар бўлими мудир
Беларусь Республикаси		
74.	Ипатов Вадим Дмитриевич	Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари, Беларусь Республикаси Қонунчилик ва ҳуқуқий ишлар Миллий маркази бошлиғи
75.	Бущик Василий Васильевич	Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Белоруссия Давлат педагогика университетининг илмий ишлар бўйича проректори
Қозғистон Республикаси		
76.	Турганкулов Куандык Турганкулович	Марказий сайлов комиссияси раиси

77.	Исенбаев Ануар Серикович	Марказий сайлов комиссияси раиси ёрдамчиси
78.	Охлопкова Татьяна Витальевна	Марказий сайлов комиссияси аъзоси
79.	Тулешов Валихан Утебалыулы	Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳридаги Давлат ва жамият, халқаро сиёсий академия бизнес мактаби директори
80.	Нурмухамедов Бурихан	Миллий тадқиқотлар институти директори
81.	Жумабаева Гульнар Еркеневна	Марказий сайлов комиссияси девони бош эксперти
82.	Абдрахова Айсулу Хамитовна	Марказий сайлов комиссияси девони ташкилий-таҳлилий бўлими бош эксперти
83.	Дуанбаева Асия Махмуткызы	Костанай вилояти маслаҳат Кенгаши ишлар девони раҳбари
84.	Абенов Арман Таргынулы	Костанай вилояти Акими девони раҳбари
85.	Малашко Александр Юрьевич	Костанай вилояти Акими девонининг ташкилий-назорат бўлими бош назоратчиси
86.	Божаков Азамат Абдибекович	«Костаной вилояти Акими маҳкамаси» давлат бошқармасининг вилоят акимлиги ташкилий-назорат бўлимининг бош назоратчиси
Қирғизистон Республикаси		
87.	Абдраимов Туйгунаалы Дуйшеналиевич	Сайлов ва референдумлар ўтказиш бўйича Марказий комиссия раиси
88.	Шекеков Эмиль Кемелбекович	Марказий комиссиянинг Иссиқ-Ата тумани бўйича махсус вакили
Россия Федерацияси		
89.	Чуров Владимир Евгеньевич	Марказий сайлов комиссияси раиси
90.	Миронов Сергей Викторович	Марказий сайлов комиссияси раиси ёрдамчиси
91.	Акулов Тимур Юрьевич	«Единая Россия» фракцияси ва Давлат Думасининг Мудофаа қўмитаси аъзоси
92.	Васильев Александр Николаевич	«Единая Россия» фракцияси ва Давлат Думасининг транспорт қўмитаси аъзоси
93.	Куранов Григорий Владимирович	«Единая Россия» фракцияси ва Давлат Думасининг оила, аёллар ва болалар масалалари бўйича қўмитаси аъзоси
94.	Звягельская Ирина Доновна	Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти қошидаги Халқаро ва стратегик тадқиқотлар Маркази раҳбарининг ўринбосари
95.	Гузенкова Тамара Семеновна	Россия стратегик тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари, Яқин Шарқ мамлакатлари муаммоларини тадқиқ этиш маркази раҳбари

96.	Хриенко Андрей Павлович	«Вектор» стратегик тадқиқотлар халқаро институти бош директори
97.	Хриенко Александр Павлович	«Вектор» стратегик тадқиқотлар халқаро институтининг стратегик ривожланиш бўйича директори
98.	Александров Дмитрий Александрович	Россия стратегик тадқиқотлар институти МДХ бўлими етакчи эксперти
99.	Махмутова Евгения	Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги Молия университетининг «Амалий сиёсатшунослик» кафедраси доценти
100.	Чупров Владимир Ильич	Россия Фанлар академияси Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти профессори
101.	Зубок Юлия Альбертовна	Россия Фанлар академияси Социология институти бўлим бошлиғи
102.	Петров Георгий Георгиевич	Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси вице-президенти
103.	Дзюбенко Николай Иванович	Вавилов номидаги Россия ўсимликшунослик институти бош директори
104.	Фаткулин Масут Махмудович	Рассомлар уюшмаси Халқаро конфедерацияси Жамоат бирлашмалар ассоциацияси Ижроия кўмитаси раиси
105.	Мкртычев Тигран Константинович	Давлат Шарқ музейи бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари
106.	Синицына Татьяна	«ИнфоШОС» ахборот-аналитик портали бош муҳаррири
107.	Васильев Николай	«Трибуна» газетаси бош директори
108.	Князев Андрей	«Мир Новостей» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари
109.	Умаханов Ильяс Магомед-Саламович	Федерация Кенгаши раиси ўринбосари
110.	Дидигов Мухарбек Ильясович	Федерация Кенгашининг Мудофаа ва хавфсизлик кўмитаси раиси ўринбосари
111.	Тихомиров Сергей Владимирович	«Сибир битими» минтақалараро ассоциацияси раиси ўринбосари
112.	Жукова Наталья Юрьевна	Новосибирск области губернатор маъмурияти Халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи
113.	Антонов Александр Рудольфович	Россия табиий фанлар академияси академиги, Европа табиий билимлар бўйича академиясининг ҳақиқий аъзоси, ЮНЕСКО профессори
114.	Сверчков Сергей Робертович	Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси филиали, Сибирь бошқарув институти директори
115.	Сердюков Кирилл Геннадьевич	Марказий сайлов комиссияси аъзоси
116.	Губайдуллин Эжам Саматович	Татаристон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

117.	Накушнов Геннадий Константинович	Хабаровск ўлкаси сайлов комиссияси раиси
118.	Слепцов Николай Степанович	Федерация Кенгаши раиси ўринбосарининг маслаҳатчиси
119.	Некрасов Вячеслав Михайлович	Федерация Кенгашининг Афғонистон миллий ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорлик гуруҳи масъул котиби
Тожикистон Республикаси		
120.	Ашуров Мирзо Ашурович	Сайлов ва референдумлар ўтказиш бўйича Марказий комиссиянинг бош мутахассиси
121.	Шодмонбеков Юсуфбек Рустамбекович	Сайлов ва референдумлар ўтказиш бўйича Марказий комиссиянинг аъзоси
Туркменистон		
122.	Гандымов Амангелды	Сайлов ва референдумлар ўтказиш бўйича Марказий комиссиянинг котиби
123.	Гельдыев Максатмурад	Сайлов ва референдумлар ўтказиш бўйича Марказий комиссия девони бош мутахассиси
Украина		
124.	Толстов Сергей Валерьянович	Халқаро ва сиёсий тадқиқотлар институти директори
ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ		
Австрия Республикаси		
125.	Хелмут Коварик	«Pharmaton» австрия фирмаси директори, «Notapharm GmbH» компаниясининг минтақалараро директори
126.	Йоханн Херцог	Вена шаҳри парламенти вице-президенти
127.	Хельмут Крюнес	«Ўзбек–Австрия» институти аъзоси, «Wienaberger» ва «Axis engineering» қурилиш компаниялари бошқаруви аъзоси
128.	Герберт Люгбауэр	«ASKIN and Co» компаниясининг бош директори
Бельгия Қироллиги		
129.	Доминик Тилманс	Бельгия парламентининг фахрий сенатори
130.	Ирнерио Семинаторе	Европа халқаро муносабатлар институтининг президенти
131.	Хосе Пауло Мартинис Касака	Жанубий Осиё бўйича Демократик форумнинг ижрочи директори
132.	Пьер-Эммануэль Томанн	Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори
133.	Марат Тертеров	Кент университетининг Бельгия бўлими профессори, Халқаро энергетика клуби раиси, Европа Геосиёсий форуми директори
Венгрия		
134.	Бенедек Пери	Этвос Лоран номидаги Будапешт университети туркий таълимотлар департаменти профессори

135.	Миклош Яцкович	Венгрия Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё ва Тинч океани департаменти бўлими бошлиғи, Фавкулудда ва мухтор элчи
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги		
136.	Хартли Бут Обе	Ўзбек – Британия жамияти раиси
137.	Сиддхарт Саксена	Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси
138.	Ширин Акинер	Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми катта илмий ходими
139.	Кэт Риз	«The Haven Wolverhampton» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори
140.	Майкл Томас	«Pathfinder Trade and Invest» компанияси ижрочи директори
141.	Бернадет Милл	Лондоннинг Уолтхэм-Форест худуди муниципалитети депутати
142.	Весна Петкович	Британиянинг «Про-Арт» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори
143.	Эльвира Вилсон	«The Haven Wolverhampton» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лойиҳаси менежери
Германия Федератив Республикаси		
144.	Дитер Бранденбургер	«Ўзбекистон Республикаси–ГФР» жамияти вице-президенти
145.	Эдгар Клозе	Бранденбург Технология ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институтининг бошқаруви раиси
146.	Вернер Фурман	«Европа–Берлин» дўстлик жамияти раиси
147.	Нобуко (Такахаша) Фурман	«Европа-Берлин» дўстлик жамияти аъзоси
148.	Гётц-Себастиан Хёк	«Dr. Hök-Stieglmeier & Kollegen Rechtsanwalt» адвокатлик идораси раҳбари
149.	Жаклин Штигльмайер	«Dr. Hök-Stieglmeier & Kollegen Rechtsanwalt» адвокатлик идораси эгаси
150.	Петер Франке	«Wostok» журнали бош муҳаррири
151.	Фолькер Нееф	«Berliner Blatt» электрон нашри бош муҳаррири
152.	Геральд Уйбершер	«Reise Travel» электрон нашри бош муҳаррири
153.	Герхард Биркл	«Silk Road Company» маданий-ижтимоий компанияси директори
154.	Экхард Приллер	Германия фуқаролари фаоллиги Федерал тармоғининг ишчи гуруҳи раҳбари
155.	Андреас Ян	Германия Бундестагида ХДИ/ХИИ бошқарувчи фракцияси референти
Греция Республикаси		
156.	Апостолидис Лукас	«Loukas Apostolidis and Partners» адвокатлик идораси эгаси

157.	Петрос Касиматис	Парламентнинг матбуот бўлими бошлиғи
158.	Фотиос Фитсилис	Парламентнинг фан бўйича департаменти бошлиғи
159.	Андреас Андреаноулос	Греция Дипломатия ва халқаро муносабатлар институти директори
Испания Қироллиги		
160.	Хесус Хил Фуенсента	Комплетунс университети профессори, Осиё бўйича тадқиқотлар Маркази аъзоси
161.	Хорхе Местре-Хорда	Европа Кенгаши Парламенти Ассамблеясида Европа халқ партияси депутатлар гуруҳи раҳбарининг сиёсий маслаҳатчиси
162.	Хуан Гутierrez Алонсо	Гранада университети маъмурий ҳуқуқ профессори
163.	Антонио Альонсо Маркос	Сан Пабло университети қошидаги гуманитар тадқиқотлар институти профессори
164.	Педро Аграмунт	Бошқарувдаги «Халқ партияси»дан сенатор, Европа Кенгаши аъзоси
165.	Аркадио Диас Техера	«Испания ишчилар социалистик партияси»дан сенатор, Европа Кенгаши аъзоси
166.	Жорди Шукла ва Коста	«Каталония халқ партияси»дан парламент депутати
Италия Республикаси		
167.	Магда Педаче	Сапиенза университети қошидаги барқарор ривожланиш университетлараро илмий маркази илмий ходими
168.	Рокко Абрам	Триеста университети иқтисодиёт профессори
169.	Сальваторе Каччола	«AQInternational» экологик экспертиза компанияси бош директори
170.	Леонардо Комуччи	«Il Santuccio» Ассоциацияси президенти – Флоренция (Италия) провинцияси жамоатчилик асосида Кенгашининг аъзоси
171.	Витторио Жоржи	Хусусий адвокат, Казерт шаҳридаги Ўзбекистон Республикасининг фахрий консули
172.	Мария Людовика Ботарелли Транкуили-Леали	«Европа аёллари лобби» ташкилоти Италия бўлими бош котиби
173.	Дарио Читати	Олий геосиёсий тадқиқотлар ва турдош фанлар институти «Евросиё» дастури раҳбари
Латвия Республикаси		
174.	Оярс Спаритис	Латвия Фанлар академияси президенти
175.	Александрс Саковскис	Латвия Сейми депутати
176.	Иванс Клементьевс	Латвия Сейми депутати
177.	Илута Лаце	«МАРТА» аёллар учун захиралар маркази раҳбари

178.	Карлис Камрадзис	Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари
179.	Арвидс Дравниекс	Оммавий ҳуқуқ институти директори
180.	Инна Стеценко	Балтика халқаро академияси проректори
Литва Республикаси		
181.	Валериус Симулик	Литва Сейми депутати
182.	Кястутис Масюлис	Литва Сейми депутати
183.	Зенонас Вайгаускас	Марказий сайлов комиссияси раиси
184.	Реда Ванишкявичюте	Марказий сайлов комиссияси сайловларни ташкиллаштириш бўлими мудири
Нидерландия		
185.	Корнелиус Ладаж	«Intertwine Consultancy» ноҳукумат ташкилоти президенти
186.	Джон Джонг	«Mantel Holland BV» компанияси бош директори
187.	Жерардус Лангедижк	Нидерландия «Mantel Holland BV» компаниясининг ландшафт дизайни бўйича департаменти бошлиғи
188.	Гразина Малгорзата	«Mantel Holland BV» компаниясининг Шарқий Европа мамлакатлари билан алоқалар ва савдо департаменти бошлиғи
Португалия		
189.	Тиаго Патрисио	«Monte SGPS, SA» компанияси бош ижрочи директори
Польша Республикаси		
190.	Станислав Суловский	Варшава университети сиёсий фанлар институти директори
191.	Тадеуш Бодио	Варшава университетининг сиёсий фанлар институти Шарқ тадқиқотлари факультети раҳбари
192.	Адам Маршалек	«Маршалек холдинг» нашриёт уйи президенти
Туркия Республикаси		
193.	Мехмет Сейфеттин Эрол	Халқаро хавфсизлик бўйича стратегик тадқиқотлар Маркази раҳбари, Гази университетининг Халқаро муносабатлар кафедраси доценти
194.	Халдун Яваш	Каспий стратегик тадқиқотлар институти бош котиби
195.	Аккан Сувер	«Мармара Групп» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар Фонди бош директори
196.	Шамиль Айрым	«Мармара Групп» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар Фонди бош директорининг ўринбосари
Словакия		
197.	Владимир Бачишин	Паневропа университети профессори
198.	Людovit Чернак	«Sitno Holding» компанияси президенти, Словакиянинг Ўзбекистондаги фахрий консули
199.	Томаш Магярич	«Sitno Holding» компанияси президенти маслаҳатчиси
Франция Республикаси		
200.	Тьерри Мариани	Миллий Ассамблея депутати, хорижда яшовчи французлар вакили

201.	Эммануэль Дюпюи	Европа прогнозлаштириш ва хавфсизлик институти президенти
202.	Жан-Антуан Дюпра	Сорбонна университети қошидаги Шаҳар қурилиши ва ривожланиши институти директорининг ўринбосари
203.	Пьер-Эммануэль Дюпон	«Volterra Fietta» компанияси адвокати, Париж ҳуқуқ-шунослик, иқтисодиёт ва бошқарув университети катта ўқитувчиси
Швейцария Конфедерацияси		
204.	Ги Меттан	Женева кантони Олий Кенгаши депутати, Швейцария–Россия–МДХ Бирлашган савдо палаталари раиси, Швейцария матбуот клуби ижрочи директори
205.	Роберт Блум	Женева дипломатик доираси президенти
206.	Пьер Мюллер	«Халқаро Кўк Хоч» ижрочи вице-президенти, «Alcazar SA» консалтинг компанияси эгаси, «Lobbsonn SA» компанияси катта консультанти
207.	Марит Фосс	«Diva International» швейцар журнали ношири ва бош муҳаррири
208.	Катрин Фианкан-Боконга	Швейцария ва Лихтенштейн чет эл матбуоти ассоциацияси вице-президенти
АФРИКА ДАВЛАТЛАРИ		
Миср Араб Республикаси		
209.	Магди Заъбал	«Аль-Карама» партияси бош котиби
210.	Ахмад Тарабик	Қоҳира университетининг Осиёдаги тадқиқотлар маркази директори ўринбосари
211.	Хамди Абу аль-Анейн	Миср Араб Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари
212.	Мухаммад Салама	«Аль-Масаия» газетаси бош муҳаррири ўринбосари
213.	Абдурахман аль-Хамиси	Миср Араб Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи
214.	Магида Салах Махлуф	Айн Шамс университетининг Олий Аттестация комиссияси аъзоси, Факультетнинг илмий тадқиқот ишлари маркази директори
215.	Ахмад Раджаб Мухаммад Али Ризк	Қоҳира университети археология профессори
216.	Руфат Мухаммед Сакар	«Руфат Сакар» компанияси бошлиғи
ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ МАМЛАКАТЛАРИ		
Исроил Давлати		
217.	Роберт Илатов	Кнессет депутати, парламентнинг хорижий ишлар ва хавфсизлик, молия, иқтисодиёт, давлат назорати масалалари бўйича қўмиталари аъзоси

218.	Александр Цинкер	Шарқий Европа ва МДХ давлатлари институти директори; Сайлов тизимларини ўрганиш бўйича халқаро Маркази президенти
219.	Владимир Месамед	Иерусалим университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари институти профессори, Марказий Осиё масалалари бўйича эксперт
220.	Борис Манеев	Кирьят-Гат шаҳар мэри маслаҳатчиси, «БЛОК» Бутун-исроил ҳаракати раиси
221.	Мордехай Кимьягаров	Бухоро яҳудийлари жамоат ташкилоти раҳбари, «Маркази Асия-Израэль» маданий маркази директори
222.	Давид Люксембург	«Змадим» суғурта компанияси президенти, Бухоро яҳудийлари Бутунжаҳон конгресси Президиуми аъзоси
Ҳиндистон Республикаси		
223.	Виджай Джолли	«Бхаратия джаната парти» бошқарувдаги партиясининг ташқи алоқалар бўлими мувофиқлаштирувчиси
224.	Анил Кумар Шастри	«Ҳинд миллий конгресси» Умумҳиндистон партиясининг кўмитасининг ҳинд тили Департаменти раиси, «Ҳинд миллий конгресси» ишчи кўмитасининг махсус иштирокчиси
225.	Сканд Ранджан Тайал	Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси
226.	Санжай Кумар Пандей	Ж. Неру номидаги университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби профессори
227.	Мохан Кришан Дхар	«Political Events» аналитик ҳафталиги сиёсий шарҳловчиси
228.	Халид Мустафа Алви	Деҳли университети доценти
229.	Вед Пракаш	«Ҳинд миллий конгресси» партиясининг Умумҳиндистон кўмитасининг собиқ давлат хизматчилари ишлари бўйича департаменти раиси
Индонезия Республикаси		
230.	Лаоде Камалуддин	Индонезия ректорлар форуми раиси
231.	Эко Шри Маргианте	Гунадарма университети ректори
232.	Мухаммад Джафар Сиддик	Ёзувчи, публицист, Индонезиянинг ижтимоий-сиёсий арбоби
233.	Фадли Зон	Халқ вакиллари Палатасининг спикерининг ўринбосари
234.	Махфуд Сиддик	Халқ вакиллари Палатасининг Мудофаа, ташқи сиёсат ва ахборот масалалари кўмитасининг раиси
235.	Мухаммад Шафрудин	Халқ вакиллари Палатасининг депутати
236.	Фирмандез	Халқ вакиллари Палатасининг депутати
Эрон Ислом Республикаси		
237.	Негматолла Изади	дипломат

238.	Бахман Ага Рази	Ташқи ишлар вазири ўринбосарининг Осиё ва Океания мамлакатлари бўйича маслаҳатчиси
239.	Хамид Реза Анвари	Ташқи ишлар вазирлиги МДХ мамлакатлари 2-Департаменти бошлиғининг ўринбосари
240.	Сайед Салман Самани	Ички ишлар вазирлигининг Бошқарув, назорат ва ҳуқуқий масалалар бўйича маркази директори
241.	Али Пурали Мутлак	Сайлов штабининг биринчи ўринбосари, Ички ишлар вазирлиги сайловлар бўйича Бош департаменти бошлиғи
Сингапур		
242.	Ахмад Муҳаммад Магад	Сингапур менежментни ривожлантириш институти Сенати раиси
243.	Эрик Куан Чун Хок	Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти
Хитой Халқ Республикаси		
244.	Чжан Цзыли	Шанхай хорижий тиллар университетининг Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази директори
245.	Ян Бо	Шанхай хорижий тиллар университети Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази директорининг ўринбосари,
246.	Ли Вэй	Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти оммавий дипломатия илмий тадқиқот институти директори
247.	Чжан Даньхуа	Шанхай университети факультети деканининг ўринбосари, Ўзбекистон билан тадқиқотлар ва таълим алмашинуви Маркази куратори
248.	Ли Синь	Шанхай халқаро илмий тадқиқотлар академиясининг Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази директори
249.	Цян Сяююнь	Шанхай халқаро илмий тадқиқотлар академияси Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази директорининг ўринбосари
250.	Ван Хайен	Шарқий Хитой педагогика университети профессори
251.	Ян Чен	Шарқий Хитой педагогика университети профессори, Россияни ўрганиш маркази раҳбарининг ўринбосари
252.	Гао Юйшен	Хитой халқаро тадқиқотлар Фондининг вице-президенти, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон, Туркменистон ва Украинадаги элчиси
253.	Ли Цзи	Шэньси педагогика университетининг Марказий Осиё институти директори
254.	Чэн Жиюй	Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа ва Марказий Осиё департаменти сиёсат ва хавфсизлик бўлими бошлиғининг ўринбосари

255.	Дин Хао	Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа ва Марказий Осиё департаменти сиёсат ва хавфсизлик бўлими атташеси
256.	Ван Чжэн	Шанхай ижтимоий фанлар академияси вице-президенти
257.	Ли Ихай	Шанхай ижтимоий фанлар академияси халқаро департаменти директори
258.	Пан Давэй	Шанхай ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш Маркази директори
Кувайт Давлати		
259.	Абдул Реда Ассири	Кувайт университети Ижтимоий фанлар факультетининг декани
260.	Хамед Хафез Аль-Абдулла	Кувайт университети Ижтимоий фанлар факультети деканининг ўринбосари
Малайзия		
261.	Датук Сери Мухаммад Хашим	Малайзия сайлов комиссияси раисининг ўринбосари
262.	Сей Он Йеен	Осиё стратегия ва етакчилик институти вице-президенти
263.	Радха Кришнан	Ганди номидаги мемориал фонди раиси
264.	Датук Вира Ходжи Ван Ахмад Омар	Бош вазир ўринбосари идораси бош консултанти
265.	Саид Ахмад Башах бин Саид Анвар	Малайзия сайлов комиссиясининг стратегия ва ташқи алоқалар департаменти директори ўринбосари
Бирлашган Араб Амирликлари		
266.	Али Абдулла Мубарак Аль-Мазруи	«Бурудж» компаниялар гуруҳининг давлат идоралари билан алоқалар департаменти бошлиғи
267.	Салех Хадум Аль-Саади	Куёш қурилмаларини ишлаб чиқарувчи «Бин Салем» холдинг компаниясининг Ташқи савдо-иқтисодий алоқалар бўлими раҳбари
268.	Сафа Махмуд Аль-Джанаби	«Ориент консалтинг ва қонунийлаштирилган таржималар» компаниясининг бош директори
Покистон Ислом Республикаси		
269.	Мухаммад Талха Махмуд Арьян	Покистон Ислом Республикаси Сенатининг ички ишлар ва наркотик моддалари назорат қилиш масалалари бўлими бўйича доимий кўмитаси раиси
270.	Тахир Фарук	Урду тилидаги «Ittehad» газетаси бош муҳаррири, Покистон журналистлар Ассоциацияси вице-президенти
271.	Сафир Хуссейн Шах	Инглиз тилидаги ҳафталик «Election Times» газетасининг бош муҳаррири
272.	Гоус Бах Хан Махр	Покистон Миллий ассамблеяси депутати
273.	Мухаммад Асиф Нур	Жаҳон ва дипломатия институти директори, БМТнинг Покистон бўйича цивилизациялар Альянси координатори
274.	Яр Мухаммад Бадини	«Balochistan Today» газетаси ва «Balochistan Times» журналининг бош муҳаррири ва ношири

275.	Мехмуд-Уль-Хасан-Хан	«Defence Journal»нинг иқтисодиёт бўлими мудири
276.	Абдул Малик Балоч	Белужистон провинциясининг бош вазири
Корея Республикаси		
277.	Пак Му Джонг	«The Korea Times» газетаси президенти ва ношири
278.	Чой Дже Кын	«Ипак йўли» Фонди раиси
279.	Ю Ёй Джунг	Миллий Ассамблея тадқиқот хизматининг таълим ва маданий ҳамкорлик бўйича бўлими директори
280.	Чунг Тэ Ик	Корея Халқаро алоқалар бўйича Кенгашининг раиси
281.	Ли Джи Ён	Хангук хорижий тиллар университетининг «Марказий Осиё» кафедраси мудири
282.	Ким Юн Сик	«Shindong Enercom» ва «Shindong Engineering & Construction» компаниялари раиси
283.	Ким Ён Гу	«Shindong Resources» компанияси президенти
284.	Ли Ёнг Джо	Кёнхи университетининг Тинч океани халқаро тадқиқотлар олий мактаби профессори
285.	Ли Джай Хова	Миллий сайлов комиссияси Бошқарув департаменти бош директори
286.	Чой Ки Хо	Миллий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий таржима масалалари бўлими директорининг ўринбосари
287.	Ли Су Хюн	Миллий сайлов комиссияси тергов қилиш бўлими директорининг ўринбосари
288.	Чой Сэ Мин	Каннын шаҳри Сайлов комиссияси сайловни бошқариш бўлими директорининг ўринбосари
289.	Со Донг Джин	Миллий сайлов комиссиясининг жамоатчилик алоқалари бўлими ходими
290.	О Сонг Су	Гимжа шаҳри Сайлов комиссияси реклама бўлимининг директори ўринбосари
Япония		
291.	Кеньичи Мацумото	Тиббий асбоб-ускуналар соҳасида ташқи техник ёрдам кўрсатилиши ташкилоти президенти, «Мацумото» Фонди раиси
292.	Кен Мацудзава	Халқаро дўстлик Кенгаши президенти
293.	Масато Хиватару	Хоккайдо университети профессори
294.	Акифуми Шиоя	Цукуба университети профессори
295.	Фумио Исода	Нагоя университетининг «Осиё кампус сателлитлари» институти директори
296.	Киёхико Тояма	Япония парламенти юқори палатаси депутати
297.	Ичиро Цукада	Япония парламенти юқори палатаси депутати
298.	Кюдзо Като	Археолог-олим
299.	Тецуджи Танака	Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш бўйича Япония институтининг ижрочи директори
300.	Масару Накамура	«Фукуока–Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси президенти

301.	Йошико Кавабата	Токио Қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети профессори
302.	Мамору Яно	Тиббий асбоб-ускуналар соҳасида ташқи техник ёрдам кўрсатилиши ташкилоти Бош котиби
303.	Фуджико Хасегава	«Мацумото» Фондининг фармацевтика бўйича маслаҳатчиси
АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ		
Америка Қўшма Штатлари		
304.	Войцех Соколовски	Ж. Хопкинс университети қошидаги фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази катта тадқиқотчиси
305.	Майкл Броди	Америка университетининг атроф муҳити фанлари факультети адъюнкт-профессори
306.	Дэн Петерсон	Сиэтл университетининг тадқиқот дастурлари мувофиқлаштирувчиси
307.	Дайана Пирс	Вашингтон университети қошидаги Хотин-қизлар фаровонлиги масалалари бўйича маркази директори
308.	Сюзан Сканлан	АҚШ Хотин-қизлар ташкилотлари миллий кенгаши раиси
309.	Самуэл Потоликкио	Джорджтаун университети профессори
310.	Эрик Вагнер	«Хоневелл» компанияси вице-президенти
311.	Кэролин Лэмм	Америка–Ўзбекистон савдо палатаси раиси, «Уайт энд Кейс» компаниясининг ҳамкор бошқарувчиси
312.	Питер Халле	«Morgan, Lewis & Bockius LLP» компаниясининг катта маслаҳатчиси
313.	Борис Кандов	АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари Конгресси президенти
314.	Нерии Юшваев-Кавальер	АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари Конгресси вице-президенти
315.	Альберт Даян	«DAYAN LAW FIRM» юридик фирмаси асосчиси
316.	Абдулла Ходжа	Америка–Туркистон Ассоциацияси раиси
317.	Некталов Рафаэль Борисович	«The Bukharian Times» Нью-Йорк газетаси муҳаррири
318.	Кэрол Робертсон Лопес	Нью-Мексико штати Болалар фондининг ижрочи директори
319.	Майкл Эдельштейн	Атроф муҳитини ўрганиш институти директори, Нью-Жерсидаги Рамапо коллежи профессори
320.	Парвиз Морвидж	Нью-Йорк давлат университети профессори, «Глобал илмий нашрлар» маркази директори
321.	Астрид Церни	Нью-Йорк университети катта ўқитувчиси
322.	Ахим Коддерманн	Нью-Йорк университети Фалсафа факультети декани
323.	Гари Фурлонг	Катта Сиэтлда савдони ривожлантириш Альянси маслаҳат Кенгашининг аъзоси

Давоми

324.	Афтаб Кази	Ж. Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти тадқиқотчиси
325.	Эдвард Мачеровски	Бенедиктин коллежи профессори
ЎЗБЕКИСТОНДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ		
АҚШ элчихонаси		
326.	Бриджит Бринк	АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси бошлиғи ўрин-босари
327.	Сет Миллер	АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби
328.	Антон Купер	АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби
329.	Роджер Родригес Риос	АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби
330.	Мэтью Кустанс	АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби
331.	Аня Брансон	АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги		
332.	Джордж Эдгар	Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси
333.	Асиф Чаудри	Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби, сиёсат ва жамоатчилик дипломатияси бўлими бошлиғи
334.	Эндрю Дэвид	Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг мудофаа масалалари бўйича атташеси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ УЧУН МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВ СЕМИНАРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9, 10-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияси аъзоларини сайловга оид умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва амалдаги сайлов қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш, участка сайлов комиссиялари ишини тўғри ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида алоҳида жадвалга мувофиқ Адлия вазирлиги, Давлат бошқарув академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда минтақавий ўқув семинарлар ташкил этилсин (жадвал илова қилинади).

2. Ушбу минтақавий ўқув семинарларда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) участка сайлов комиссияларининг иш фаолиятини ташкил этиш масалалари;

б) Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги ва хорижий тажриба;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сайлов жараёнларида иштирокини таъминлаш масалалари;

г) сайлов қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлик масалалари;

д) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар ҳақидаги масалалар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ушбу минтақавий ўқув семинарларни ўтказишда участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокини, хавфсизлигини, семинар ўтказиш жойини, техник ва автотранспорт воситалари билан таъминлаш юклансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига,

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига юборилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Артикова зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 2 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик
палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар
Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари
аъзолари билан ўтказиладиган минтақавий ўқув семинарларининг
Ж А Д В А Л И**

Т/р	Худудлар	Муддати ва жойи	Масъуллар	Изоҳ
Қорақалпоғистон Республикаси				
1.	Нукус шаҳри Нукус тумани Хўжайли тумани	9.12.2014 й. Нукус шаҳри	Э. Жуманазаров – Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Худайбергенов Салаватдин – Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири	
	Элликқалъа тумани Тўртқўл тумани Беруний тумани	10.12.2014 Элликқалъа тумани	М. Бабаназарова – Марказий сайлов комиссияси аъзоси	
	Кегейли тумани Қораўзак тумани Чимбой тумани Тахтақўпир тумани	11.12.2014 й. Чимбой тумани	З. Реимова – Нукус давлат университети ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчиси М. Сарибоев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими	
	Қонлиқўл тумани Қўнғирот тумани Мўйноқ тумани Шуманай тумани	12.12.2014 й. Қўнғирот тумани		
	Амударё тумани	13.12.2014 й. Амударё тумани		
Андижон вилояти				
2.	Андижон шаҳри Андижон тумани	6.12.2014 й. Андижон ш.	Т. Ширинов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси	
	Қорасув шаҳри Хонобод тумани Қўрғонтепа тумани	7.12.2014 й. Қўрғонтепа тумани	А. Султонов – Вилоят сайлов комиссияси раиси И. Тургунов – Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи	
	Булокбоши тумани Жалолкудук тумани Хўжаобод тумани	8.12.2014 й. Хўжаобод т.	Ф. Ахмедова – Марказий сайлов комиссияси аъзоси	
	Асака тумани Марҳамат тумани	9.12.2014 й. Асака т.		

	Олтинқўл тумани Балиқчи тумани	10.12.2014 й. Олтинқўл т.	Х. Васиев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими Б. Расулов – Андижон давлат университети факультет декани	
	Бўз тумани Шаҳрихон тумани Улуғнор тумани	11.12.2014 й. Бўз т.		
	Пахтаобод тумани Избоскан тумани	12.12.2014 й. Избоскан т.		
Бухоро вилояти				
3.	Бухоро шаҳри Бухоро тумани Когон тумани Қоровулбозор тумани	8.12.2014 й. Бухоро шаҳри	К. Адилов – Марказий сайлов комиссияси котиби Ё. Фаттоев – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ғ. Сафаров – Вилоят сайлов комиссияси раиси А. Халилов – Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Г. Маликова – Марказий сайлов комиссияси эксперти Ж. Болтаев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими	
	Олот тумани Қорақўл тумани Жондор тумани	9.12.2014 й. Қорақўл т.		
	Ғиждувон тумани Шофиркон тумани Пешку тумани Ромитон тумани Вобкент тумани	10.12.2014 й. Ғиждувон т.		
Жиззах вилояти				
4.	Жиззах шаҳри Жиззах тумани Пахтакор тумани Фориш тумани	11.12.2014 й. Жиззах ш.	Э. Ходжақулов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси А. Сангиров – Жиззах давлат педагогика институти проректори Ш. Рўзиназаров – Марказий сайлов комиссияси эксперти А. Скрипкин – Вилоят сайлов комиссияси раиси Д. Бобобеков – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими	
	Зарбдор тумани Зомин тумани Янгиобод тумани	10.12.2014 й. Зарбдор тумани		
	Ғаллаорол тумани Бахмал тумани	12.12.2014 й. Ғаллаорол т.		
	Дўстлик тумани Мирзачўл тумани Арнасой тумани Зафаробод тумани	13.12.2014 й. Дўстлик тумани		
Навоий вилояти				
5.	Навоий шаҳри Кармана тумани Навбахор тумани Хатирчи тумани	6.12.2014 й. Навоий шаҳри	К. Адилов – Марказий сайлов комиссияси котиби Г. Маликова – Марказий сайлов комиссияси эксперти	

	Нурота тумани Қизилтепа тумани Конимех тумани		У. Ўтамуродов – Навоий давлат педагогика институти кафедра мудири А. Рузиев – Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Ш. Жўраев – Вилоят сайлов комиссияси раиси А. Рузиқулов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими	
	Зарафшон шаҳри Томди тумани Учкудук тумани	7.12.2014 й. Зарафшон шаҳри		
Наманган вилояти				
	Наманган шаҳри Наманган тумани Косонсой тумани Тўрақўрғон тумани Янгиқўрғон тумани	9.12.2014 й. Наманган шаҳри	С. Қурбонқулов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси А. Умаров – Наманган давлат университети ректори С. Нуриев – Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи	
6.	Уйчи тумани Чортоқ тумани Учқўрғон тумани Норин тумани	10.12.2014 й. Уйчи тумани	Ш. Мирзаахмедов – Вилоят сайлов комиссияси раиси Н. Нуралиева – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими	
	Чуст тумани Поп тумани	11.12.2014й. Чуст тумани	Э. Хожиев – Марказий сайлов комиссияси эксперти	
Самарқанд вилояти				
	Каттақўрғон тумани Каттақўрғон шаҳри Нарпай тумани Пахтачи тумани	9.12.2014 й. Каттақўрғон шаҳри	Ш. Сирожиддинов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Х. Маматов – Адлия бошқармаси бошлиғи	
	Пайариқ тумани Иштихон тумани Оқдарё тумани Қўшрабат тумани	10.12.2014 й. Пайариқ тумани	А. Умаров – Вилоят сайлов комиссияси раиси Н. Эшқобилов – Самарқанд давлат университети ректори в.б.	
7.	Самарқанд шаҳри Пастдарғом тумани	11.12.2014 й. Самарқанд тумани	Ф. Рахматов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими	
	Нуробод тумани Булунғур тумани Жомбой тумани Самарқанд тумани Тойлоқ тумани Ургут тумани	12.12.2014 й. Самарқанд шаҳри		

Сирдарё вилояти			
8.	Гулистон шаҳри Мирзаобод тумани Гулистон тумани Оқолтин тумани Сардоба тумани	11.12.2014 й. Гулистон шаҳри	А. Абдувахитов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси, ДБА ректори А. Йўлдошев – Марказий сайлов комиссияси эксперти А. Тошқулов – Адлия бошқармаси бошлиғи
	Янгиер шаҳри Ширин шаҳри Ховос тумани Боёвут тумани	11.12.2014 й. Янгиер шаҳри	А. Эсонов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими В. Кўчқоров – Марказий сайлов комиссияси эксперти
	Сирдарё тумани Сайхунобод тумани	13.12.2014 й. Сирдарё шаҳри	Ш. Назаров – Марказий сайлов комиссияси эксперти
Сурхондарё вилояти			
9.	Термиз шаҳри Термиз тумани	9.12.2014 й. Термиз шаҳри	О. Абдуназаров – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ш. Асадов – Марказий сайлов комиссияси эксперти
	Жарқўрғон тумани Қизириқ тумани	9.12.2014 й. Жарқўрғон тумани	К. Холмуродов – Адлия бошқармаси бошлиғи
	Ангор тумани Музработ тумани	10.12.2014 й. Ангор тумани	М. Хайдаров – Термиз давлат университети ректори Т. Боболов – Вилоят сайлов комиссияси раиси
	Шеробод тумани Бойсун тумани	10.12.2014 й. Шеробод тумани	Ш. Турдиев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими
	Шўрчи тумани Қумқўрғон тумани	11.12.2014 й. Шўрчи тумани	
	Денов тумани Олтинсой тумани	11.12.2014 й. Денов тумани	
	Узун тумани Сариосиё тумани	12.12.2014 й. Сариосиё тумани	
Тошкент вилояти			
10.	Қуйи Чирчиқ тумани Чиноз тумани	9.12.2014 й. Чиноз тумани	С. Артикова – Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари А. Йўлдошев – Марказий сайлов комиссияси эксперти Л. Тўлаганов – Адлия бошқармаси бошлиғи

	Янгийўл тумани Зангиота тумани	9.12.2014 й. Зангиота тумани	У. Абдушохидов – Вилоят сайлов комиссияси раиси З. Маркаев – Тошкент аграр уни- верситети Фалсафа кафедраси до- центи Б. Холбутаев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими
	Бекобод шаҳри Бекобод тумани	10.12.2014 й. Бекобод тумани	
	Бўка тумани Оққўрғон тумани Пскент тумани	10.12.2014 й. Бўка тумани	
	Ангрен шаҳри Оҳангарон тумани	11.12.2014 й. Оҳангарон тумани	
	Олмалик шаҳри Ўрта Чирчиқ тумани	12.12.2014 й. Олмалик тумани	
	Паркент тумани Юқори Чирчиқ тумани	13.12.2014 й. Паркент тумани	
	Қибрай тумани Чирчиқ шаҳри Бўстонлик тумани	13.12.2014 й. Чирчиқ шаҳри	
Фарғона вилояти			
11.	Бешариқ тумани Фурқат тумани Ўзбекистон тумани	6.12.2014 й. Фурқат тумани	М. Мирзаев – Марказий сайлов комиссияси аъзоси А. Сатторов – Марказий сайлов комиссияси эксперти М. Мирзалиев – Адлия бошқармаси бошлиғи И. Носиров – Вилоят сайлов комис- сияси раиси А. Қосимов – Фарғона давлат уни- верситети проректори А. Бобожонов – Марказий сайлов комиссияси эксперти Р. Бабажанов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими
	Кўкон шаҳри Данғара тумани Учкўприк тумани	6.12.2014 й. Кўкон шаҳри	
	Бувайда тумани Боғдод тумани Риштон тумани	7.12.2014 й. Боғдод тумани	
	Олтиариқ тумани Ёзёвон тумани Кўштепа тумани	7.12.2014 й. Кўштепа тумани	
	Марғилон шаҳри Тошлоқ тумани Қува тумани	9.12.2014 й. Кўштепа тумани	
	Фарғона шаҳри Фарғона тумани Қувасой шаҳри	9.12.2014 й. Фарғона тумани	
	Сўх тумани	10.12.2014 й. Сўх тумани	

Хоразм вилояти			
12.	Ҳазорасп тумани Боғот тумани	9.12.2014 й. Ҳазорасп тумани	Ж. Садиқов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси
	Хива шаҳри Янгиариқ тумани Қўшқўпир тумани	9.12.2014 й. Ҳазорасп тумани	Я. Олламов – Урганч давлат универ- ситети кафедра ўқитувчиси О. Бобожонов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси
	Шовот тумани Гурлан тумани Янгибозор тумани	10.12.2014 й. Гурлан тумани	У. Абдуллаев – Вилоят Адлия бош- қармаси бошлиғи Р. Матрасулов – Вилоят сайлов комиссияси раиси
	Урганч шаҳри Урганч тумани Хонқа тумани	11.12.2014 й. Урганч шаҳри	А. Жаманиязов – Фуқаролик жа- мияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими
Қашқадарё вилояти			
13.	Китоб тумани Шаҳрисабз тумани Яккабоғ тумани Чироқчи тумани	9.12.2014 й. Китоб тумани	Э. Ражабов – Марказий сайлов ко- миссияси аъзоси Ғ. Машқуров – Марказий сайлов комиссияси умумий бўлим бошлиғи Ш. Асадов – Марказий сайлов ко- миссияси эксперти
	Дехқонобод тумани Ғузор тумани Қамаши тумани	10.12.2014 й. Ғузор тумани	Б. Жўраев – Қарши давлат универ- ситети маърифий-маънавий ишлар бўйича проректори
	Қарши тумани Нишон тумани Қарши шаҳри	11.12.2014 й. Қарши тумани	Ш. Қўчқоров – Вилоят Адлия бош- қармаси бошлиғи Э. Джуманазаров – Вилоят сайлов комиссияси раиси
	Муборак тумани Касби тумани Косон тумани Миришкор тумани	12.12.2014 й. Косон тумани	Д. Қосимов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими
Тошкент шаҳри			
14.	Миробод тумани Бектемир тумани Яшнаобод тумани	9.12.2014 й. Миробод тумани	М. Абдусаломов – Марказий сайлов комиссияси Раиси

Юнусобод тумани Мирзо-Улуғбек тумани Олмазор тумани	10.12.2014 й. Юнусобод тумани	Г. Исмоилова – Марказий сайлов комиссияси эксперти Э. Салихов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Х. Абдурахмонов – Марказий сай- лов комиссияси Котибияти ташки- лий-методик бўлими бошлиғи	
Чилонзор тумани Учтепа тумани	11.12.2014 й. Чилонзор тумани		
Яккасарой тумани Сергели тумани Шайхонтохур тумани	12.12.2014 й. Яккасарой тумани		

Изоҳ: *Жадвалдаги тадбирлар ўтказилиши санаси Марказий сайлов комис-
сияси билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД
Я. ДУШАНОВНИНГ АРИЗАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодликдан воз кечиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 31-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 38-Нурота сайлов округи бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Яшин Равшанович Душановнинг номзодликдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатидан чиқарилсин.

2. Сайлов варақаси ва бюллетенлари нашр этилганлиги, сайлов кунига қадар қисқа муддат қолганлигини эътиборга олиб, Яшин Равшанович Душановга оид маълумотлар сайлов варақаси ва бюллетенларидан ёзиш воситаси (штрих) ёрдамида ўчирилишини ҳамда номзоднинг таржимаи ҳоли акс этган ташвиқот плакатларини йиғиб олишни 38-Нурота округ сайлов комиссияси таъминласин.

3. Мазкур қарор Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига ва 38-Нурота округ сайлов комиссиясига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 2 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД
С. НОРМАМАТОВНИНГ АРИЗАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодликдан воз кечиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 31-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 67-Оқолтин сайлов округи бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Султонбек Эрматович Нормамаатовнинг номзодликдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатидан чиқарилсин.

2. Сайлов варақаси ва бюллетенлари нашр этилганлиги, сайлов кунига қадар қисқа муддат қолганлигини эътиборга олиб, Султонбек Эрматович Нормамаатовга оид маълумотлар сайлов варақаси ва бюллетенларидан ёзиш воситаси (штрих) ёрдамида ўчирилишини ҳамда номзоднинг таржимаи ҳоли акс этган ташвиқот плакатларини йиғиб олишни 67-Оқолтин округ сайлов комиссияси таъминласин.

3. Мазкур қарор Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига ва 67-Оқолтин округ сайлов комиссиясига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 2 декабрь.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРNING САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ МОНИТОРИНГИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотининг олиб борилиши бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Халқ демократик партиясининг ахбороти тингланди.

Ўзбекистонда ҳақиқий демократик сайловларни ўтказиш учун ривожланган қонунчилик базаси ва зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилган. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар, адолатли, очиқ-ошкора сиёсий рақобат ҳамда кураш учун тенг имкониятлар ва кафолатлар яратилган.

Сиёсий партиялар вакиллари оммавий ахборот воситаларида алифбо тартибида чиқиш қилишмоқда. Ўтган даврда сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартибини бузиш ҳолатлари қайд этилмади. «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телеҳамда радиоканалларида прайм-вақтда чиқишлар жадвалига риоя қилинмоқда. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг вакиллари, депутатликка номзодларнинг теледебатлари ҳам ўтказилмоқда. Ҳар бир партияга тенг миқдорда эфир вақти ажратилган. Маҳаллий теле- ва радиоканалларда партиялар роликлари кунига икки марта ягона блокда берилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ҳар бир сиёсий партия ва депутатликка номзодлар маҳаллий теле- ва радиоканалларда ҳафтасига 900 минутдан ортиқ эфир вақтидан фойдаланаяпти. «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» республика кундалик газеталарида сайловолди ташвиқоти доирасида партияларнинг материаллари чоп этилмоқда. Бунинг учун газеталарнинг махсус саҳифаси бепул ажратиб берилган. Сиёсий партиялар, шунингдек, сайловчилар овози учун кураш ўзларининг матбуот нашрлари саҳифаларида ҳам тўлиқ олиб борилмоқда.

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари матбуот нашрларида ҳам тенг шароитлар яратилган. Партиялар мустақил оммавий ахборот воситаларида пуллик асосда ўз материалларини жойлаштириб бораёпти. Ташқи реклама воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотининг олиб борилиши бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (Б. Якубов), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (А. Раҳмонов), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (Д. Рашидова) ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Р. Камилов) нинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2014 йилдаги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази (Н.Нурматов) ҳамда Марказий сайлов комиссияси Котибияти Ташкилий-методик бўлими (Х.Абдурахмонов) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти мониторингини давом эттирсин ва умумлаштириб, аниқ таклифларни Марказий сайлов комиссияси Раҳбариятига киритиб бориш таъминлансин.

3. Округ сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларга сайловолди ташвиқотини олиб боришлари учун тенг шароитларни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига юборилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Артикова зиммасига юклатилсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 12 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ,
ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВЛАРИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА
САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА УЧАСТКАЛАРИ, ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
МАТБУОТ МАРКАЗЛАРИНИ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ, ОРГТЕХНИКА
ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАР ҲАМДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИНING АХБОРОТИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш, сайловолди ишларни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида сайлов округлари ва участкалари, ташкил этилган матбуот марказлари ва тегишли штабларни алоқа воситалари, оргтехника ва техник воситалар ҳамда телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ахбороти тингланди.

Ахборотда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонуни 10-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 12 майдаги 600-сон Қарори билан тасдиқланган «2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури»да сайловолди ишларни ташкил этиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш жараёнида Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайти (www.elections.uz) ҳамда веб-сайтнинг мобиль версияси ўзбек (кирилл ва лотин), рус ва инглиз тилларида ишлаб чиқилиб, янги кўринишда қайта ишга туширилди.

Марказий сайлов комиссияси веб-сайтидаги маълумотларни янгилаб бериш бўйича тегишли мутахассислар бириктирилган ва доимий равишда ёрдам бериб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси расмий мурожаатига мувофиқ Республика матбуот маркази телекоммуникация хизматлари, жумладан, телефон алоқаси, Интернет хизматлари, ҳукумат алоқаси ва мобиль алоқа хизматлари ҳамда тегишли оргтехника ва техник воситалар, компьютер мебеллари, ТВ мониторлар ва уларнинг тегишли жиҳозлари билан таъминланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг тадбирлари доимий равишда овоз кучайтириш ускуналари ва микрофонлар билан таъминланмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган рўйхат асосида сайлов округлари ва участкалари телекоммуникация хизматлари билан таъминланди. Жумладан, бугунги кунда 135 та сайлов округлари тўлиқ телефон алоқаси ва Марказий сайлов комиссияси билан келишилган ҳолда барча сайлов округлари 512 кбит/с тезликдаги Интернет (TAS-IX) хизматлари билан таъминланди. Барча сайлов округларига uzmail.uz электрон почта хизмати ташкил этилди.

Сайлов участкаларининг (8991 та) барчаси телефон алоқаси билан тўлиқ таъминланган ва узлуксиз ишлаши Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси ҳамда тизимдаги тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари томонидан назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлови тўғрисида»ги Қонуни 11-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9, 10-моддаларига, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат алоқа қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, сайлов округлари ва участкалари, ташкил этилган Матбуот маркази ва тегишли штабларни алоқа воситалари, оргтехника ва техник воситалар ҳамда телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ушбу масала бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилганлигини ижобий баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этилган Матбуот марказларида масъул мутахассисларни бириктирган

ҳолда узлуксиз телекоммуникация хизматлари билан таъминланишини назоратга олишлари сўралсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари шартнома асосида кўрсатилаётган телекоммуникация хизматларини белгиланган тартибда молиялаштирилишини назоратга олсинлар.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига юборилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси қотиби К. Адилов зиммасига юклатилсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 12 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ ВА УЧАСТКА
САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ
НАТИЖАЛАРИ ВА 21-БУХОРО, 34-НАВОИЙ ҲАМДА
126-ТЕМИРЎЛЧИЛАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ
РАИСЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАРИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, сайловолди ишларни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида ташкил этилган 21-Бухоро (Қ. Турсунов), 34-Навоий (Р. Рўзиев) ҳамда 126-Темирйўлчилар (М. Арипджанов) округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 21-Бухоро округ сайлов комиссияси Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази биносига, 34-Навоий округ сайлов комиссияси Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи биносига ҳамда 126-Темирйўлчилар округ сайлов комиссияси Тошкент шаҳридаги Темирйўлчилар маданият саройи биносига жойлашган бўлиб, улар замонавий мебеллар, компьютер, телевизор, телефон-факс, нусха кўпайтириш воситалари билан «Округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом 3-боби 14-бандига асосан (МСКнинг 2014 йил 19 сентябрдаги 618-сонли қарори билан тасдиқланган) жиҳозланган.

Округларнинг харитаси ва сайлов участкалари манзиллари акс эттирилган стендлар мавжуд бўлиб, округ сайлов комиссияси фаолиятини самарали ташкиллаштириш мақсадида комиссиянинг чора-тадбирлар режаси, навбатчилик жадвали, аъзолар ўртасида вазифалар тақсимоти ишлаб чиқилиб, комиссия раиси томонидан тасдиқланди. Шунингдек, комиссия аъзолари томонидан сайловчиларнинг кундалик қабули ташкил қилинган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 8-моддасига асосан сайлов участкаларини тузиш, уларнинг чегаралари, сайловчиларга мумкин қадар қулай жойда жойлашиши каби масалалар муҳокама қилиниб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан сайлов участкалари ҳақида ахборот матбуотда эълон қилинди. Сайловга оид мавзулар ҳудуддаги мавжуд панно, билбордларда ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги Қонуни 14-моддасига асосан участка сайлов комиссияларини тузиш ва унинг таркибини тасдиқлаш масаласи комиссия мажлисларида муҳокама қилиниб, округ сайлов комиссияларининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан участка сайлов комиссияси таркиби тасдиқланиб, Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган участка сайлов комиссияси аъзолари учун гувоҳномалар расмийлаштирилиб тарқатилди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 15 ноябрдаги 634-сонли қарорига биноан 2014 йил 25 ноябрга қадар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида белгиланганидек депутатликка номзодлар ишончли вакиллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этгандан сўнг улар рўйхатдан ўтказилиб, уларга гувоҳномалар берилиб, депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли акс эттирилган плакатлари, канцелярия моллари, қутилар ва кабиналар ўз вақтида сайлов участкаларига етказилди.

Муддатидан олдин овоз берувчилар учун сайлов варақалари белгиланган муддатда етказилиб берилди, округ сайлов комиссиялари томонидан депутатликка номзодларга ҳамда уларнинг ишончли вакилларига гувоҳномалар топширилди.

Сиёсий партияларнинг кузатувчилари ҳамда ваколатли вакилларига ҳам белгиланган муддатда гувоҳномалар берилди.

Ҳозирги кунга қадар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси 9-бандига асосан депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга округ сайлов комиссияларси яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси ва «2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адиловнинг ахбороти, 21-Бухоро, 34-Навоий ҳамда 126-Темирўлчилар округ сайлов комиссиялари раислари (Қ. Турсунов, Р. Рўзиев, М. Арипджановлар)нинг ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адилов округ ва участка сайлов комиссияларида сайловга тайёргарлик ишларини ва сайловни намунали ташкил этган округ ва участка сайлов комиссиялари ҳақида маълумотларни

умумлаштириб, уларни сайлов яқунларига кўра рағбатлантириш юзасидан таклифлар тайёрласин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Артикова зиммасига юклатилсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 12 декабрь.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД
М. АСИЛОВАНИНГ АРИЗАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодликдан воз кечиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 31-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 135-Шайхонтоҳур сайлов округи бўйича Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Мухайё Убаевна Асилованинг номзодликдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатидан чиқарилсин.

2. Сайлов варақаси ва бюллетенлари нашр этилганлиги, сайлов кунига қадар қисқа муддат қолганлигини эътиборга олиб, Мухайё Убаевна Асиловага оид маълумотлар сайлов варақаси ва бюллетенларидан ёзиш воситаси (штрих) ёрдамида ўчирилишини ҳамда номзоднинг таржимаи ҳоли акс этган ташвиқот плакатларини йиғиб олишни 135-Шайхонтоҳур округ сайлов комиссияси таъминласин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига ва 135-Шайхонтоҳур округ сайлов комиссиясига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 12 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН
СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари билан ўтказилган семинар-тренинглари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг дастлабки ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари билан ўтказилган семинар-тренингларида билдирилган таклифлар, орттирилган тажрибалар Марказий сайлов комиссияси Қотиби яти Умумий бўлими (Ғ. Машқуров) томонидан умумлаштирилиб борилсин ва сайлов кампанияси даврида бевосита амалиётга жорий этилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари билан ҳамкорликда 15–19 декабрь кунлари (ҳар бир) участка сайлов комиссиялари аъзолари билан ўқув машғулотларини давом эттирсинлар, уларга амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С. Артикова зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 12 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИДАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ САЙЛАШ БЎЙИЧА
КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ВАКИЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 47¹-моддаси, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгашининг 2014 йил 15 ноябрдаги 1-сон қарорига кўра, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Конференцияси 2014 йил 21 декабрь куни соат 9.00 да Халқаро савдо марказининг мажлислар залида иш бошлаши маълумот учун қабул қилинсин (Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уй).

2. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг мазкур Конференциясида Марказий сайлов комиссияси вакиллари сифатида иштирок этиш учун комиссия аъзолари Темир Ширинов ҳамда Феруза Солижонова Аҳмедова белгилансин.

3. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Конференциясига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон экологик ҳаракати делегат (аъзо)лари учун муддатдан олдин овоз бериш тавсия этилсин.

4. Марказий сайлов комиссияси Котибияти (К. Адилов) Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича Конференциясида овоз бериш учун мўлжалланган сайлов кутилларини муҳрлашда

ишлатиладиган Конференция металл мухрини қисқа муддатда ясаб беришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Комиссия котиби К. Адилов зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 12 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига тўла мувофиқ равишда бўлиб ўтган сайловларда 18 490 245 нафар сайловчи ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 88,94 фоизи қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 2014 йил 21 декабрда ўтказилган сайлов натижалари ҳақидаги округ сайлов комиссияларининг баённомалари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати Конференцияси қарорига асосан «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 5-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 11, 44, 48, 49-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов округларидан сайланган 113 нафар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган 15 нафар депутатлар 1 ва 2-иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 25 декабрь.*

1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига
сайлов округларидан сайланган депутатлар
Р ў Й Х А Т И**

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғил- ган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (мангулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Абдижамиллов Жолдасбай Зинагдинович	1984	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси	Қорақал- поғистон Республикаси, Нукус шаҳри	4-Амударё сайлов округи
2.	Абдукадиров Дониёр Хусанович	1981	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз	Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси	Тошкент шаҳри, Олмазор тума- ни	81-Зангиота сайлов округи
3.	Абдукодиров Абдурашид Толибжонович	1976	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал- демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Фарғона политехника университети проректори	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри	102-Қува сайлов округи
4.	Абдуллаев Илхом Заирович	1965	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масала- лари қўмитаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани	131-Астробод сайлов округи

Давоми

5.	Абдусаттаров Тулкин Сайфуллаевич	1978	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	32-Ғаллаорол сайлов округи
6.	Азамат Зиё Хамид ўғли	1963	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	126-Темир- йўлчилар сайлов округи
7.	Акбаров Нуман Абдуазизович	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Фарғона филиали директори	Фарғона вилояти, Кўкон шаҳри	93-Кўкон сайлов округи
8.	Артиков Бекзод Хагамович	1982	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	64-Гулистон сайлов округи
9.	Атодждонов Джумонозор Азодович	1976	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	110-Хива сайлов округи
10.	Ахмедов Аҳад Амиридинович	1964	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирро- бод тумани	35-Қизилтепа сайлов округи
11.	Бабашев Қутлимурад Айтмурагович	1975	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	«TOSHAFUS» Ўзбек – Корея кўшма корхонаси бош директори ўринбосари	Тошкент шаҳри, Чилонзор ту- мани	1-Нукус сайлов округи
12.	Бафаев Шухрат Гафурович	1963	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Фуқаролик жамияти шакл- ланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Бухоро вилояти худудий бўлинмаси раҳбари	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	28-Ғиждувон сайлов округи

13.	Бурханов Акмал Эшондедаевич	1981	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхона- си бош вакил ўринбосари, ижрочи директори	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани	44-Тўрақўр- ғон сайлов округи
14.	Бутаев Уткир Умирович	1971	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси «Микрокредитбанк» бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	113-Бешкент сайлов округи
15.	Ғафурова Мархаба Низамидиновна	1971	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Самарқанд шаҳар хокимининг ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	50-Регистон сайлов округи
16.	Гофуров Ахмаджон Мамашарипович	1961	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	16-Пахтаобод сайлов округи
17.	Дадаходжаева Мухаррам Эсануллаевна	1973	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Аёллар ва ёшлар- нинг сийёсий фаоллигини ошириш бўлими мудири	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	19-Хорғум сайлов округи
18.	Джумаев Ойбек Чариевич	1968	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	И.М. Губкин номидаги Россия давлаг нефть ва газ университети Тошкентдаги филиали директори ўринбосари	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	69-Ангор сайлов округи
19.	Джумамуратова Клара Шахназаровна	1961	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	105-Урганч сайлов округи

Давоми

20.	Джураев Қодир Асадович	1972	Ўзбекистон «Адолат» социал- демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	21-Бухоро сайлов округи
21.	Жалилов Авазбек Абдужаминович	1964	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	«Ўз-Тонг Хонг Ко» акциядорлик жамияти қўшма корхонаси бош директори	Анджон вило- яти, Булоқбоши тумани	20-Чинobod сайлов округи
22.	Жалилова Дилфуза Каримовна	1967	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Қарши давлат университети қошидаги 1-сон академик лицейи директори	Қашкадарё вилояти, Қарши шаҳри	112-Қарши сайлов округи
23.	Жамолдинова Одинахон Расуловна	1970	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Тошкент давлат педагогика университети проректори	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	92-Яйпан сайлов округи
24.	Зокиров Исломжон Илхомжонович	1979	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Фарғона давлат университети декани	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри	101-Тошлок сайлов округи
25.	Ибрагимова Фируза Баходирхоновна	1970	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Бухоро давлат тиббиёт инсти- тути «Бионеорганик, био- органик ва биологик химия» кафедраси катта ўқитувчиси	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	22-Когон сайлов округи
26.	Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович	1959	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	47-Чортоқ сайлов округи

27.	Исмоилов Сохибжон Ибрагимович	1963	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Олماзор тумани	94-Бағдод сайлов округи
28.	Кадилов Алишер Келдиевич	1975	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Жиззах вилояти Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри	33-Пахтакор сайлов округи
29.	Камилов Рустам Туйчиевич	1972	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	128-Саноат сайлов округи
30.	Каримова Комила Зайдуллаевна	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	122-Ғузур сайлов округи
31.	Каримов Раҳматилла Ҳамидиллаевич	1966	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	132-Тўқимачи сайлов округи
32.	Каримов Тулқинжон Пайзиевич	1968	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Анджон машинасозлик институту проректори	Анджон вилояти, Анджон шаҳри	9-Анджон сайлов округи
33.	Кетмонов Ҳатамжон Абдурахмонович	1969	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	11-Бўз сайлов округи
34.	Кирғизбаев Абдугаппор Каримжонович	1962	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонун- чилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	49-Янги- қўرғон сайлов округи

Давоми

35.	Кобиров Рустам Ражаббойевич	1984	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар Кенгаши раиси	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	55-Қорадарё сайлов округи
36.	Кошелапова Людмила Викторовна	1959	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Тошкент вилояти, Қибрай тумани «Родничок» ННТ раҳбари	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	87-Қибрай сайлов округи
37.	Қушербаев Расул Хидралиевич	1987	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	«Янгийўл» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани	88-Янгийўл сайлов округи
38.	Қурбонбоев Максуд Камилович	1973	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Хоразм вилояти молия бошқармаси бошлиғи	Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани	109-Хонқа сайлов округи
39.	Мамаджанов Шухрат Муратович	1979	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Жинорий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	127-Қорақамиш сайлов округи
40.	Матқурбанов Рашид Жолдасбаевич	1977	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри	6-Чимбой сайлов округи
41.	Махматмуродов Алишер Улмасович	1967	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Самарқанд кишлоқ хўжалик институти кафедра муdiri	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	63-Қоратепа сайлов округи
42.	Мухаммадиев Меҳритдин Мамадиёрович	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	62-Ургут сайлов округи

43.	Мухаммадиев Улуғбек Насриддинович	1971	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спи- кери ўринбосари – Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	121-Яккабоғ сайлов округи
44.	Мухторов Нодиржон Илхомжонович	1982	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	43-Поп сай- лов округи
45.	Назиркулов Атхам Ахаткулович	1966	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Акциядорлик-тижораг бан- ки «Қишлоққурилишбанк» бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	82-Олмалик сайлов округи
46.	Насиров Джамол Шухратович	1985	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти Кенгаши раиси	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	27-Жилвон сайлов округи
47.	Ниёзматов Баҳром Бахтиёрович	1966	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Анджон вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	15-Хўжаобод сайлов округи
48.	Ниязова Жамиля Абдукадировна	1958	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	8-Ақмангит сайлов округи
49.	Номозов Сиддик Каххорович	1972	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Давлат тижораг Халқ банки- нинг Ички аудит департамен- ти директори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	57-Оқдарё сайлов округи

50.	Носиров Илхом Аббосович	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи	Фарғона вилояти, Фарғона тумани	100-Водил сайлов округи
51.	Обиджонов Бахромжон Анваржонович	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	«Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталари бош муҳаррири	Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани	96-Олтиариқ сайлов округи
52.	Отмуратов Сарвар Садуллаевич	1973	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	108-Ҳазорасп сайлов округи
53.	Пак Виктор Николаевич	1958	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистондаги корейс миллий-маданий маркази ассоциацияси раиси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	84-Тўйтепа сайлов округи
54.	Пардаев Азамат Кенжабоевич	1973	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	56-Нарпай сайлов округи
55.	Полванов Шуҳрат Тагаймуратович	1977	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	60-Самарқанд сайлов округи
56.	Раджапов Нодирбек Мухторович	1972	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Халқ банкининг Жиззах вилояти филиали бошқарувчиси	Жиззах вилояти, Зарбдор тумани	31-Зарбдор сайлов округи

Давоми

57.	Расулов Хамдамбек Курбоналиевич	1981	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	68-Шеробод сайлов округи
58.	Рахимов Шерзод Абдухалилович	1984	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти Кенгаши раиси	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри	99-Фарғона сайлов округи
59.	Раҳматов Саттор Неъматович	1973	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	119-Чироқчи сайлов округи
60.	Рузметов Хайрулло Ибодуллаевич	1964	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани	111-Шовот сайлов округи
61.	Сабиров Назир Нажметдинович	1973	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти худудий бошқармаси бошлиғи	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	26-Пайкент сайлов округи
62.	Саидрахметова Нилуфар Закиржоновна	1978	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт қонунчилиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	79-Бўка сайлов округи

Давоми

63.	Саидов Акмал Холматович	1958	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси райси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани	117-Қасби сайлов округи
64.	Саматов Улугбек Гаффарович	1977	Ўзбекистон «Адолат» социал- демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	133-Кўкча сайлов округи
65.	Саъдуллаев Дилмурод Сафохонович	1983	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	53-Иштихон сайлов округи
66.	Свешников Полянте Грамитонович	1954	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	129-Дўм- биробод сайлов округи
67.	Сулаймонов Умиджон Қурбонович	1983	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбир- корлар ҳуқуқларини химоя қилиш бошқармасининг бош маслаҳатчиси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	97-Қўштепа сайлов округи
68.	Султонов Зафар Рашидович	1981	Ўзбекистон «Адолат» социал- демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Навоий вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	38-Нурога сайлов округи

69.	Таджиев Одилжон Патихджонович	1984	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	85-Чиноз сайлов округи
70.	Тангиров Даврон Хуррамович	1974	Ўзбекистон «Адолат» социал- демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Сурхондарё вилояти Табиат- ни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри	75-Сариосиё сайлов округи
71.	Темирханова Бибисанем Таджибаевна	1964	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	2-Тўрткўл сайлов округи
72.	Тохтаева Мухаббат Абдуллаевна	1963	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани	80-Бўстонлик сайлов округи
73.	Туляков Элдор Собиржонович	1986	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги тадқиқот марказининг бош консультанти	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	86-Чирчиқ сайлов округи
74.	Тумишова Аксавли Молдагалиевна	1965	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Зарафшон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директори	Навой вилояти, Зарафшон шаҳри	36-Зарафшон сайлов округи
75.	Турғунов Собитхон Тошўлатович	1965	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	42-Косонсой сайлов округи

Давоми

76.	Турдиев Содиқжон	1952	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар характери – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар характери – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани	12-Шаҳрихон сайлов округи
77.	Турсунбаев Шухрат Мирайимович	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	83-Паркент сайлов округи
78.	Турсунов Ўткир Абдугафорович	1983	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар характери – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Навой вилояти Адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари	Навой вилояти, Навой шаҳри	37-Хатирчи сайлов округи
79.	Тўхтабаев Абдурашид Турсунович	1953	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	17-Қўرғон-тепа сайлов округи
80.	Тухтабаев Шухрат Абдулмаҳмудович	1979	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, партиясиз	Наманган вилояти Адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари	Наманган вилояти, Наманган шаҳри	41-Тошбулок сайлов округи
81.	Тухташев Шерзод Азимович	1979	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, партиясиз	Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани прокурори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	54-Капта-қўрғон сайлов округи
82.	Убайдуллаев Мирзохид Муродилович	1976	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Фарғона вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри	104-Қувасой сайлов округи

83.	Умаров Ёқуб Дониёрович	1972	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	«Асакабанк» давлат акция-дорлик тижорат банки департаменти бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	59-Пайарик сайлов округи
84.	Умаров Зақир Сабирджанович	1980	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз	Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	125-Дархон сайлов округи
85.	Умаров Нариман Маджитович	1952	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	76-Узун сайлов округи
86.	Умаров Фарход Бақоевич	1977	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Бухоро вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи	Бухоро вилояти, Когон тумани	24-Ибн Сино сайлов округи
87.	Умиров Абдуғани Эргашевич	1964	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри	123-Насаф сайлов округи
88.	Уринбоев Аваз Рустамович	1978	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Фарғона вилояти бўлими бошқарувчиси	Фарғона вилояти, Олтиарик тумани	103-Бувайда сайлов округи
89.	Уролова Дилфуза Джумановна	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Мирзаобод тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-кизлар кўмитаси раиси	Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани	66-Янгиер сайлов округи
90.	Файзиёва Дилором Хуснитдиновна	1962	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	130-Бодомзор сайлов округи
91.	Ҳажиев Иноят Садуллаевич	1974	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи	Хоразм вилояти, Урганч тумани	107-Гурлан сайлов округи

Давоми

92.	Хайтов Урал	1956	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	114-Қамаши сайлов округи
93.	Халбутаев Эркин Эргашевич	1977	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация техно- логиялари давлат кўмитаси Жиззах вилояти худудий бошқармаси бошлиғи	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри	29-Жиззах сайлов округи
94.	Халилова Наргиз Алихановна	1960	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг бош мутахассиси	Наманган вилояти, Наманган шаҳри	39-Дўстлик сайлов округи
95.	Хамраев Алишер Шоназарович	1968	Ўзбекистон «Миллий тикла- ниш» демократик партияси, партиясиз	Қашқадарё вилояти хўжалик суди раисининг ўринбосари	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	61-Тайлок сайлов округи
96.	Хамракулов Абдуллажон Кадирович	1973	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Андижон кишлоқ хўжалик институтини академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори	Андижон вилояти, Асака тумани	14-Марҳамат сайлов округи
97.	Ханиязов Зафар Базарбаевич	1980	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Қорақалпоғистон Республикаси «Гуямўйин– Нукус» минтақалараро сув ўтказгичдан фойдаланиш бошқармаси директори	Қорақал- поғистон Республикаси, Нукус шаҳри	7-Орол сайлов округи
98.	Ходжаева Мавлудахон Исламовна	1962	Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин- қизлар кўмитаси раиси	Фарғона вилояти, Кўкон шаҳри	90-Бешарик сайлов округи

99.	Ходжиев Иброхим Икрамович	1989	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти Кенгаши раиси	Наманган вилояти, Наманган шаҳри	46-Учқўрғон сайлов округи
100.	Худайбергенов Салауатдин	1973	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри	5-Хўжайли сайлов округи
101.	Худоярова Гулшана Бердиназаровна	1972	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Тошкент ахборот технологиялар университетининг Қарши филиали директори ўринбосари	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри	116-Косон сайлов округи
102.	Цветков Владислав Олегович	1978	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз	Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг судьяси	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	134-Кўйлик сайлов округи
103.	Шадманов Адхам Хурсанбаевич	1965	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	51-Сўғдиёна сайлов округи
104.	Шадманов Алишер Каюмович	1962	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Андижон давлат тиббиёт институти ректори	Андижон вилояти, Андижон тумани	18-Избоскан сайлов округи
105.	Ширинов Джахонгир Джабборович	1982	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	25-Варахшо сайлов округи
106.	Шукуров Элбек Хабибуллаевич	1988	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	135-Шайхонтоҳур сайлов округи

Давоми

107.	Эгамов Айбек Нормухаммедович	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Андижон вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи	Андижон вило- яти, Избоскан тумани	13-Асака сайлов округи
108.	Эргашев Кахрамон Пайзуллаевич	1964	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	118-Китоб сайлов округи
109.	Эрназаров Комилжон Юлдашалиевич	1984	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Сирдарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи	Сирдарё вило- яти, Сирдарё тумани	65-Сайхун сайлов округи
110.	Эшматова Феруза Фарходовна	1979	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	120-Шаҳри- сабз сайлов округи
111.	Эшназаров Тулкин Шералиевич	1963	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти илмий котиби	Тошкент шаҳри, Олмазор тумана ни	58-Паст- даргом сайлов округи
112.	Юнусова Алия Туйгуновна	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	77-Ангрен сайлов округи
113.	Якубов Шухрат Умматалиевич	1981	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	40-Сардоба сайлов округи

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар
Р Ў Й Х А Т И**

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Маъмурий-ҳудудий бирлик
1.	Абдубакиев Сиддик Аҳмаджонович	1963	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	Андижон вилояти
2.	Абдуғаниев Отабек Абдухамидович	1974	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	Сирдарё вилояти
3.	Айтжанова Нурия Джалгасбаевна	1966	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	Қорақалпоғистон Республикаси
4.	Алиханов Борий Батирович	1961	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экология ва агроф-мухитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг раиси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Тошкент шаҳри
5.	Гаппоров Хайрилло Лутиллаевич	1971	Наманган давлат университетининг Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори	Наманган вилояти, Наманган тумани	Наманган вилояти
6.	Джақбаров Садиржан Аминжанович	1957	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Олмасор тумани	Фарғона вилояти
7.	Жуманиёзов Кувондик Йўлдашевич	1966	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали кафедраси мудири	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри	Хоразм вилояти
8.	Куватов Фарходжон Мурадлуллаевич	1977	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Навоий вилояти

Давоми

9.	Қурбонов Абдурахим Эшонқулович	1974	Ўзбекистон Республикаси Олий Маж- лиси Қонунчилик палатаси депутаты	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	Сурхондарё вилояти
10.	Мамарахимов Ойбек Муратович	1974	Ўзбекистон Республикаси Олий Маж- лиси Қонунчилик палатаси депутаты	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	Жиззах вилояти
11.	Насиров Қабил Эркинович	1959	Ўзбекистон Республикаси Фанлар ака- демияси Бюроганик кимё институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Тошкент шаҳри
12.	Самойлов Сергей Владимирович	1952	Ўзбекистон Республикаси Олий Маж- лиси Қонунчилик палатаси депутаты	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Тошкент вилояти
13.	Турсунов Собит Ахмадович	1973	Самарқанд вилоят Табиғатни муҳофаза қилиш кўмитаси Ер ресурсларини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиги	Самарқанд вилоя- ти, Жомбой тумани	Самарқанд вилояти
14.	Холбоев Фахриддин Рахмонқулович	1966	Ўзбекистон Республикаси Олий Маж- лиси Қонунчилик палатаси депутаты	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	Бухоро вилояти
15.	Хушвақтов Ислам Норташович	1967	Ўзбекистон Республикаси Олий Маж- лиси Қонунчилик палатаси девони хо- дими	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Қашқадарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИ БЎЙИЧА
АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШНИ
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳақидаги баённомаларини кўриб чиқиб, 22 та сайлов округи бўйича депутатликка номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозларни тўплай олмаганлигини аниқлади.

Округ сайлов комиссияларининг тегишли қарорларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 45-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 22 та округ сайлов комиссиялари томонидан такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилгани маълумот учун қабул қилинсин.

22 та сайлов округида такрорий овоз бериш 2015 йил 4 январь – якшанба куни иловага мувофиқ ўтказилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 45-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш сайлов округи бўйича энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади;

такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида илгари тузилган сайловчиларнинг рўйхатлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича такрорий овоз бериш учун бюллетенлар нашр этиш ва жойларга етказиб бериш билан боғлиқ ишлар Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги 638-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилсин.

6. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 25 декабрь.*

**2015 ЙИЛ 4 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР
САЙЛОВИ БЎЙИЧА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ
ЎТКАЗИЛАДИГАН САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ
Р Ў Й Х А Т И**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА:

3-Элликқалъа сайлов округи

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

10-Олтинқўл сайлов округи

БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

23-Шохруд сайлов округи

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

30-Дўстлик сайлов округи

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

34-Навоий сайлов округи

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

45-Уйчи сайлов округи

48-Чуст сайлов округи

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

52-Булунғур сайлов округи

Сирдарё вилояти бўйича:

67-Оқолтин сайлов округи

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

70-Термиз сайлов округи

71-Жарқўрғон сайлов округи

72-Қумқўрғон сайлов округи

73-Шўрчи сайлов округи

74-Денов сайлов округи

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

78-Бекобод сайлов округи

89-Дўстобод сайлов округи

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

91-Данғара сайлов округи

95-Риштон сайлов округи

98-Марғилон сайлов округи

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

106-Боғот сайлов округи

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

115-Нишон сайлов округи

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

124-Оқтепа сайлов округи

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 50, 52, 55-моддалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни 17-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг биринчи ташкилий сессиялари 2015 йилнинг 9 январига қадар ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлислари 2015 йил 13–14 январь кунлари иловага мувофиқ ўтказилсин (*жадвал илова қилинади*).

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига депутатларнинг қўшма мажлислари ўтказиладиган жой ва биноларни белгилаш, уларни жиҳозлаш ва иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайловига оид сайлов бюллетенларини Марказий сайлов комиссиясининг 2005 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетени намунасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 241-сон Қарори асосида тегишли санок комиссияси қарорига мувофиқ тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сайланган Сенат аъзоларини рўйхатдан ўтказиш учун депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов яқунлари тўғрисидаги баённомасини икки кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссиясига юборилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,

2014 йил 31 декабрь.

Илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар,
туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари
депутатларининг қўшма мажлисларини ўтказиш
Ж А Д В А Л И**

№	Худуд	Сана	Ўтказиладиган жой
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	13.01.2015	Нукус шаҳри
2.	Андижон вилояти	14.01.2015	Андижон шаҳри
3.	Бухоро вилояти	13.01.2015	Бухоро шаҳри
4.	Жиззах вилояти	14.01.2015	Жиззах шаҳри
5.	Навоий вилояти	14.01.2015	Навоий шаҳри
6.	Наманган вилояти	13.01.2015	Наманган шаҳри
7.	Самарқанд вилояти	13.01.2015	Самарқанд шаҳри
8.	Сирдарё вилояти	14.01.2015	Гулистон шаҳри
9.	Сурхондарё вилояти	13.01.2015	Термиз шаҳри
10.	Тошкент вилояти	13.01.2015	Чирчиқ шаҳри
11.	Фарғона вилояти	13.01.2015	Фарғона шаҳри
12.	Хоразм вилояти	13.01.2015	Урганч шаҳри
13.	Қашқадарё вилояти	13.01.2015	Қарши шаҳри
14.	Тошкент шаҳри	14.01.2015	Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2015 йил 4 январь куни 22 та сайлов округида ўтказилган такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги Қонуни 5-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11, 44, 45, 48, 49-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов округларида сайланган 22 нафар депутат иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 5 январь.*

Илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайлов округларида такрорий овоз бериш натижасида сайланган депутатлар Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партиёга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (маншулогининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Акрамова Зулайхо Абдуразоқовна	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Жиззах вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри	30-Дўстлик сайлов округи
2.	Арзикулов Саҳобиддин Жиянбоевич	1969	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилоят филиали директори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	52-Булуғур сайлов округи
3.	Арипов Даврон Рахимович	1974	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, партиясиз	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	78-Бекобод сайлов округи
4.	Бекатова Зумрад Раҳимбаевна	1968	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш ишини ташкил қилиш бўлими бош мутахассиси	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри	3-Элликқалъа сайлов округи
5.	Жумабаев Акмалжон Адилевич	1983	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти Кенгаши раиси	Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани	10-Олтинқўл сайлов округи

Давоми

6.	Қулмагов Шерзод Дустмуратович	1981	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Сирдарё вилояти Хусурийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри	67-Оқолтин сайлов округи
7.	Малякубов Анварбек Эгамович	1960	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Хоразм вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бош мутахассиси	Хоразм вилояти, Урганч тумани	106-Боғот сайлов округи
8.	Мирзаев Кахрамон Элмуратович	1982	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Юридик бўлими қатта референти	Сурхондарё вилояти, Денов тумани	74-Денов сайлов округи
9.	Норбаев Турсунпулат Юсупович	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	«Махалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси	Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани	71-Жарқўрғон сайлов округи
10.	Пирмагов Жамшид Азимович	1977	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Акциядорлик тижорат «Ипотека банк» Қашқадарё вилояти филиали бошқарувчиси ўринбосари	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри	115-Нишон сайлов округи
11.	Раҳманов Акмал Эргашевич	1967	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	45-Уйчи сайлов округи
12.	Тожиев Козим Ўқтамович	1984	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят Кенгаши раиси	Навоий вилояти, Навбахор тумани	34-Навоий сайлов округи

13.	Тошқулов Абдуқодир Хамидович	1976	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	70-Термиз сайлов округи
14.	Турсунов Муродулла Холсаидович	1979	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Марказий банкнинг Сурхондарё вилояти бўйича бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри	72-Қумқўрғон сайлов округи
15.	Умаралиев Акмалжон Акбаралиевич	1974	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси республика Кенгаши раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	89-Дўстобод сайлов округи
16.	Умирзаков Акмалжон Ахаталиевич	1981	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Тошкент давлат юридик университети «Халқаро оммавий ҳуқуқ» кафедраси раиси	Тошкент шаҳри, Сирғали тумани	95-Риштон сайлов округи
17.	Ҳакимов Рахим Расулжонович	1983	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амадлагги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	48-Чуст сайлов округи

Давоми

18.	Холияров Ёрмагат Бердикулович	1960	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси	Ўзбекистон Республи- каси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги- нинг Машина ва асбоб- ускуналарнинг техник холагини назорат қилиш давлат бош инспекция- си («Ўздавтехназорат» инспекцияси) бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	73-Шўрчи сайлов округи
19.	Холов Утқир Шомуродович	1970	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республи- каси Олий суднинг судьяси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	23-Шохруд сайлов округи
20.	Хусанова Мухтабар Акбаровна	1983	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Респуб- ликаси Президенти хузуридаги Амалда- ги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими	Тошкент шаҳри, Ўчтепа тумани	124-Оқтепа сайлов округи
21.	Шарафутдинов Шухрат Хурсанович	1965	Тадбиркорлар ва ишби- лармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал- демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республи- каси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Давлағлараро барқарор ривожланиш комиссияси Илмий текшириш мар- кази Ўзбекистон Респуб- ликасидаги бўлинмаси раҳбари	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	91-Данғара сайлов округи
22.	Эшонкулов Бунёдjon Махаммадалиевич	1982	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, партиясиз	Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг Ин- сон ҳуқуқларини химоя қилиш бўлими бошлиғи	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани	98-Марғилон сайлов округи

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ 2014 ЙИЛНИНГ
ИККИНЧИ ЯРМИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ВА
2015 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ИШ РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йилнинг иккинчи ярмида амалга оширган ишлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адиловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 5 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИ
ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 10-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 2015 йил 12 январь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.
2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2015 йил 13–14 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлислари баённомаларига асосан куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи
Қорақалпоғистон Республикаси				
1.	Аннакличева Гулистан Ахмедовна	1948	«Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири	Нукус шаҳри
2.	Атаниязова Орал Аминовна	1956	Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори	Нукус шаҳри
3.	Ерниязов Муса Тажетдинович	1947	Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг Раиси	Нукус шаҳри
4.	Матмуратов Батир Джолдасович	1960	Қорақалпоқ давлат университети маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлари бўйича проректори	Нукус шаҳри
5.	Хожаниязов Гайратдин	1948	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг археология бўлими мудири	Нукус шаҳри

6.	Эрманов Фарход Уразбоевич	1958	Беруний тумани ҳокими	Беруний тумани
Андижон вилояти				
1.	Абдурахманов Шухратбек Кушакбаевич	1969	Андижон вилояти ҳокими	Андижон шаҳри
2.	Мадумаров Толибжон Абдумаликович	1959	Андижон давлат университети ректори	Андижон шаҳри
3.	Маматкулов Шукуржон	1940	Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори	Олтинкўл тумани
4.	Тургунов Айбек Аширович	1962	Андижон олимпия захиралари коллежи оғир атлетика бўлими мураббийи	Андижон шаҳри
5.	Эргашев Авазжон Якубжонович	1966	Қўрғонтепа тумани ҳокими	Қўрғонтепа тумани
6.	Юлдашева Тожибар Ўктамовна	1954	Хўжаобод тумани Шаҳрихонсой шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат, маънавий- ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси	Хўжаобод тумани
Бухоро вилояти				
1.	Бахронов Тохир Саидович	1959	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» мил- лий авиакомпаниясининг Бухоро халқаро аэропорти директори	Бухоро шаҳри
2.	Латипов Азим Шукурович	1951	Шофиркон тумани «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари	Шофиркон тумани
3.	Мавлонов Шавкат Тешаевич	1960	Пешку тумани ҳокими	Пешку тумани
4.	Останов Раззоқ Маризаевич	1954	Аму-Бухоро машина каналини ишлатиш вилоятлараро бошқармаси бошлиғи	Бухоро шаҳри
5.	Тураев Рустам Худайберганович	1948	Олот тумани 7-Олимпия спорт мактаб-интернати директори	Олот тумани

6.	Эсанов Муҳиддин Турдиевич	1952	Бухоро вилояти ҳокими	Бухоро шаҳри
Жиззах вилояти				
1.	Бабабеков Абдусаттар Раҳманович	1972	Дўстлик тумани ҳокими	Дўстлик тумани
2.	Искандаров Тургун Хасанович	1965	Жиззах шаҳри «Янги авлод» хусусий корхонаси раҳбари	Жиззах шаҳри
3.	Исмаилов Сайфиддин Умарович	1959	Жиззах вилояти ҳокими	Жиззах шаҳри
4.	Тилабов Азим Искандарович	1971	Ғаллаорол тумани ҳокими	Ғаллаорол тумани
5.	Тураева Гулнора Мамадалиевна	1964	Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси	Жиззах шаҳри
6.	Эшматов Анорбой Аббасович	1958	Жиззах вилояти Фермерлар кенгаши раиси, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Анвар» фермер хўжалиги бошлиғи	Пахтакор тумани
Навоий вилояти				
1.	Менликулов Алим Кушенович	1963	Томди тумани Керизбулоқ ширкат хўжалиги раиси	Томди тумани
2.	Сатторова Гулчехра Хайитовна	1961	Кармана туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директори	Кармана тумани
3.	Турдимов Эркинжон Оқбутаевич	1969	Навоий вилояти ҳокими	Навоий шаҳри
4.	Турсунов Кобул Бекназарович	1964	Нурота тумани ҳокими	Нурота тумани
5.	Умаров Фахритдин Саматович	1964	Учкудук тумани ҳокими	Учкудук тумани
6.	Ўроқов Исомидин Барноевич	1958	Навоий вилояти Фермерлар кенгаши раиси, Навбахор тумани «Мартабали» фермер хўжалиги раҳбари	Навбахор тумани

Наманган вилояти				
1.	Бозаров Хайрулло Хайитбаевич	1976	Мингбулоқ тумани ҳокими	Мингбулоқ тумани
2.	Каимов Носиржон Закиржанович	1972	Тўрақўрғон тумани ҳокими	Тўрақўрғон тумани
3.	Максудов Мухаммаджон	1957	Ўзбекистон миллий телерадио- компанияси Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг директори	Наманган шаҳри
4.	Маткаримов Пахридин Жураевич	1965	Наманган муҳандислик- педагогика институтининг ректори	Наманган шаҳри
5.	Муминов Солижон Джалилович	1970	Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи	Наманган шаҳри
6.	Юсупов Баходир Турсунович	1961	Наманган вилояти ҳокими	Наманган шаҳри
Самарқанд вилояти				
1.	Бердиева Зайнаб Файзиллаевна	1961	Каттакўрғон тумани 20-мактаб директори	Каттакўрғон тумани
2.	Жўраев Абдумўмин Суннатович	1961	Пайариқ тумани ҳокими	Пайариқ тумани
3.	Кабулниязов Ёлқин Шукруллаевич	1977	«JV MAN Auto-Uzbekistan» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси бош директори	Самарқанд шаҳри
4.	Мирзаев Зойир Тоирович	1968	Самарқанд вилояти ҳокими	Самарқанд шаҳри
5.	Раббимова Нигора Исаевна	1964	Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси	Самарқанд шаҳри
6.	Садиков Норкул Саидович	1965	Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси бошлиғи – вилоят бош архитектори	Самарқанд шаҳри

Сирдарё вилояти				
1.	Ашурматов Ойбек Шодмонкулович	1966	Сирдарё вилояти ҳокими	Гулистон шаҳри
2.	Каратаев Икрам Ташпулатович	1962	Сайхунобод тумани Фермерлар кенгаши раиси	Сайхунобод тумани
3.	Кудратов Арипжан Нормаматович	1958	Сирдарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази кардио- ревматология бўлими мудири	Гулистон шаҳри
4.	Кудратов Исроил Турсунбаевич	1962	Янгиер шаҳар ҳокими	Янгиер шаҳри
5.	Чинибеков Хуснитдин Кучкарович	1958	Ховос тумани ҳокими	Ховос тумани
6.	Шаимов Мирзахмат Исмаатович	1953	«Сирдарё иссиқлик электр стан- цияси» очик акциядорлик жамия- ти бош директори	Ширин шаҳри
Сурхондарё вилояти				
1.	Арипова Шохида Рахматовна	1958	Термиз шаҳар 4-сонли ихтисос- лаштирилган умумтаълим мактаб- интернати директори	Термиз шаҳри
2.	Мамараимов Тожимурод Нормуродович	1957	Сурхондарё вилояти ҳокими	Термиз шаҳри
3.	Ортиков Бахтияр Бегимкулович	1975	Ангор тумани ҳокими	Ангор тумани
4.	Умидов Шокиржон Уралович	1977	Бойсун тумани ҳокими	Бойсун тумани
5.	Хайдаров Мамат Эшкулович	1960	Термиз давлат университети ректору	Термиз шаҳри
6.	Хидиров Очилди Гулатович	1956	Сариосиё тумани «Ўзбекистон» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси	Сариосиё тумани
Тошкент вилояти				
1.	Баратова Сайёра Рахматовна	1960	Юқори Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиника бош шифокори	Юқори Чирчиқ тумани

2.	Варисова Максуда Азизовна	1961	Зангиота тумани «Назарбек» қишлоқ врачлик пункти мудир	Зангиота тумани
3.	Насиров Ренат Усманович	1954	«Олмалиқ кон-металлургия ком- бинати» акциядорлик жамияти Қалмоқир кон бошқармаси Шарқий карьеры бошлиғи	Олмалиқ шаҳри
4.	Норбўтаев Равшан Мамараимович	1972	Янгийўл тумани ҳокими	Янгийўл тумани
5.	Пирматов Рашид Хусанович	1964	«Ўзбекистон металлургия комби- нати» очик акциядорлик жамияти муҳандислик маркази раҳбари – бош муҳандис ўринбосари	Бекобод шаҳри
6.	Усманов Ахмад Тугилович	1957	Тошкент вилояти ҳокими	Тошкент шаҳри
Фарғона вилояти				
1.	Бутаев Абдурашид Якубович	1958	Олтиариқ тумани ҳокими	Олтиариқ тумани
2.	Ганиев Шухрат Мадаминович	1968	Фарғона вилояти ҳокими	Фарғона шаҳри
3.	Кавланова Камила Анваровна	1962	Тошлок тумани ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси	Тошлок тумани
4.	Мажидов Рустамали Ахмадалиевич	1965	Бешариқ тумани «Рапқон» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори	Бешариқ тумани
5.	Сидикова Энахон Абдурахимовна	1954	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими раҳбари	Фарғона шаҳри
6.	Юлдашев Шарипджон	1949	«Кўқон механика заводи» очик акциядорлик жамияти директори	Кўқон шаҳри
Хоразм вилояти				
1.	Абдиқаримова Сайёра Сапаевна	1963	Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси	Урганч шаҳри

2.	Бобожонов Пўлат Раззақович	1961	Хоразм вилояти ҳокими	Урганч шаҳри
3.	Қурбанов Ўктамбой Кучқорович	1960	Ҳазорасп тумани ҳокими	Ҳазорасп тумани
4.	Ражабов Шарипбой	1952	Боғот тумани «Боғот» фермер хўжалиги бошлиғи	Боғот тумани
5.	Рузметов Эгамберган	1946	Ўзбекистон фахрийларини қўллаб- қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Урганч шаҳар бўлими раиси	Урганч шаҳри
6.	Тажиев Баҳадир Садуллаевич	1958	Хоразм вилояти Фермерлар кенгаши раиси	Урганч шаҳри
Қашқадарё вилояти				
1.	Абдиев Суён Мажитович	1955	Қарши туманидаги «Тараққиёт агротехсервис ҳамкор» муқобил машина трактор парки бошлиғи	Қарши тумани
2.	Абраров Исломиддин Джамолович	1974	Шаҳрисабз технология касб-хунар коллежи директори	Шаҳрисабз тумани
3.	Базаров Абдимурат	1942	Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги раҳбари	Қамаш тумани
4.	Оманов Абдушқур Овчиевич	1962	Дехқонобод тумани ҳокими	Дехқонобод тумани
5.	Рузиев Зафар Шаропович	1964	Қашқадарё вилояти ҳокими	Қарши шаҳри
6.	Холбоев Нормумин Яхшиевич	1976	Касби тумани ҳокими	Касби тумани
Тошкент шаҳри				
1.	Гаибназаров Боходир Рихсиалиевич	1970	Олмазор тумани ҳокими	Тошкент шаҳри
2.	Дадаходжаев Фаррух Саидахмедович	1949	«Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри

Давоми

3.	Низамходжаев Зайниддин Махаматович	1954	В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлими мудири	Тошкент шаҳри
4.	Усманов Раҳманбек Джахангирович	1960	Тошкент шаҳар ҳокими	Тошкент шаҳри
5.	Хикматов Хайрулла Хикматович	1947	Олмазор туманидаги «Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Тошкент шаҳри
6.	Шин Агрепина Васильевна	1958	Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори	Тошкент шаҳри

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 15 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИ
ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 81-моддасининг 2-қисми, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 10-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2015 йил 22 январь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.
2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 19 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ
С. АРТИКОВА ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида»ги ПФ–4698-сон Фармонига асосан Светлана Баймирзаевна Артикова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб тайинланганлиги муносабати билан 2015 йил 26 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 3 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ
САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Камилжон Махаматкулович Адилов Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 3 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ АЪЗОСИ С. КУРБАНКУЛОВ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Суяржон Машарифович Курбанкулов Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби этиб сайлансин.

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2015 йил 3 февраль.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН КУЗАТУВЛАР НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА
МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ
КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ
БАЁНОТИ**

Мониторингни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун шарт-шароитлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) таклифига биноан МДХ кузатувчилари миссияси (бундан буён матнда Миссия деб юритилади) 2014 йилнинг 8 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга (бундан буён матнда сайлов деб юритилади) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан мониторингни амалга оширди.

Миссия таркибида Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон, шунингдек МДХ Ижроия кўмитасининг вакиллари бўлган 76 нафар кузатувчи аккредитация қилинган эди.

Миссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган ҳужжатлар, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ, сайлов жараёнининг боришига ва давлатнинг ички ишларига ара-лашмаслик принципига риоя қилган ҳолда амалга оширди.

Миссия очик ва ошкора ишлади, унинг фаолияти матбуотда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда ёритилди. Миссия штаби томонидан иккита ахборот, сайловга тайёргарликни кузатиш жараёни ҳақида Миссиянинг оралик ҳисоботи чиқарилди, оммавий ахборот воситалари вакилларига интервьюлар берилди.

Сайлов мониторинги доирасида МДХ кузатувчилари миссияси Раҳбари С. Лебедев Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов, ШХТ кузатувчилари миссияси Раҳбари, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош қотиби ўринбосари М. Ҳақдодов ҳамда ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси Раҳбари Д. Эвертс билан учрашди, шунингдек Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳридаги округ ҳамда участка сайлов комиссиялари иши билан танишди.

Ҳамдўстлик кузатувчилари сайлов кампаниясининг боришини Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги вакиллари билан муҳокама қилишди. Сайловда иштирок этган барча сиёсий партиялар раҳбарияти билан учрашувлар бўлиб ўтди.

МДХнинг узоқ муддатли кузатувчилари Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш бўйича ишларини ўргандилар.

Кузатувчиларга комиссияларнинг фаолияти билан монеликсиз танишиш ҳуқуқи берилди.

Миссия Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловни мониторинг қилиш учун зарур шароитлар яратиш борасида қабул қилинган чора-тадбирларни ижобий баҳолади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун қонунчилик базаси

Сайлов ўтказиш учун қонунчилик базасини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (бундан буён матнда Конституция деб юритилади), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари ташкил этади.

Сайлов жарёнларини янада демократлаштириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида 2012 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, Қонунда сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни ўтказиш турлари, шакллари ва услублари мустаҳкамланди. Бундан ташқари, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва уни ўтказиш таомили белгилаб қўйилди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи янги боб билан тўлдирилди.

Миссия экспертлари Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигини таҳлил қилиб, шуни қайд этишди: у фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини, сайловларни умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ташкил этишни, яширин овоз беришни, сайлов ҳуқуқлари ҳимоясининг ва электорал низоларни ҳал этишнинг механизмлари мавжуд бўлгани ҳолда сайловни мустақил сайлов органлари томонидан ташкил этишни таъминлаш тўғрисидаги қоидаларни ўзида мужассам этган ҳамда бу халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига жавоб беради.

Миссия қайд этишича, сайлов қонунчилигининг изчил такомиллаштирилиб борилгани очик, эркин ва демократик сайловлар ўтказиш учун зарур ҳуқуқий асосларни яратди.

Сайлов комиссияларини шакллантириш ва уларнинг фаолияти

Сайлов кампаниясини ўтказишни Марказий, 135 та округ ва 9035 та, шу жумладан хориждаги 44 та участка сайлов комиссиялари таъминлади.

2014 йилда Конституциянинг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясига доимий фаолият кўрсатувчи, мустақил конституциявий орган мақоми берилди. Унинг фаолияти принциплари тасдиқланди: мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 15 кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади. Марказий сайлов комиссияси аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тақдимномаси бўйича сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида унинг аъзолари орасидан сайланади.

Округ сайлов комиссиялари (ОСК) Марказий сайлов комиссияси томонидан раис, раис ўринбосари, котиб ва комиссиянинг олти нафардан кам бўлмаган аъзолари таркибида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тақдимномаси бўйича тузилди.

Участка сайлов комиссиялари (УСК) округ сайлов комиссиялари томонидан раис, раис ўринбосари, котиб ва 5 нафардан 19 нафаргача комиссия аъзолари таркибида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари тақдимномаси бўйича тузилди.

Округ сайлов комиссиялари сайловчиларни ҳар бир участка сайлов комиссиясининг чегаралари, участка сайлов комиссиясининг жойлашган жойи тўғрисида хабардор қилишни ташкил этди. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхатлари комиссияларнинг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

Миссия қайд этдики, округ ва участка сайлов комиссияларини шакллантириш Қонунда белгиланган тартиб ва муддатларга мувофиқ кечди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишни босқичма-босқич ҳамда аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда олиб борди.

Ушбу мақсадларда Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини қабул қилди, унда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий принциплар, вазифалар, устувор йўналишлар ва чора-тадбирлар белгиланган.

2014 йилнинг май ойидан бошлаб фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида халқаро конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб борилди, уларда республика сайлов тизимини ривожлантириш, унинг демократик сайловлар ўтказишнинг умумэътироф этилган нормаларига мослиги масалалари муҳокама қилинди.

Сайловларни ўтказишда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда республикада биринчи марта сайловда иштирок этадиган сайловчилар учун ҳуқуқий мавзулар бўйича комплекс тушунтириш чора-тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, сайлов жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокига бағишланган давра суҳбатлари ва семинарлар ҳам бўлиб ўтди.

Сайлов қонунчилигидаги янгиликлар ва уларни амалда қўллаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш қоидалари билан таништириш мақсадида мамлакатнинг барча минтақаларида сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида туркум семинар-тренинглар ўтказилди. Уларнинг айримларида Миссия вакиллари иштирок этишди.

Вилоят телеканалларида ва марказий телевидение орқали участка сайлов комиссияларининг сайлов кундаги иши тўғрисида ўқув фильмлари, шунингдек муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов бюллетенини тўлдириш тартиби ҳақидаги роликлар намоёниш этилди.

Участка сайлов комиссиялари сайлов тўғрисидаги зарур услубий адабиётлар, ахборот материаллари ва кўргазмаларни воситаларни олишди.

Самарали фаолият олиб бориш учун округ ва участка сайлов комиссиялари ташкилий техника, алоқа воситалари ва автотранспорт билан таъминланди.

МДХ кузатувчилари сайлов участкаларига ташриф буюриб, сайлов комиссиялари аъзоларига маслаҳат ёрдами кўрсатишга ҳаракат қилишди, аниқланган иш юритишга оид айрим камчиликларни бартараф этиш, овоз бериш жараёнининг янада яхши кўринишини таъминлаш мақсадида овоз бериш кабиналарини, сайлов қутиларини жойлаштириш бўйича тавсияларни самимий баён этишди. Участка сайлов комиссияларининг аъзолари МДХ кузатувчиларининг тавсияларига тушуниш билан муносабат билдиришди.

Сайлов жараёнининг бош ташкилотчиси ҳисобланган Марказий сайлов комиссияси ошкора ва очик ишлади. Унинг мажлислари халқаро кузатувчилар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтди.

Марказий сайлов комиссияси оммавий ахборот воситалари салоҳиятидан сайлов жараёнининг ошкоралиги ва очиклигини таъминлашда самарали фойдаланди.

Ушбу мақсадларда, олдинги сайловларда бўлгани каби, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот

воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан сайлов жараёни боришини ёритиш бўйича битимлар имзолади.

Телевидение ва радиоканаллари орқали бўлажак сайловлар тўғрисидаги ахборот роликлари мунтазам трансляция қилинди. Овоз беришга чақириқлар кўргазмалари реклама воситаларидан фойдаланган ҳолда жойлаштирилди. Сайловчиларнинг мобил воситаларидан телефонларига сайловда иштирок этишга чақириқлар SMS-хабарлар тарзида жўнатилди.

Участка сайлов комиссиялари овоз бериш санаси, жойи ва вақти кўрсатилган сайловга таклифномаларни сайловчиларга жўнатишди.

Сайлов кампаниясининг бориши ҳақида жамоатчиликни объектив ва тезкор тарзда хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказини, вилоят сайлов комиссиялари ҳузурида эса матбуот гуруҳларини тузди.

Сайловни ўтказиш билан боғлиқ ахборотлар Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтига жойлаштирилди ва тезкор равишда янгилаб борилди.

Миссия қайд этишича, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик бўйича фаолияти амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Депутатликка номзодларни кўрсатиш ва рўйхатга олиш

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат. Улардан 135 нафари ҳудудий бир мандатли округлар бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларнинг долзарблиги муносабати билан парламент қуйи палатасида 15 та ўрин Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатларига берилган.

Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзоси тўпланиши керак, бунда партия томонидан маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) тўпланган имзолар сони талаб этилаётган миқдорнинг 8 фоизидан ошмаслиги керак.

Сиёсий партиялар депутатликка ҳар бир сайлов округи бўйича бир нафардан 135 нафар номзодни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Сиёсий партиялар Қонунда белгиланган муддатларда депутатликка номзодлар кўрсатилган ўз съездлари ва конференцияларини ўтказдилар ва Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатлар ҳамда ўзларини қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзолари қўйилган имзо варақаларини тақдим этдилар.

Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текширишни ташкил этиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоатчилик вакиллари, ички ишлар, адлия органлари, шунингдек аҳолининг ҳисобини юритувчи муассасалар мутахассислари таркибида ишчи гуруҳи тузилди.

Ҳар бир сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари имзо варақалари тўғри тузилганлигини текшириш жараёнида иштирок этишди.

Ишчи гуруҳ хулосасига кўра, сайловчиларнинг сиёсий партияларни қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтказилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Сиёсий партиялар томонидан жами 540 нафар депутатликка номзод кўрсатилди. Марказий сайлов комиссияси 535 нафар номзодни рўйхатга олди. Кейинчалик 3 нафар номзод ўз аризаларига кўра рўйхатдан чиқарилди. Шу тариқа Қонунчилик палатасидаги 135 та ўринга 532 нафар номзод даъвогарлик қилди.

Қонун талабларига мувофиқ рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг рўйхатлари маҳаллий матбуотда ва Марказий сайлов комиссиясининг сайтида эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларига қараганда, депутатликка номзодларнинг 26,5 фоизини таълим соҳаси, 20,2 фоизини ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари, 20,8 фоизини иқтисодчилар, 14,2 фоизини ҳуқуқшунослар, 10,1 фоизини соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ташкил этди. Номзодларнинг 13,8 фоизи аввал ҳам депутатликка сайланган.

Ҳар бир сиёсий партия Қонуннинг 22-моддаси талабларини бажарди ва депутатликка номзодлар сонининг 30 фоизидан кам бўлмаган хотин-қизларни кўрсатди.

Миссия фикрича, номзодлар кўрсатиш ва депутатликка номзодларни рўйхатга олиш бўйича барча тадбирлар қонунчилик талабларига мувофиқ ошкоралик ва очиқлик шароитида амалга оширилди.

Сайловолди ташвиқоти ва сайлов кампаниясининг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланди ва 2014 йил 19 декабрда якунланди.

Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги қарорига биноан ҳар бир сиёсий партияга Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг («Ўзбекистон» ва «Ёшлар») каналларида сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун ҳафтасига 238 дақиқадан эфир вақти ажратилди (шу жумладан, 5 дақиқадан – сиёсий партиялар лидерлари учун). Бундан ташқари, теле- ва радиоканалларда ҳар куни кунига икки маротабадан сиёсий партияларнинг сайловолди роликлари ягона блокда трансляция қилинди.

Сиёсий партиялар вакиллари ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари алифбо тартибда амалга оширилди.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодларнинг теледебатлари ҳар ҳафта давлат марказий ва минтақавий телеканалларида, шунингдек хусусий нодавлат телеканалларида олиб борилди.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг чиқишларини нашр қилиш учун «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида бепул асосда тенг босма майдонлари ажратилди.

Депутатликка номзодлар эфир вақти ва босма майдонларидан пуллик асосда ҳам фойдаланишди.

Сайловчиларнинг овозлари учун кураш партия газеталарининг саҳифаларида ҳам йўлга қўйилди. Интернет-ижтимоий тармоқлар, сиёсий партияларнинг веб-сайтлари, шунингдек интернет-нашрлар имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Туман ва шаҳарлардаги кўргазмали реклама воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш учун сиёсий партияларга тенг шароитлар таъминланди. Ушбу мақсадлар учун 1212 та махсус конструкция ва тахталавҳалар, шунингдек 25 та электрон монитордан фойдаланилди, уларда сиёсий партияларнинг 30 сониялик роликлари ягона блокда трансляция қилинди.

Сиёсий партиялар сайловчилар билан бевосита учрашувларга алоҳида эътибор қаратишди. Сайловолди ташвиқоти даврида 10 мингдан ортиқ ана шундай учрашувлар ўтказилди.

Миссия аъзолари қайд этишича, сайловчилар билан учрашувлар очиклик ва ошкоралик руҳида, батартиб, миллий менталитет ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда ўтказилди.

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ташвиқот олиб боришга йўл қўйилмади. Шунингдек, сайловга бир кун қолганида илгари

ташқи реклама воситаларида жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари олиб ташланди.

Миссия сайловолди ташвиқоти фаол ва сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилганини қайд этди.

Миссия фикрича, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга адолатли ва очиқ сайловолди кураши учун яратилган тенг шароитлар ва кенг имкониятлар сиёсий плюрализм асосидаги соғлом рақобатга хизмат қилди.

Сайловчилар рўйхатлари

Қонунга мувофиқ сайловчилар рўйхатига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхатни тузиш пайтида тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган фуқароларнинг фамилиялари киритилди.

Сайловчилар рўйхатлари участка сайлов комиссиялари томонидан жамоатчилик вакиллари жалб этган ҳолда, маҳаллий ижро ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилди.

Участка сайлов комиссиялари сайловга 15 кун қолганида фуқароларга рўйхатлар билан танишиш ва уларнинг тўғри тузилганлигини текшириш имкониятини яратиш берди. Ҳар бир сайловчи сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига ариза қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хато ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт бўлди.

Қандайдир сабаблар билан рўйхатга киритилмаган сайловчи сайлов куни шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотида қараганда, сайловда иштирок этиш учун 20 миллион 700 мингдан ортиқ сайловчи рўйхатга киритилди.

Миссия фикрича, сайловчилар рўйхатини тузиш ва аниқлаштириш жараёни Ўзбекистон Республикасининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларига сайловда иштирок этиш ҳуқуқини берди.

Шикоят ва аризалар

Сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар, сайловчилар ва кузатувчилар сайлов комиссиялари қарорлари устидан юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. МСК қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиш мумкин эди. Қонунга мувофиқ аризалар уларнинг мурожаатларини судларда ёки сайлов комиссияларида муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Марказий сайлов комиссияси, Бош прокуратура, Олий судга сайлов жараёнига тааллуқли бўлган шикоят ва аризалар келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборотига кўра, сайлов кампанияси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар қайд этилмади.

Овоз бериш ва сайловчиларнинг овозларини санаб чиқишни кузатиш

Қонунга мувофиқ, сайлов куни яшаш жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчилар 2014 йилнинг 11 декабридан 19 декабрга қадар участка сайлов комиссияси биносида овоз беришлари мумкин бўлди.

Миссия вакиллари муддатидан олдин овоз бериш жараёнини кузатдилар ва у Қонунга мувофиқ ўтказилганлигини қайд этдилар.

Сайлов куни (2014 йил 21 декабрь) овоз бериш соат 6.00 дан 20.00 га қадар ўтказилди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига биноан комиссия аъзоларига овоз беришни ушбу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширди.

Миссия вакиллари Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кузатувни амалга ошириб, 85 та сайлов округидаги 707 та сайлов участкасига ташриф буюришди.

Улар сайлов участкаларининг очилишида иштирок этишди, овоз бериш ва участка сайлов комиссиялари томонидан натижаларни аниқлаш жараёнини кузатишди.

МДХ кузатувчилари ахборотларига кўра, овоз бериш Қонун талабларига мувофиқ бўлди ва осойишта шароитда, фуқароларнинг юқори даражадаги иштирокида ўтди.

Сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнини 70 мингдан ортиқ миллий кузатувчилар ва сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари кузатиб турди.

МДХ кузатувчилари фикрига кўра, мониторингда бу қадар кўп кузатувчининг қатнашиши сайловнинг бориши устидан фуқаролик назоратини кучайтириш имконини берди.

Миссия аъзолари участка сайлов комиссиялари томонидан овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатишди. Кузатувчиларнинг баҳолашича, улар ташриф буюрган участкаларда овозларни санаб чиқиш жараёнининг кўринарли бўлишини таъминловчи шароитларда кузатувни амалга оширишнинг реал имконияти яратилди.

Кузатувчилар ўз ҳисоботларида сайлов натижаларига таъсир қилмайдиган айрим хатолар ва нуқсонларни қайд этишди.

Сайлов комиссиялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда мамлакат фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари амалга ошишини таъминлади.

Миссия аъзолари Ўзбекистон экологик ҳаракати Конференциясида иштирок этишди ва 15 нафар депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши Қонунга мувофиқ ўтди, деб таъкидлашди.

Хулосалар

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси қуйидаги хулосаларга келди:

– 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги сайлов қонунчилиги ва умумэътироф этилган халқаро демократик ҳуқуқий нормалар талабларига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилди;

– сайлов кўппартиявийлик асосида ўтди ва рақобатли, шаффоф, очиқ бўлди ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари таъминланди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА САЙЛОВГА (2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ) ТАЙЁРГАРЛИК
КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК
ТАШКИЛОТИ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ
БАЁНОТИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таклифига биноан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Кузатувчилари миссияси (бундан буён матнда Миссия деб юритилади) 2014 йилнинг 19 декабридан 22 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Парламенти) Қонунчилик палатасига 2014 йил 21 декабрдаги сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан мониторингни амалга оширди.

ШХТ иштирокчи давлатлари ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 2006 йил 15 майдаги 8-сонли Қарори билан тасдиқланган Президент ва/ёки парламент сайловлари, шунингдек референдумлардаги ШХТ Кузатувчиларининг миссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ Миссияга Бош котибнинг ўринбосари М.М. Ҳақдодов раҳбарлик қилди. Миссия таркибини ШХТ Котибиятининг уч нафар ходими ва ШХТ иштирокчи давлатларининг ўн икки нафар вакили ташкил этди.

Миссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, шунингдек ШХТ Кузатувчиларининг миссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширди.

Миссия сайлов кампаниясининг боришини Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар сайлов комиссияси вакиллари билан муҳокама қилди. Учрашувлар давомида таъкидландики, Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида мамлакат Конституциясига ва сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди. Бу сайловга бошқа давлат органларининг ҳар қандай аралашувларисиз тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминлайди. Бу сайловларнинг демократиклиги, очиқлиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг яна бир муҳим кафолати бўлди.

ШХТ Кузатувчилари миссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этувчи сиёсий партиялар: Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси,

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурлари билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига мувофиқ парламент қуйи палатасида 15 та ўрин Ўзбекистон экологик ҳаракатига берилган.

Сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар очик ва ошкора, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъий мувофиқ ҳолда ўтказилди. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилди. Партиялар сайловчилар билан мустақил равишда учрашувлар ўтказиш имконига эга бўлдилар.

Миссиянинг фаолияти халқаро кузатувчиларга қўйиладиган талабларга мувофиқ амалга оширилди. Сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ШХТ кузатувчилари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервьюлар беришди, шунингдек Марказий сайлов комиссияси томонидан халқаро кузатувчилар ва ОАВ учун ўтказилган брифингларда иштирок этишди.

Овоз бериш ва сайлов жараёни натижаларини аниқлашнинг боришини ҳолис баҳолаш мақсадида Миссия Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишди.

Сайловни ўтказиш куни Миссия 2014 йил 21 декабрь куни маҳаллий вақт билан соат 6.00 дан 20.00 га қадар очик бўлган, Тошкент шаҳрида, шунингдек Тошкент вилоятининг шаҳарлари ва аҳоли пунктларида жойлашган 73 та сайлов участкасига ташриф буюрди.

Қайд этиш лозимки, участка сайлов комиссияларининг иши Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ташкил этилган. Овоз бериш жараёнида мамлакат фуқароларининг фаол иштироки кузатилди.

Миссия вакиллари ташриф буюрган сайлов участкаларида Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партияларидан кузатувчилар, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари бор эди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси миссиялари вакиллари ва Осиё, Европа, Африка ҳамда Американинг 50 дан ортиқ мамлакатининг кузатувчилари томонидан ҳам мониторинг ўтказилди.

Юқорида қайд этилган кузатувчилардан сайлов жараёнида шикоят ва эътирозлар Миссияга келиб тушмади.

Айрим сайлов участкаларида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлишди.

Миссия вакиллари сайлов участкаларининг ёпилишида, бюллетенларни санаб чиқиш ва овоз бериш натижалари бўйича тегишли баённомаларни тузиш-

да иштирок этишди. Мазкур жараёнлар давомида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бузилиши Миссия томонидан аниқланмади.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўлиб ўтганлигини ва у Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мувофиқ ўтказилганлигини қайд этди.

Миссия фикрича, сайлов шаффоф, транспарентли ва демократик бўлди. Сайлов натижаларини шубҳа остига қўядиган ҳуқуқбузарликлар аниқланмади.

ШХТ Кузатувчилари миссияси Марказий сайлов комиссиясига, Ташқи ишлар вазирлигига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат муассасаларига, шунингдек жамоат ташкилотларига сайловни кузатишни амалга ошириш вақтида унга кўрсатилган кўмак учун миннатдорлик билдиради.

**Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти
кузатувчилари миссияси,
2014 йил 22 декабрь**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳрида 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Парламент қуйи палатасининг биринчи мажлисини қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг раиси М. Абдусаломов очди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қатнашди.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳукумати аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Депутатлар мажлисининг кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов яқунлари тўғрисида ахборот берди. Бунда Ўзбекистонда парламент сайлови сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитларда, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, қонун ҳужжатларининг талабларига, умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди.

Сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларга ташвиқот олиб бориш, ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли кенг қатламларига етказиш учун тенг шароитлар яратилди. Қонунчиликка мувофиқ мамлакатимиз фуқаролари ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун кенг имкониятлар яратилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини юзлаб халқаро ва маҳаллий кузатувчилар кузатиб борди.

Умуман олганда, бўлиб ўтган сайловлар фуқароларнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий етуклиги ўсганлигини ёрқин намоён этди. Сайлов Ўзбекистон халқининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳоли фаровонлиги ва Ватан равнақини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги ҳамжиҳатлигининг кўзгуси бўлди.

Қонунчилик палатасига сиёсий партиялардан ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишлари бўлиб ўтиб, мазкур йиғилишларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи шакллантирилди, уларнинг раҳбарлари сайланди. Мажлис чоғида палата аъзолари сиёсий партиялар фракцияларини ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг таклифига кўра қуйи палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгашини тузди.

Оқсоқоллар кенгашининг таклифига биноан депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддинжон Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари лавозимларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари Содикжон Турдиевни, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратовни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмоновни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Наримон Умаровни, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи раҳбари Борий Алихоновни сайлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ кўмита раиси лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублиги ҳамда сайловда олинган сайловчилар овозлари сони ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Кўмита раиси лавозимларига номзодлар юзасидан таклифлар депутатлар фракциялари раҳбарлари томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар асосида киритилади. Шу муносабат билан Қонунчилик палатасининг депутатлари томонидан қуйи палата кўмиталарининг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда кўмиталар раисларининг лавозимларини сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Депутатлар парламент қуйи палатаси кўмиталари раисларини ҳам сайлади.

Кўриб чиқилган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

Тошкентда 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

Йиғилишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. Сенаторлар Сенат биринчи мажлисининг котибиятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича назорат гуруҳини сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Мажлисида Сенатни шакллантириш очиқлик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, миллий сайлов қонунчилигимиз талабларига тўла мувофиқ ўтгани таъкидланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг қўшма мажлисларида 84 сенатор сайланди. Президентимиз томонидан 16 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

Сенат давлат ва жамият фаолиятининг фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида алоҳида хизмат кўрсатган, катта ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқаролардан шакллантирилгани қайд этилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Мажлис иштирокчилари Сенат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Ниғматилла Йўлдошевни, Раис ўринбосарлари этиб Светлана Ортиқова ва Муса Ерниязовни сайлади.

Мажлисида сенаторлар Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Ташқи сиёсат масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва Экология кўмиталарини ташкил этди ҳамда уларнинг раисларини сайлади. Сенатнинг Регламент ва одоб комиссияси ҳам тузилди.

Мажлисида кўрилган барча масалалар юзасидан Сенат қарорлари қабул қилинди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини батафсил текшириб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси текшириш яқунларига кўра ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Таъкидландики, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича барча тадбирлар қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ ҳолда, ошқоралик ва очиклик муҳитида амалга оширилган.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Мажлисида сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан, ташқи реклама имкониятларидан ва сайловолди ташвиқотининг бошқа шакллари ва усулларида фойдаланган ҳолда олиб бориш тартиби тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини ҳам тасдиқлади.

Шунингдек, мажлисида Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европа Иттифоқининг мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депу-

татлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида сўзлаб берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда барқарор ва изчил ривожланаётган сиёсий тизим яратилди, профессионал асосда икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилган.

Миссияларнинг раҳбарлари Ўзбекистоннинг сайлов жараёнини янада демократлаштиришга, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган сайлов қонунчилигидаги янги меъёрлар билан таништирилди.

Шунингдек, барча сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида тенг шароитлар яратилиши сайлов қонунчилигининг ижобий белгиларидан бири эканлиги ҳақида фикр юритилди.

Европа Иттифоқи делегацияси аъзолари мамлакатимизда сайлов амалиётини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ўзгартишларнинг муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни таклиф қилди.

Учрашув мобайнида бутун сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошқоралигини, халқаро кузатувчиларнинг иштирокини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди. Халқаро ташкилотлар ва чет эл давлатларининг кўп вакиллари Ўзбекистондаги сайловларни кузатишда иштирок этиш истагини билдирди.

* * *

1 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг мамлакатимизга ташриф буюрган кузатувчилари миссияси асосий гуруҳи аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов меҳмонларга мамлакатимизда сайлов кампанияси бориши ҳақида сўзлаб берди. Хусусан, меҳмонлар 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури амалга оширилаётгани билан таништирилди. Миссия аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ва сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган янгиликлар билан ҳам таништирилди.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси фаолиятини, унинг Ўзбекистонда сайловни кузатиш бўйича Марказий

сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масаласи хусусида атрофлича фикр алмашинди.

Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун масъул конституциявий орган сифатида Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг ҳуқуқий қафолатлари сезиларли равишда мустаҳкамлангани, мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик комиссия фаолиятининг асосий принциплари экани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган қўшимчаларга биноан сайлов жараёнига жалб этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг сайлов қонунчилигига риоя этиш, Марказий сайлов комиссияси қарорларини сўзсиз бажариш бўйича жавобгарлиги кучайтирилгани алоҳида қайд этилди.

Учрашувда томонлар ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси аъзолари фаолияти сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, уни халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ ташкил этишга қўмаклашишига ишонч билдиришди.

Элчи Даан Эвертс оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида таъкидлаганидек: «сўнгги йилларда Ўзбекистон қонунчилигига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Биз Ўзбекистонга ушбу нормалар амалда қандай ишлашини кўриш учун ташриф буюрдик. 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган парламент сайлови Ўзбекистон келажаги учун муҳим воқеадир. Марказий сайлов комиссиясида ўтказилган учрашувдан сўнг мамлакатингизда сайловга жиддий тайёргарлик кўрилгани ҳақида фикрга эга бўлдик. Ўзбекистонга ушбу муҳим сиёсий воқеани ўтказишда муваффақият тилаймиз».

Элчи Даан Эвертс қайд этишича, Миссия сайловларни Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган муддат ва тартибларга мувофиқ, узоқ муддатли асосда кузатади. Бу кузатув партиялар ва депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини қандай олиб бораётгани, оммавий ахборот воситалари сайловчиларни сайлов жараёнининг бориши ҳақида қандай хабардор қилаётганини ўз ичига олади. Миссия аъзолари мамлакатнинг бир қатор ҳудудларга ташриф буюриб, сайлов комиссияси фаолияти билан танишади.

* * *

2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди. Мажлисида сиёсий партияларнинг вакиллари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) элчи Даан Эвертс бошчилиги-

даги кузатувчилар миссияси аъзолари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлисида халқаро ташкилотлардан кузатувчилар миссияларини ва хорижий давлатлардан кузатувчиларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақида қарор қабул қилинди.

Мажлис якунида ЕХХТ ДИИХБ кузатувчилари миссияси аъзоларига белги-ланган намунадаги мандатлар топширилди.

* * *

8 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун бошчилигида МДХ кузатувчилари миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайловга оид қонунлар ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ очик ва ошқора ўтказилаётган 2014 йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирди.

МДХ кузатувчилари миссиясининг узок муддатли гуруҳи аъзолари, шунингдек, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратилгани ҳақида маълумотга эга бўлишди.

Тадбирда таъкидланганидек, МДХ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида Миссиянинг штаби иш бошлайди ва кузатувларни ташкил этиш билан боғлиқ барча тадбирларни ўтказди. Миссия штаби сайлов жараёни бориши ҳақида материалларни йиғиш, ишлаш ва таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва телевизион дастурлар ҳамда босма ОАВда чиқаётган янгиликларни мониторинг қилиш, сиёсий партиялар сайловолди штаблари раҳбарияти, депутатликка номзодлар билан учрашувлар ўтказиш, кузатувчиларни ҳудудларга юбориш ва уларнинг иш тартибини белгилаш каби вазифаларни амалга оширади.

В.Гаркун журналистларга интервью берар экан, МДХ кузатувчилари миссияси фаолиятининг асосий принципи холислик эканини таъкидлади. МДХ Кузатувчилари миссиясининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган ҳужжатларга қатъий амал қилган ҳолда сайловларни кузатиш бўйича халқаро тажриба асосида олиб борилади.

МДХ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода фикрига кўра, «Ўзбекистонда демократик сайловларни ўтказиш учун жуда кўп иш қилинган. МДХ кузатувчилари миссияси олдинги парламент сайловларида ҳам қатнашган. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилиги анча ривожланиб, энг юқори демократик талабларга тўлиқ жавоб беради. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлигини таъминлаш қафолатлари кучайтирилган».

Тадбир якунида меҳмонларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқини берадиган тегишли намунадаги мандатлар топширилди.

* * *

12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар томонидан сайловолди ташвиқоти даврида ОАВдан фойдаланишини мониторинг қилиш натижаларига бағишланган навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Халқаро кузатувчилар, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва ОАВ вакиллари иштирок этган мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Тадбирда таъкидланганидек, сайлов қонунчилигига асосан барча сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга адолатли, очик ва ошкора сиёсий рақобат ва кураш учун тенг имкониятлар ва қафолатлар яратилган.

2014 йилнинг 15 ноябридан сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, улардаги мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга етказишга қаратилган сайловолди ташвиқотини бошладилар.

Жорий йилги сайловолди ташвиқотида сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар барча оммавий ахборот воситаларида алифбо тартибида чиқиш қилмоқда. Унга мувофиқ, биринчи бўлиб Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, сўнг Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси материаллари бериб борилмоқда.

Мажлизда қайд этилганидек, сайловолди ташвиқотининг ўтган даврида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар томонидан амалдаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари қайд этилмади.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле- ва радиоканалларида прайм-вақтда чиқишлари жадвалига риоя қилинмоқда. Бунда ҳар бир сиёсий партияга бир хил эфир вақти, яъни ҳафтасига

теле- ва радиоэфирда 238 дақиқадан, шу жумладан, 2 марта 15 дақиқадан теле- ва радиодастурга, 5 дақиқа сиёсий партиялар етакчиларига ажратилган. Партиянинг теле- ва радиороликлари эфирга ягона 5 дақиқали блокда (ҳар бир партия учун 75 сониядан) ва 2 дақиқали блокда (ҳар бир партия учун 30 сониядан) узатилмоқда.

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг вакиллари, депутатликка номзодларнинг теледебатлари ҳам ўтказилмоқда.

Маҳаллий теле- ва радиоканалларда партиялар роликлари кунига икки марта ягона блокда, сиёсий партияларнинг вилоятлар органлари раҳбарлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар чиқиш қилишлари учун 5 минут, партия фаоллари, депутатликка номзодлар иштирокидаги кўрсатув ва эшиттиришларга 15 минут вақт ажратилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳар бир сиёсий партия ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар маҳаллий теле- ва радиоканалларда ҳафтасига 900 минутдан ортиқ эфир вақтидан фойдаланмоқда.

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» республика газеталарида сайловолди ташвиқоти материаллари чоп этилмоқда. Бунинг учун газеталарнинг иккинчи саҳифаси бепул ажратиб берилган. Сиёсий партиялар сайловчилар овози учун курашни ўзларининг матбуот нашрлари саҳифаларида тўлиқ олиб бормоқда.

Сайловолди ташвиқоти кампаниясида ташқи реклама воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Сиёсий партиялар томонидан мамлакатимизнинг турли бурчакларида 1212 та махсус конструкциялар ва шитлар, ягона блокда 30 секундлик партиялар роликлари намойиш қилинаётган 25 та электрон мониторлардан фойдаланилмоқда.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлар сайловини ўтказувчи 21-Бухоро, 34-Навоий ва 126-Темирўлчилар округ сайлов комиссиялари раисларининг тайёргарлик ишлари ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Шунингдек, 9–12 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ташкил этилган ҳудудий семинар-тренинглари дастлабки якунлари ҳам кўриб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси вакилининг округ ва участка сайлов комиссиялари биноларини техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар давлат қўмитасининг округ ва участка сайлов комиссияларини алоқа воситалари билан таъминлаш ҳолатини мониторинг қилиш якунлари бўйича ҳисоботи эшитилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

31 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Мазкур Қонуннинг 50-моддасига кўра, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Олий Мажлис Сенатига сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қабул қилинган қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2015 йил 13–14 январь кунлари ўтказилиши белгиланди.

Комиссия аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим сайлов округларида 2015 йил 4 январда ўтказиладиган такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан белгиланган комплекс тадбирлар ижросини кўриб чиқди.

Такрорий овоз бериш ўтказиладиган 22 та сайлов округида такрорий овоз беришни қонун талаблари асосида, уюшқоқлик билан юксак демократик савияда ўтказиш учун барча ташкилий чоралар кўрилди. Такрорий овоз бериш бўйича сайлов бюллетенлари Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилиниб, ўз вақтида тегишли сайлов округлари ва участкаларига етказиб берилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

5 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов олиб борди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ,

2015 йил 4 январда 22 та сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш натижаларини инобатга олган ҳолда мамлакат парламенти Қонунчилик палатаси сайлови якунлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 нафар депутати рўйхатга олинди.

Шунингдек, мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

* * *

2015 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Марказий сайлов комиссияси парламент қуйи палатасининг биринчи мажлисини 12 январь куни Тошкент шаҳрида чақириш ва унинг кун тартибига ташкилий масалаларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

10 январь куни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясида парламентимиз қуйи палатасига сайланган депутатларга гувоҳнома ҳамда кўкрак нишонларини топшириш тантанали маросими ўтказилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, депутатлар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

* * *

15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2015 йил 13–14 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш бўйича қўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси аъзолари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида очик ва ошкора ўтди. Қонунчилик бузилиши билан боғлиқ бирор-бир ҳолат қайд этилмади.

Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди.

Марказий сайлов комиссияси сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олди.

* * *

19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М. Абдусаломов олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Марказий сайлов комиссияси парламент юқори палатасининг биринчи мажлисини 2015 йил 22 январь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

20 январь куни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов парламентимиз юқори палатаси аъзоларига гувоҳнома ҳамда кўкрак нишонларини топшириб, сенаторларнинг келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Ушбу тантанали маросимда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сенаторлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИДА

17 ноябрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов оммавий ахборот воситалари ходимларига Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси ҳақида ахборот берди ва журналистларни мазкур мажлисда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ва сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги қарорлар билан таништирди.

Маълумки, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қонунда белгиланган муддатларда ўзининг қурултой ва съездларини ўтказди. Ушбу тадбирларда партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Шундан сўнг, сиёсий партияларнинг раҳбарлари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни сўраб Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар раҳбарларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари билан бирга, уларга илова қилинадиган ҳужжатлар, хусусан:

- сиёсий партия юқори органининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;
- сиёсий партия юқори органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси;
- депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;
- депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган иши (хизмати)дан бўшаш тўғрисидаги аризаси қабул қилиб олинди.

Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган мазкур ҳужжатларни қонунда белгиланган 7 кунлик муддат ичида текшириб чиқишни ташкил этиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва масъул ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилди.

Депутатликка номзодларнинг ҳужжатларини текшириш жараёнида депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилганлиги, ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка ном-

зод кўрсатилганлиги, шу билан бирга, уларнинг депутатликка номзодларга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги масалалари ўрганиб чиқилди.

Айни пайтда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига биноан, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозимлиги ҳақидаги қонун меъёрига амал қилинганига алоҳида эътибор қаратилди. Рўйхатга олинган номзодларнинг 31,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўз сўзида таъкидлаганидек, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш борасидаги ишлар сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилинган ҳолда амалга оширилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлигига номзодлар орасида таълим-тарбия соҳаси вакиллари 26,5 фоизни, иқтисодчилар 20,8, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари 20,2, ҳуқуқ соҳаси вакиллари 14,2, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари 10,1 фоизни ташкил этади. Номзодларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, уларнинг 21,7 фоизи фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга. 13,8 фоизи илгари ҳам депутатликка сайланган.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига биноан, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш Қонунда белгиланган муддатда тугалланди.

Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг рўйхати номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, қайси партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида депутатликка номзодлар рўйхатга олингач, сайлов жараёнининг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти бошланиши таъкидланди. Бу жараён сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга оширилади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига биноан сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар таъминланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги низоми асосида

оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилади.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиш, сиёсий партияларнинг ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида уларнинг барча оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо тартибида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Уларга сайловчилар билан учрашувлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади. Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгаришларга биноан сиёсий партиялар сайловчилар билан учрашувларини мустақил равишда ўтказди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, сиёсий рақобат ва курашнинг адолатли, холисона, очиқ ва ошкора олиб борилиши учун барча сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга тенг имконият ва кафолатлар яратилиши сиёсий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги асосидаги соғлом рақобатни таъминлайди.

Қайд этилганидек, халқаро жамоатчилик юртимиздаги парламент сайлови-га катта қизиқиш билан қарамоқда. Ҳозирги кунда халқаро ташкилотлар ва қатор хорижий мамлакатларнинг кўплаб кузатувчилари халқаро кузатувда иштирок этишини тасдиқладилар. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳозиргача 300 дан ортиқ хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олдилар.

* * *

2014 йил 21 ноябрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида «Сайлов жараёнида хотин-қизлар фаоллигини ошириш – давр талаби» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Артиқова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани натижасида сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларига жавоб берадиган самарали меъёрий-ҳуқуқий базаси, демократик миллий сайлов тизими яратилди.

Мамлакатимиз сайлов тизими, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказишнинг принципиал қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларда мустаҳкамланган.

Бу ҳуқуқлардан барча фуқаролар, хусусан, хотин-қизлар самарали фойдаланиб, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этмоқда. Юртимиз тараққиёти йўлида бор салоҳият ва имкониятларини ишга солиб меҳнат қилиши учун хотин-қизларга барча зарур шарт-шароит яратилгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз БМТ томонидан қабул қилинган аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат ва халқаро шартномаларга кўшилган. БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Меҳнат ва бандлик соҳасида камситишлар тўғрисидаги конвенциялар шулар жумласидандир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга кўра, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозим. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайлов яқунлари бўйича хотин-қизлар жами сайланган депутатларнинг 7 фоизини ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 16 фоизга етди. 2009 йилда икки палатали парламентга ўтказилган сайловдан сўнг хотин-қизлар қуйи палата умумий таркибининг 22 фоизини ташкил этди. Сенат аъзоларининг 15 фоизи хотин-қизлардан иборат.

2009 йилда ўтказилган сайлов жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг 517 нафари, яъни 32 фоизини аёллар ташкил этган. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг 31,8 фоизи хотин-қизлардан иборатдир.

2013 йил ноябрь–декабрь ойларида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида 1310 нафар аёл ушбу масъулиятли лавозимга сайланганди. 2011 йилда бу кўрсаткич – 1264, 2008 йилда – 1160 нафарни ташкил этган эди.

Сайлов комиссиялари фаолиятида ҳам хотин-қизлар фаол иштирок этаётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибида аёллар қарийб 17 фоизни ташкил этади. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатларни сайлашга оид 135 округ

сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар 20,1 фоизни, участка сайлов комиссиялари таркибида эса 43,8 фоизни ташкил этмоқда.

Тадбирда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик – 2014 йилги сайлов кампаниясининг асосий принциплари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

* * *

25 ноябрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида «Сайловда иштирок этиш — менинг конституциявий ҳуқуқим» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати масъуллари ва фаоллари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Артикова тадбирни очар экан, фуқароларни, шу жумладан ёшларни сиёсий жараёндаги фаол иштироки демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришда муҳим омил эканлигини таъкидлади. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини татбиқ этиш доирасида ёшларни сайлов кампаниясида фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича барча зарур шарт-шароитлар яратилгани қайд этилди.

Тадбир давомида сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига киритилган ҳамда Ўзбекистон сайлов тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришга, бутун сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини очиқ беришга қаратилган маърузалар тингланди.

Бундай янгиликларни республика ёшлари орасида кенг тарғиб қилишда «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати муҳим ўрин тутаётганлиги ҳақида сўз борди. Ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимиз вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлат равнақи ва жамият фаровонлигининг кафолати» лойиҳасини амалга оширмоқда. Унинг доирасида ҳаракат фаоллари «тенгқур – тенгқурга» тамойили асосида жойларда ёш сайловчиларнинг хабардорлигини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, семинар ва суҳбатлар ўтказиб келмоқда.

«Ватан келажаги сенинг қўлингда!» шиори остида турли тадбирлар ўтказилмоқда. «Юрагингдан овоз бер!», «Сенинг овозинг хал қилувчи аха-

миятга эга», «Биринчи марта овоз бераман!», «Фуқаролик позициянгни намоян эт» мавзуларида видеороликлар, баннер ва буклетлар тайёрланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси каналлари, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг нодавлат теле- ва радиостанциялари орқали ёш сайловчиларни сайлов қонунчилиги нормалари ва сайлов амалиётидан хабардор қилишга, уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий роликлар трансляция қилинмоқда.

* * *

17 декабрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик миссиялар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, хорижий кузатувчилар, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўришнинг боришига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда МДХ ва ЕХХТ ДИИХБнинг сайловларни кузатиш бўйича миссияларининг вакиллари, хорижий кузатувчилар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл ва мамлакатимиз журналистлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов брифинг иштирокчиларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Таъкидланганидек, сайловлар – бу кучли фуқаролик жамияти бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришининг асосий шаклидир. Фуқаролар ўзларининг сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириб, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этади.

Парламент ва жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сайловларни юксак демократик даражада ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда миқёсига кўра катта тайёргарлик ишларини амалга оширди.

Жорий йилнинг 12 майида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят,

туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжатда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муҳим талаблар ва мақсадли вазифалар, аниқ вақт кўрсатилган жадвал асосида ўтказиладиган барча тадбирлар аниқлаб олинди. Бу сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни юксак демократик даражада ташкил этиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш учун шароитлар яратиш имконини берди. Сайлов қонунчилигини сайловчиларга кенг тушунтириш бўйича самарали ишлар ташкил этиш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва маънавий фазилатлари билан таништириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида сайловчиларнинг хабардорлиги даражасини оширишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 15 сентябрь куни парламент қуйи палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайлов кампанияси бошланди. Брифинг иштирокчилари 2014 йил парламент сайловида Ўзбекистоннинг барча тўртта сиёсий партиялари иштирок этаётганлиги ҳақида хабардор қилинди. Белгиланган муддатларда партияларнинг съезд ва қурултойлари ўтказилиб, уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Рўйхатга олинган номзодларнинг умумий сони 535 кишини ташкил этди, шу жумладан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан – 132 нафар, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 135 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан – 134 нафар ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – 134 нафар.

Бўлажак сайловларда иккинчи маротаба Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари иштирок этди. Уларга миллий парламент қуйи палатасидаги 150 та ўриндан 15 таси ажратилган. 21 декабрь куни Тошкент шаҳридаги Халқаро Бизнес марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференцияси ўтказилиши маълум қилинади.

Брифингда таъкидланганидек, сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар очик ва ошкора ҳамда қонунчиликка қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

Қонунчиликка мувофиқ сайлов куни ўз яшаш жойларида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчиларга муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқи берилган. Айрим сайловчилар саломатлигига кўра ёки бошқа сабаблар бўйича овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига мувофиқ участка сайлов комиссиялари овоз беришни улар турган жойда ташкил этди. Мудда-

тидан олдин овоз бериш жорий йилнинг 11 декабрида бошланиб, 19 декабрида тугайди.

Жорий йилнинг 15 ноябридан бошлаб сайлов кампаниясининг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти давом этди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга сайловолди дастурлари, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантириш бўйича долзарб масалалар юзасидан уларда баён этилган позицияларни сайловчиларга етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилди. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун текин асосда давлат теле- ва радиоканалларида тенг эфир вақти ҳамда республика ва маҳаллий босма ОАВда тенг босма майдони ажратилди. Сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодларнинг чиқишлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилди.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка номзодларнинг дебатлари қизиқарли ва қизғин ўтди. Улар ўз нуқтаи назарларини қатъий ҳимоя қилишди, жонли баҳслар бўлди. Теледебатлар ҳар ҳафта марказий ва ҳудудий телеканалларда, шунингдек, нодавлат телеканалларда ҳам ўтказилди.

Интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар, сиёсий партиялар веб-сайтлари, шунингдек, интернет-нашрлар имкониятларидан кенг фойдаланилди. Бир сўз билан айтганда, сайловчиларнинг сиёсий партиялар сайловолди платформалари, депутатликка номзодларнинг келажақдаги фаолияти, энг муносибларини сайлашни таъминлаш мақсадида уларнинг шахсий фазилатлари билан танишиш учун барча шароитлар яратилди.

Сиёсий партиялар бевосита сайловчилар билан учрашувларга алоҳида эътибор қаратди. Сайловолди ташвиқоти бошлангандан бери улар томонидан жами 10 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилган. Сайловолди ташвиқоти боришининг таҳлили кўрсатганидек, у фаол равишда ва сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилди.

Брифингда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, сайловларнинг очиклиги ва ошкоралиги кузатувчилар институти орқали таъминланди.

* * *

20 декабрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида халқаро ва хорижий кузатувчилар учун брифинг бўлиб ўтди.

Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон

сайлов органлари ассоциацияси сайловларни кузатиш бўйича миссияларининг раҳбарлари ва вакиллари, хорижий кузатувчилар, чет эл ва мамлакатимиз журналистлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов брифинг иштирокчиларига сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтаётган бу галги сайлов кампаниясининг хусусиятлари ҳақида гапириб берди.

Брифингда халқаро кузатув институтининг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ҳозирги вақтда халқаро ташкилотлардан кузатувчилар миссиялари Ўзбекистонга келиб, ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Булар: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти. Марказий сайлов комиссияси томонидан Осиё, Европа, Африка, Американинг 50 дан ортиқ давлатининг 300 дан зиёд кузатувчилари рўйхатга олинди.

* * *

2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 21 декабрь куни соат 13.00, 17.00 ва 22.00 да Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида овоз бериш боришига бағишланган брифинглар ўтказилди. Брифинглар тўғридан-тўғри Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали орқали трансляция қилинди.

Тадбирларда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан кузатувчилар, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

* * *

22 декабрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов парламент сайлови мамлакатимизни янада демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилишда муҳим босқич бўлганини таъкидлади.

Матбуот анжуманида дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 18 миллион 400 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этгани ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 89 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

8311 нафар сайловчи эса муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ парламент Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтган, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 113 сайлов округидан депутатлар сайланди. Қонунчиликка биноан қолган 22 сайлов округида икки ҳафта муддатда депутатликка энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз берилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 47, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 28, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 21, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 17 депутат сайланди.

Сайлов куни Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Марказий кенгаши Ижроия кўмитасининг вакилларида Қонунчилик палатасига номзод этиб кўрсатилган 15 нафар депутат яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги бошқа қонунларда мустаҳкамланган барча демократик норма ва принципларга риоя этилган ҳолда ўтказилгани таъкидланди.

Сайлов жараёнида маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолият кўрсатгани унинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга ёрдам берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини эликдан ортиқ давлатдан ва беш халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан 300 дан зиёд кузатувчи, шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 70 мингдан ортиқ кузатувчи ва ваколатли вакили кузатиб борди.

Сайловни мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 нафардан зиёд вакили ёритди. Уларнинг фаолиятига кўмаклашиш мақсадида сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилиб, унда журналистлар учун барча шароит яратилди. Бу ерда матбуот анжуманлари, брифинг ва семинарлар ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси жойлардан сайловга доир қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушмаганини таъкидлади.

Шундай бўлса-да, Марказий сайлов комиссияси ишонч телефони орқали муурожаатлар, таклифлар, баъзи масалалар юзасидан эътирозлар бўлди. Уларнинг барчасини қонунда кўрсатилган тартиб ва муддатда кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатининг олий органи – Конференция томонидан тақдим этилган баённомалар ҳамда бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ушбу ҳужжатларнинг ҳаммаси, зарур ҳолларда эса алоҳида участка сайлов комиссияларининг материаллари Марказий сайлов комиссияси томонидан яна бир бор синчиклаб кўриб чиқилади. Шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов яқунлари тўғрисида қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигига кўра, сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборот ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтгандан сўнг 10 кунлик муддатдан кечиктирмай матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида иштирок этган маҳаллий ва хорижий журналистларнинг 2014 йилги сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

* * *

Шу куннинг ўзида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти кузатувчилари миссиялари ҳам матбуот анжуманларини ўтказиб, 2014 йилги сайловларни кузатиш натижалари бўйича ўз баёнотларини эълон қилди.

* * *

5 январь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов яқунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов қайд этганидек, сайлов амалдаги сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, унда мустаҳкамлаб қўйилган очиқлик, ошқоралик ва муқобиллик ҳамда демократик тамойилларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида кўзда тутилган ташкилий-ҳуқуқий тад-

бирларнинг изчил амалга оширилгани бунга кўп жиҳатдан имкон берди. Қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талаблар барча учун бир хил ва мажбурийлигига сайлов кампанияси даврида тўлиқ амал қилинди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқотини амалга оширишда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда, сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган сайлов округларидан 127 тасида битта депутатлик мандати учун 4 нафардан номзод, 8 тасида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Умуман, мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 20 миллион 789 минг 572 нафар сайловчининг фамилияси киритилиб, сайловда 18 миллион 490 минг 245 нафар ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 88,94 фоизи қатнашди.

2014 йил 21 декабрдаги овоз бериш натижаларига кўра, 113 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ 21 декабрь куни Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Сиёсий партияларнинг кескин рақобати натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 22 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозларни тўплай олмади. Шу муносабат билан 2015 йил 4 январь куни ушбу округларда такрорий овоз бериш ўтказилди.

Сайлов қонунчилигига асосан такрорий овоз бериш 22 та сайлов округининг ҳар бирида асосий сайлов натижаларига кўра сайловчиларнинг энг кўп овозини олган икки нафар депутатликка номзод бўйича ўтказилди. Такрорий овоз беришда сайловчилар рўйхатига фамилиялари киритилган 3 миллион 434 минг 345 нафар сайловчидан 2 миллион 642 минг 63 нафар сайловчи иштирок этди ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 76,9 фоизини ташкил қилади.

Такрорий овоз бериш миллий сайлов қонунчилигининг барча қоидаларига мувофиқ умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида очик ва ошқора ўтказилди. Тегишли округларда депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб бориш ва бу мақсадда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиши мумкин эди. Такрорий овоз беришда сиё-

сий партияларнинг 5700дан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси брифинг қатнашчиларига маълум қилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижаларига кўра, парламент қуйи палатасига 150 нафар депутат, шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар; Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайланди. 15 нафар депутат Ўзбекистон экологик ҳаракатининг вакиллари дир. Сайланган депутатларнинг 24 нафари ёки 16 фоизи хотин-қизлар дир.

Сайланган 150 нафар депутатдан 40 нафари ёки 27 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатларнинг нафақат ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганлигидан, қолаверса, парламент қуйи палатасининг профессионал фаолиятида уларнинг ҳаётий тажрибаси ва қонун ижодкорлиги амалий кўникмаларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради. Қуйи палата таркибида жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари бор.

Сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти катта омил бўлиб хизмат қилди. Сайлов жараёнини 550 дан ортиқ миллий ва 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашрлар ёритиб борди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 9 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Сайловни кузатишда 5 та халқаро ташкилот – Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлиги ташкилотидан ҳамда 52 та давлатдан 340 дан ортиқ кузатувчилар, шунингдек, сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчилари ва ваколатли вакиллари иштирок этди.

Сайловларнинг демократик принциплар асосида ўтказилиши ушбу жараёнда қонун ҳужжатларига амал қилиниши барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг уюшқоқлик билан аниқ бажарган, мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига асосланган фаолияти орқали таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловда халқимиз Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлига содиқлигини яна бир қарра намоён этди.

САЙЛОВЧИ КУТУБХОНАСИ / БИБЛИОТЕКА ИЗБИРАТЕЛЯ

М. Абдусаломов. «Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 56 б.

Мазкур рисолада халқаро сайлов стандартлари тушунчаси, моҳияти, турлари ва манбалари, уларнинг миллий сайлов қонунчилигига имплементация қилиниши каби масалалар ёритиб берилган.

К. Адиллов, Р. Мирзаев. «Окружная избирательная комиссия: организационно-правовые аспекты деятельности». Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан. – Т.: ИПТД «Узбекистан», 2014. – 24 с.

В брошюре освещены организационно-правовые аспекты деятельности окружных избирательных комиссий по выборам в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан и местные Кенгаши народных депутатов, место и роль последних в обеспечении проведения выборов на основе принципов свободы и справедливости, порядок формирования избирательных органов, а также вопросы организации деятельности окружных избирательных комиссий.

Ш. Асадов, И. Исламов. «Краткий словарь по избирательному праву». Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан. – Т.: ИПТД «Узбекистан», 2014. – 40 с.

Данный словарь подготовлен для ознакомления широких слоев населения с содержанием юридических терминов, встречающихся в избирательном праве и избирательных процессах. В нем содержатся термины, используемые в деятельности институтов избирательного права и избирательных процессов.

Ш. Асадов, Х. Хайитов. «Сайлов ҳуқуқига оид атамаларнинг қисқача луғати». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 40 б.

Ушбу луғат Ўзбекистон Республикаси сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёнида учрайдиган юридик атамалар мазмунини кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида тайёрланган.

Ф. Бакаева. «Основные принципы и порядок организации выборов в представительные органы государственной власти на местах». Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан. – Т.: ИПТД «Узбекистан», 2014. – 40 с.

В брошюре изложены основные принципы выборов в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов; подготовительный этап выборов; выдвижение, регистрация кандидатов в депутаты в местные Кенгаши народных депутатов и их основные права; предвыборная агитация; порядок голосования, определения и опубликования результатов выборов.

И. Беков, К. Хамидова. «Сайлов ва сиёсий партиялар». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 64 б.

Мазкур рисолада Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сиёсий партиялар фаолиятида сайловнинг моҳияти ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайловида сиёсий партиялар иштироки, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли баён этилган.

Ш. Ёқубов, Т. Ахмедов. «Сайловолди ташвиқоти». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 32 б.

Мазкур рисолада сайловолди ташвиқотига оид энг муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Хусусан, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш тартиби, шакллари, усуллари ва турлари ҳақида, шунингдек, миллий сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотини амалга оширишга оид асосий қоидалар мазмун-моҳияти ёритилган.

Е. Канъязов, Ш. Зулфиқоров, О. Турғунов. «Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 40 б.

Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ҳамда сайлов қонунчилигининг конституциявий асослари ва тараққиёт босқичлари таҳлил этилган.

Международные избирательные стандарты и наблюдение за выборами: сборник документов и материалов / М.Э. Абдусаломов, А.Х. Саидов, Ж. Садыков, Н.Н. Нурматов. Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан, Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека. – Т.: Vaktoria press, 2014. – 416 с.

Настоящий сборник подготовлен Центральной избирательной комиссией Республики Узбекистан совместно с Национальным центром Республики Узбекистан по правам человека в целях ознакомления с основными положениями документов международных организаций – Организации Объединенных Наций, Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе, Парламентской Ассамблеи Совета Европы, Содружества Независимых Государств, Шанхайской организации сотрудничества по организации и проведению международного наблюдения за выборами.

Издание предназначено для участников избирательного процесса, организаторов выборов, а также ученых и широкого круга читателей, интересующихся вопросами международного наблюдения за выборами, обеспечения и защиты избирательных прав и свобод граждан при проведении свободных, справедливых и демократических выборов в условиях соблюдения принципов открытости, гласности, транспарентности всего избирательного процесса, участия национальных и иностранных наблюдателей в выборах.

Н. Нурматов, Н. Қосимова. «Сайлов жараёнларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 40 б.

Мазкур рисола оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнларини холисона ва тўлақонли ёритиш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ўзига хос хусусиятлари, бу борада журналистларнинг масъулияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнлари ҳамда сайлов кампаниясида сиёсий партиялар иштирокининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши каби масалаларга бағишланиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ш. Рўзиназаров. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг эркин демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги роли». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 40 б.

Мазкур рисолада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг эркин демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги роли ва унинг аъзоларига қўйиладиган талаблар, асосий принциплари ҳамда ваколатлари билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Ж. Садиқов, Ф. Машкуров. «Сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллари учун амалий қўлланма». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 72 б.

Мазкур рисолада 2014 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда қатнашадиган сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллари учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

А. Саттаров, З. Рузиев. «Участка сайлов комиссиялари: ташкилий-ҳуқуқий масалалар». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 32 б.

Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларига сайлов ўтказишда сайлов участкаларини тузиш тартиби ва уларнинг ваколатлари, шунингдек, сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатини тузиш билан боғлиқ масалалар қисқача баён этилган.

А. Саттаров, Д. Холманова. «Сайловда биринчи марта овоз берувчилар учун қўлланма». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 16 б.

Мазкур қўлланма фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ҳамда бу ҳуқуқ таъминланишининг ҳуқуқий асослари ва сайлов жараёнига оид маълумотлар таҳлилий материаллар асосида қисқача ёритиб берилган.

Д. Сўфиева. «Ўзбекистон хотин-қизларининг сайлов жараёнидаги иштироки» (ўзбек ва рус тилларида). Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 40 б.

Мазкур рисолада мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жумладан сайлов жараёнида хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш соҳасида умумэътироф этилган принцип ва нормалар, Ўзбекистон миллий қонунчилигининг асосий қоидалари ҳақида сўз юритилади.

Б. Шамсутдинов, А. Холмахматов. «Биринчи марта овоз берувчилар учун сайлов бўйича савол-жавоб». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 40 б.

Мазкур рисолада ёш сайловчининг сайлов участкасида эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар, овоз бериш ва унда хатоликка йўл қўйилган тақдирда кўриладиган чоралар ва сайловда овоз бериш жараёни тавсия қилинади.

Халқаро сайлов стандартлари ва сайловларни кузатиш: ҳужжатлар ва материаллар тўплами / М.Э. Абдусаломов, А.Х. Саидов, Ж. Садиқов, Н.Н. Нурматов. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази. – Т.: Vaktria press, 2014. – 424 б.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази билан ҳамкорликда сайловларни кузатишни ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Кенгаши Парламенти Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти каби халқаро ташкилотлар ҳужжатларининг асосий қоидалари билан таништириш мақсадида тайёрланган.

Нашр сайлов жараёни иштирокчилари, сайлов ташкилотчилари, шунингдек, олимлар ва сайловларни халқаро кузатиш, бутун сайлов жараёнининг очиклиги, ошкоралиги, транспарентлиги тамойилларига риоя қилиш, миллий ва хорижий кузатувчилар иштирок этиши шароитларида адолатли ва демократик сайловларни ўтказиш борасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари билан қизиққан кенг доирадаги китобхонларга мўлжалланган.

Э. Хожиев, М. Рустамбаев. «Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 24 б.

Мазкур рисолада 2014 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар жараёнида қонун ҳужжатлари нормаларини бузганлик, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга у ёки бу тарзда тўсқинлик қилиш ёхуд чеклаш ҳолатлари учун белгиланган жавобгарлик масалалари ёритилган

А. Холматов. «Международные избирательные принципы и национальное законодательство Республики Узбекистан». Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан. – Т.: ИПТД «Ўзбекистон», 2014. – 48 с.

Брошюра посвящена международным избирательным принципам и их имплементации в национальное избирательное законодательство Республики Узбекистан.

Ж. Холмуминов, Д. Умаров. «Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва сайлов қонунчилиги». Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. – 32 б.

Ушбу рисолада мамлакатимиз атроф-муҳитини муҳофаза қилишда Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолияти, сайлов жараёнида Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг иштироқи, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан кўрсатиладиган номзодларни сайлашнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, сайловлар жараёни ҳар бир мамлакатда давлат ҳокимияти ва унинг органлари фаолиятини қонунлаштирадиган ҳамда ушбу институтларнинг шаклланиши ҳамда фаолияти адолатли эканлигига аҳолида ишонч уйғотадиган сиёсий-ҳуқуқий қадрият ҳисобланиши каби масалаларга алоҳида тўхталинган.